



М. Ю. ЛЕРМОНТОВ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР



ИККИ ЖИЛДЛИК
БИРИНЧИ ЖИЛД

Шеърлар

Достонлар

*Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти*

ТОШКЕНТ
1978

Р
Л 44

ҲАМИД ҒУЛОМ
таҳрири остида

**Жамоатчилик асосида
тўплаб нашрга тайёрловчи
Муҳаммад Али**

Л $\frac{70401-106}{352(06)-78}$ 143---78

УНИ ЛЕРМОНТОВ ДЕИДИЛАР

Барча асосларга эга бўлган ҳолда Надежда Константиновна Крупская ўз эсдаликларидан бирида ёзган эди:

«...Мен Сибирга ўзим билан бирга Пушкин, Лермонтов, Некрасов асарларини олиб борган эдим. Владимир Ильич бу китобларни ўз кровати ёнига Гегель асари билан ёнма-ён қўйди, кечқурунлари уларни қайта-қайта ўқирди»¹.

Эсдаликларининг яна бирида у айтган эди:

«Ильич рус адабиётини яхши билар эди — рус адабиёти Ильич учун ҳаётни билиш қуроли эди. Бадний асарлар ҳаётни нақадар тўла, ҳар тарафлама, чуқур акс эттирса, нақадар содда ёзилган бўлса, бундай асарларга Ильич шу қадар юксак баҳо берар эди»².

Буюк рус адабиёти шундай адабиётдир, шундай асарлардан иборатдир! Бундан юксак баҳо бўлиши мумкинмикин!

Ҳа, мўъжизакор рус халқи, рус даҳоси, рус диёри инсониятга шундай классик бадний маданият яратиб тухфа қилдики, у ҳақда, ҳайрат ва ҳаяжонсиз сўзлаб бўлмайди. У беқиёс ва бебаҳодир, мустасно ва муаззамдир, умумбашарий ва улуғвордир, умри мутлақ боқийдир, иши ҳамиша шарафли ва саодатлидир.

Ҳа, бу маданият дунё озодлик инқилобий ҳаракатларининг марказига айланган Россияда туғилган ва камол топган, ўз навбатида шу мамлакатнинг шундай

¹ В. И. Ленин адабиёт тўғрисида, «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, 1974, 303-бет.

² Яна ўша китоб, 315-бет.

марказга айлана боришида, айланишида, шундай марказга айланишини зўрайтиришда ниҳоят даражада актив ва бевосита иштирок этган маданиятдир, бир неча фидоий революционерлар авлодини тарбиялаган маданиятдир. У, бутун инсоният тарихида энг буюк ҳисобланган революция ва янги олам доҳийси — Владимир Ильич Ленинни берган маданиятдир, энг мустасно ҳисобланган, янги давр — ақл ва адолат даврини, халқлар озодлиги ва фаровонлиги даврини, гўзаллик ва эзгулик тантанаси даврини бошлаб юборган Улуғ Октябрь инқилобини тайёрлаш ҳамда амалга оширишга бевосита қатнашган ва улкан улуш қўшган маданиятдир.

Бу маданият инқилобдан кейин, мана, неча-неча бўронли ҳамда яратувчи йиллар мобайнида Ватанимизни планетамиздаги барча халқларнинг тинчлиги посбонига, таянчи, халоскори ва умидгоҳига айлантиришда бебаҳо ҳисса қўшган маданиятдир. Бу маданият буюк совет мамлакатидagi барча халқ ҳамда элатларнинг буюк янги совет маданиятини яратишда ва ривожда буюк роль ўйнаган ва айни замонда маълум маънода шу янги буюк маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган маданиятдир...

Ўзи аввало шу классик маданият заминида унган ва улғайган гениал Алексей Максимович Горький тўлқинланиб, улуғ ва қонуний ғуруру фараҳга тўлиб ёзган эди шу маданият ҳақида:

«...Рус халқи даҳшатли шароит мавжудлигида, бутун дунёнинг мақтовига сазовор бўлган ғоят ажойиб адабиёт, ҳайратомуз рассомлик ва оригинал музика яратиб, санъат соҳасида, юракдан қилинган ижодкорликда ўзининг мўъжизасимон кучини намоян этди. Халқ оғзи қулфланган — овози бўғилган эди, руҳи, қанотлари боғланган эди, аммо бу халқнинг дили ўнлаб буюк сўз, овоз, бўёқ нафосаткорларини яратди.

Бизнинг энг улкан фахримиз ҳисобланган ва Россия маънавий кучининг энг тўлиқ ифодаси бўлган гигант Пушкин, у билан бир қаторда эса сеҳргар Глинка ва ажойиб Брюллов, ўзига ва одамларга бешафқат Гоголь, зеркиш-зориқиш азобини чеккан Лермонтов, ғамгин Тургенев, дарғазаб Некрасов, буюк исёнкор Толстой ва бизнинг хаста виждонимиз — Достоевский, Крамской, Репин, тенги йўқ Мусоргский, **бутун кучини, бутун ҳаётини рус одамининг «ижобий**

типи»ни яратишга қаратган Лесков ва ниҳоят, улуғ лирик Чайковский ва тили сеҳрли Островский. Улар шу қадар бир-бирларига ўхшамайдиларки, бундай ҳол биздагина — Россиядагина бўлиши мумкин,— бу авлоднинг ўзида гўё ҳар хил асрлардаги шахсларга ўхшаб ҳар хил психологиялидирлар, аралаш-қуралаш бўлиб кетмайдигандирлар.

Бу барча ғоят улкан бойликлар Русь томонидан юз йилдан кам вақт ичида яратилди.

Русь санъати, биринчи навбатда, самимий дил санъатидир. Унда инсонга бўлган ўчмас романitik севги олови ёнади, бизнинг ҳам улуғ, ҳам кичик нафосатчиларимиз — адабиётдаги «халқчиллар»нинг, «кўчиб юрувчи» рассомларнинг, музикадаги «қудратли тўда»нинг ижоди шу севги олови билан пориллайди...»¹

Буюк рус классик адабиёти (санъати ҳам) ўзининг ҳайратомуз бой баднияти ва самимий халқчиллиги билан, ватанпарварлиги ва гуманизми билан, активлиги ва жанговарлиги билан, мазлумларнинг озодлик ва адолат учун олиб борган курашлари ила яқиндан боғлиқлиги, принципиаллиги билан, инсон номига иснод келтирадиган ва жамиятни фалокатларга олиб борадиган иллатларга ҳамда разилларга қарши мурасасиз ҳамда изчил кураши билан ажралиб туради. У том маънода рус адабиётидир, шу билан бирга ва шу ила изоҳ этилган ҳолда ажойиб интернационалистик характерга эгадир. Уни умумбашарий масалалар қизиқтирди ва машғул этди.

Шу боисдан тасодифий эмаски, бу адабиёт Россиядагина эмас, ҳам Ғарбда, ҳам Шарқда энг яхши фикр, ғоя ва ақл эгаларининг, илғор адабиёт ва санъат арбобларининг ижодига ғоят катта ижобий таъсир кўргазди, улар шу адабиёт асарларидан мадад олдилар, ўз халқларининг прогрессив маданиятини бойитишда, унга янги йўналиш беришда шу адабиётдан йўлчи юлдуздек фойдаландилар. У шундай қилиб жаҳон бўйлаб илғор, инқилобий тенденциялар ривожига катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Айни замонда, бу адабиётнинг совет халқларининг, яъни шу адабиёт куйлаган, ардоқлаган, орзу қилган юксак идеалларни амалга ошираётган милли-

¹ «Русские писатели о литературном труде», том 4, изд. «Советский писатель», Ленинград, 1956, стр. 80.

Онларнинг беҳад севгисига сазовор бўлганлиги, уларга ажойиб эстетик завқ бахш этаётганлиги, уларни ақл ҳамда адолат ишининг тантанасини таъмин этишга илҳомлантираётганлиги ҳам тамомила қонуний бир ҳолатдир.

Хуллас, бу адабиётнинг ғоят буюклигини, унинг мамлакатимиздаги мустасно ролини, унинг умуман жаҳон аҳамиятини В. И. Ленин қайд қилганлиги бутунлай асосли эди.

Мана шу адабиётнинг энг улкан ва энг кўркем вакилларида бири Михаил Юрьевич Лермонтов бўлиб, у Алексей Максимович Горький айтганидек, ўз замонидаги ҳоким разилликдан зериккан, жонидан тўйган ва эзгуликка зориққан гениал сўз санъаткоридир, ниҳоят даражада шиддаткор, мураккаб ва исёнкор шоирдир.

Ҳа, бу чиндан-да, жуда ажойиб ва теран маъноли таъриф!

Шоирни ўраб олган муҳит ғоят бўғиқ ва кўрimsиз эди. Унинг вазият ва вазифалари жуда оғир, мураккаб ва масъулиятли эди. Декабристлар қўзғолопи, бошқа халқ исёнлари ўта шафқатсизлик билан бостирилгандан ва гениал Пушкин ваҳшийларча ўлдирилгандан кейин бениҳоя зўрайиб кетган мустабид чоризм хуружи ва феодал-клерикал реакция шароитларида, руҳий тушқунлик ва парокандалик кўплар орасида кучайган йилларда озодлик ҳамда адолат ғояларини дадил сақлаб қолиш, бойитиш, баланд овоз билан тарғиб этиш; каторгага жўнатилган, ҳалокатга маҳкум этилган ва бошқа илғор кишиларнинг ҳаракатларини, азоб исқапжасида бўлган ва жонига қасд қилинган Пушкин традицияларини янги ғоят оғир шароитларда катта журъат билан давом эттириш; рус адабиётининг кейинги янада ривожланиб кетиши учун замин тайёрлашга улуш қўшиш маълум вақт мобайнида М. Ю. Лермонтов зиммасига тушган эди. Буюк шоир ўз халқи, Ватани ва замони томонидан ўртага жиддий ташланган бу вазифаларни бажаришда жуда катта журъат ва баҳодирлик кўрсатди.

Дарҳақиқат, Лермонтов яшаган давр, шароит ўта машаққатли ва қарама-қаршиликли эди. Бир томондан, узоқ вақтлар мобайнида енгилмас бўлиб кўринган кўпгина мамлакатларни забт этиб харобага айлантирган босқинчи Наполеон армиясини 1812 йил Ватан урушида тор-мор қилган рус халқининг шухрати ҳа-

мон дунё бўйлаб кезарди. Иккинчи томондан, чор ҳукуматининг, ҳоким ижтимоий гуруҳларнинг мамлакат ичидаги эркталаб ва тараққийпарвар куч ҳамда ҳаракатларга қарши кураши ҳар ерда ва ижтимоий ҳаётнинг ҳар соҳасида авж олган эди. Айниқса, крепостнойлик системаси ва подшоҳлик тузуми ҳар қандай прогресснинг йўлида ғоят катта зўр тўғон бўлиб ётган эди. Кенг халқ оммасида қашшоқлик ва иложсизлик кенг қанот ёйган эди. Сабр косаси тўлган тутқунлар гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда қўлга болта ва ўроқ олиб бош қўтарар, ҳокимлар эса уларни шафқатсизлик билан ўққа тутар эдилар.

Яна денг, бу озлик қилгандай, бутун ер юзида ҳоким бўлиш даъвосини қилган, инсониятни жиддий ташвиш ва таҳликага солган, анчагина мамлакатларга ва халқларга кўп фалокатлар келтирган истилочи Наполеон Россия ва унинг аҳолисига, кўпгина шаҳар ва қишлоқларига, иқтисодий ва маданиятига катта талафотлар етказган эди. Лекин рус халқи буюк баҳодирликлар кўрғазиб, мақтанчоқ Наполеон армиясини ўшал 1812 йил даҳшатли урушларида енгиб, вайроналикларни бусиз ҳам ўта оғир шароитларда йўқотиш иши билан машғул эди. Урушда қақшатқич ёнғин гирдобида қолган Москва ҳам маълум даражада тиклана бошлаган эди.

Мана шундай ғоят мураккаб ва машаққатли вақтда мазкур Москванинг Красние Ворота деган минтақасида 1814 йилнинг 15 октябрида истеъфодаги капитан Юрий Лермонтов оиласида ажойиб фарзанд дунёга келади. Унга чексиз севиб-севиниб ва бир олам орзу-тилақлар билан Михаил деган номни берадилар. У йиллар ўтиши билан улкан ҳаёт ҳақиқатларини ўзига хос даҳо ила таҳлил этиш асосида бутун башарият дилини ҳамда фикрини ҳамшиаликка мафтун этган буюк ва мўъжизакор сўз санъаткорига айланди.

Михаил 2 ёшлигида онасидан жудо бўлади. Бувисининг қўлида қолади ва тарбиясида бўлади. Пенза губерниясидаги Тархани деган жойда шу бувиси билан яшайди. Нимжонгина, жуда сезгир ва нозик табиатли Михаил ғоят гўзал рус табиати оғушида ва таъсирида бўлади, лекин шу билан бирга деҳқонларнинг, умуман, меҳнат аҳлининг оилалари, яшаш шароитлари ниҳоят даражада оғир ҳамда аянчли эканини, зolim ва талончиларнинг разилликларини кў-

ради, уларга юракдан ачинади. Шундай қилиб, у кичиклигидан бошлабоқ оддий одамлар ҳаёти билан яқиндан танишиб, қизиқиб, уларни севиш ва ҳурматлаш руҳида тарбияланади.

Михаил 13 ёшга кирганида унинг ҳаётида жуда муҳим ҳодиса рўй беради: Москвага кўчиб келади ва бир йил ўтгач, Москва университетининг пансионати-га ўқишга киради. Бу билим юртида инқилобий руҳ анчагина кучли эди, яширин суратда Рилеев, Пушкин, Грибоедовларнинг асарлари ўқилар эди. 1825 йилда-ги декабристлар қўзғолонининг кўпгина иштирокчилари худди шу даргоҳдан чиққан эди. Михаил Лермонтов шу ерда 1828 йилданоқ шеърлар машқ қила бошлайди ва унинг шу жуда ёшлик вақтларида яратган асарларида декабристлар руҳининг мавжудлиги ҳам тасодифий эмас, албатта.

3 йил ўтгач, яъни 1830 йилда ўн олти ёшли Михаил Москва университетига киради, ўспирин Белинский, Огарев, Герценлар билан бир вақтда таҳсил олади. Бу университетнинг ўзида ҳам революцион фикрлар, кайфиятлар анчагина тарқалган бўлиб, Россиядаги аянчли аҳволга ва қолоқликка танқидий қаровчилар, унинг келажаги ҳақида чуқур ғамхўрлик ва ҳаяжон билан ўйловчилар сони борган сари кўпаймоқда эди. Булар ҳам Лермонтовга қаттиқ ва ижобий таъсир кўрсатмасдан қолмас эди, шундай бўлди ҳам. Университетдан кетишга мажбур бўлганидан кейин у ҳарбий ўқув юртига киради. Бу ерда ҳар қадамда учрайдиган бўғиқлик ва нодонлик, даҳшат ва таҳқирлар исканжасида у икки йил бўлади, яна тобланади. Айниқса Александр Сергеевич Пушкиннинг ўта фожиали ҳалокати унинг кўзини очади, қалбини ларзага келтиради, ёқасини чок этади.

Михаил Юрьевичнинг шу вақтларда ёзган қуйидаги мисралари бежиз эмас, албатта:

Подшолар тожи йиқилар
Йил, албатта, келар...
Курашмогим лозим, лозим...

Шоир катта кураш йўлига киради, олишувларни кучайтиради — бирин-кетин тутқунлик ва қулликка, **зулм, зулмат** ва разилларга қарши қаратилган, зўравон замонга зарба берадиган бақувват асарларни

яратаверади. Бу ҳолат подшо ва шу тождор қотилдан манфаатдор бўлган синф ҳамда гуруҳларнинг ғазабини оловлантиради. Ҳар қандай таъқиб авж олади, шу жумладан, шоирни университетдан ҳайдайдилар. Кавказни забт этиш, унинг фуқаросини тиз чуқтириш учун олиб борилаётган урушнинг энг хавфли жойларига сургун қилиб жўнатадилар. У ерларда ҳам бечора Лермонтовга қарши таъқиб тўхтамайди. Ниҳоят даражада оғир аҳволда қолган шоир баъзи илғор кишиларнинг ҳаракатлари натижасида Кавказ саргардонлигидан Новгородга, ундан 1838 йилда Петербурга қайтади. Лекин сал вақт ўтмай уни подшо яна Кавказга бадарга қилади. Буни шоир жуда катта азоб ва алам билан қабул қилади. Хабар беришлари-ча, Лермонтовни кузатиш учун дўстлари келишади. Йўлга тушиш пайтида ўта ғамгин ва ғазабнок шоир деразадан нотинч оқаётган кенг Нева дарёси сувларига, тўполончи апрель осмонида жўшаётган булутларга кўз ташлайди ва шу оннинг ўзидаёқ ажойиб ва тарихда қоладиган (қолган!) воқеа рўй беради: шоир «Булутлар» деган машҳур шеърини ёзиб, дўстларига шу ернинг ўзида аланга ичидагидай ҳолатда ўқиб беради.

Мана шу шеърнинг дастлабки мисралари:

Кўкдаги булутлар, мангу сайёҳлар!
Садаф силсиладек, мовий осмонда
Чопасиз мен каби қувгин, дарбадар,
Севикли шимолдан жануб томонга.

Қим сизни қувади: тақдир ҳукмими?
Яширин ҳасадми? Очиқ адоват?
Ё оғир жиноятлар заққумими?
Ёки дўстлар қилган оғули туҳмат?!

Кавказда бу гал ҳам реакционерлар буюк шоирга — муборизга қарши ҳар қандай таҳқир, уйдирма сўзлар ва ривоятлар, бўҳтон ва фитна-фужурлар уюштирадилар. Лекин бу ҳаракатлар ҳам иродали, жасур,

■ Холид Расул таржимаси.

соф юракли, нозик ва эрксевар ҳиссиётли шоирни тиз чўктира олмайдилар. Ниҳоят, бир разилнинг тўппончаси билан уни ўлдирадилар, дуэль баҳонаси ва ниқоби остида. Бу ҳодиса бутун Россияни ларзага келтиради.

Лермонтовнинг замондоши П. Т. Полеводин ўзининг 1841 йил 2 августида ёзган хатида мазкур ёвузларча уюштирилган машъум дуэль ҳақида қуйидагиларни хабар беради:

«Ёш гвардиячилардан иборат бўлган доирада Мартинов билан курашишга ҳеч кимнинг тоқати йўқ эди. Мартиновнинг аҳмоқона қилиқларига чидолмай Лермонтов ҳамини ақлли ва кескин ҳаракат қилиб унга беғараз дакки бергандай бўларди ва унинг ўзини дворянликка ярашмайдиган тарзда тутаетганлигини тушунтирмоқчи бўларди. Шундай тортишув-тўқнашувларнинг бирида Мартинов дуэлга шама-ишора қилади ва Лермонтов бунга рози бўлади. Эртаси кун бундан хабардор секундантлар бекорга қон тўкилмаслиги учун томонларни келиштирмоқчи бўладилар. Лермонтов дуэль қилмасликка розилик беради, Мартинов эса ҳеч розилик бермайди. Дуэлга... белгиланган жойга келганида Лермонтов Мартиновнинг хоҳлаганини қилишини (дуэль қилишни — В. З.), лекин унга ҳеч ўқ узмаслигини айтади. Лермонтов биринчи бўлиб белгиланган отиш чизиғи олдига келади ва икки қўлини бир-бирига чалиштириб қўйиб туриб пистолетини пастга туширади ва кўзлари билан Мартиновга ғазаб билан қараб «От!» дегандай қилади. Дили қабиҳ ва ўзи қўрқоқ бўлган Мартинов билар эдики, Лермонтов ҳамини сўзининг устидан чиқадиغان одамдир, шунинг учун у отмайди, деб севиниб, уни нишонга олади. Шу пайт Лермонтов Мартиновга шу қадар кучли ғазаб билан назар ташлайдики, бунга ҳатто секундантлар ҳам бардош беролмай кўзларини юмиб оладилар ва Лермонтовнинг нафрат тўла қаршига бардош беролмай, нишонга олади. Отади... Шоир ҳалок бўлади. Жон беришидан олдин у бир оғиз ҳам сўз айтмайди, уч марта чуқур, қаттиқ нафас олади ва ҳаёт билан видолашади. Ўқ унинг юраги остидан ўтиб кетган эди. Эртасигаёқ жуда кўп халойиқ йиғилади ва унинг уйи олдидан кетмайди. Пятигорскдагиларнинг ҳаммаси уни дафн этишда иштирок қилади... Омманинг афсусланиши ва фарёди бир лаҳза ҳам тўхтамайди... Мана энди ўша аламу андуҳли воқеа»

дан кейинги олтинчи кунки, ҳамон фарёд тўхтамайди, қабих қотилни энг қаттиқ қонунга мувофиқ жазолаш керак, деб очиқдан-очиқ талаб қилмоқдалар...»¹

Кўринадики, улуғ шоирнинг ўта фожиали ҳалока-ти ҳам жуда мардонатор бўлган!..

Шундай қилиб ноёб ижодкорнинг мўъжизакор даҳоси ғоят қабихона, хиёнаткорона ва пасткашлар-ча бўғиб ташланади.

Буюк шоирнинг ўлими бутун илғор Россия ва ундан ташқариларда чуқур қайғу, мотам ва надомат билан, шоирга ҳадсиз муҳаббат ва катта-кичик барча жаллодларга чексиз нафрат билан кутиб оли-нади.

Лермонтов ўз ватанида, ўз халқи ҳаётида, бутун жаҳон маданияти тарихида, ривожланишида ўзига хос ўрин тутган ҳайратомуз улуғ шахслардандир. Унинг таланти ва ижоди ғоят кўп қирралидир, ажаб-ланарлидир. У жуда мураккаб математика муаммолари-ни бир зумда ҳал қилиб ташларди, ўткир шахматчи деган шуҳрат қозонганди, ажойиб музика яратар ва опералардан ариялар ижро этарди, бир қанча хорижий тилларни билар ва юксак профессионал са-вияли рассом ҳисобланарди. Унинг бу расмлари ҳа-мон музейларни безаб турганлиги бежиз эмас, ал-батта...

Лекин шу билан бирга унинг номини бутун ба-шариятга танитган ва барча халқлар дилига мангу яшайдиган қилган омил — унинг шеъриятидир.

Ҳа, у бир олам ижод маҳсулини берди:

Бутун дунёни ҳамон ҳайратга солиб келаётган ва миллионлар дилини забт этаётган, назирини йўқ бир неча юз социал мазмунли ва интим инсоний ҳиссиёт-ли лирик шеърлар; асло сўлмас ва ўлмас драмалар: «Лўлилар», «Испанлар», «Ғалати одам», «Маскарад», «Икки оға-ини».

Лермонтовнинггина беқиёс истеъдоди маҳсули бўла олиши мумкин бўлган поэмалар: «Боярин Орша», «Сашка», «Шоҳ Иван Васильевич, навжувон ясовул ва азамат савдогар Қалашников ҳақида қисса», «Там-бовлик хазиначи хоним», «Қочқин», «Мцири», «Де-мон», «Болалар учун эртақ», «Қавказ асири», «Қор-сар», «Исмоилбей», «Ҳожи Абрек», «Черкаслар» ва ҳоказо...

¹ Живые страницы», М., 1970, стр. 410—411.

Уқувчилар қалбини забт этган тенги топилмас романлар: «Вадим», «Замонамиз қаҳрамони»...

Булар буюк ва битмас-туганмас хазинани ташкил этади. Улар замонлар ўтган сари, авлодлар алмашигани сари, инсонларнинг оғи ва бадий диди ортгани сари уларнинг баҳоси ортаверади, ҳар бир авлод, ҳар бир халқ, ҳар бир давр улардан ўзларига керакли янгидан-янги эзгу ва гўзал маънавий озуқа олаверадилар, мамнун бўлаверадилар, юксак эстетик завққа тўлаверадилар.

Лермонтовга хос мангулик, даҳо ва қудрат мана шундай!

Лермонтовнинг хизмати аввало шундан иборатки, у рус адабиётида ўзича янги давр очди. Унинг ижоди ҳар нарсадан олдин рус халқи ҳаёти ва юксак интилишлари билан, чор самодержавиесига, крепостнойликка, мустабид зулмга қарши қаратилган норозилик ва инқилобий ҳаракатлар билан, айниқса декабристлар қўзғолони ва унинг гоёлари билан, 1812 йил Ватан уруши, бу урушдаги ғалаба билан ва шунга боғлиқ бўлган руҳий, патриотик кўтаришчилик билан, барча илғор идеаллар билан чамбарчасдир, шулар билан тақозо қилингандир, шуларнинг бадий ифодасидир. Шунинг учун ҳам тасодифий эмаски, шоир ижодида актив граждандилик ва халқчиллик, исёнкорлик ва ўзгартирувчанлик руҳи зўрдир. Бу масалаларда ҳам Лермонтов А. Н. Радищев, А. С. Пушкин, И. А. Крилов, А. С. Грибоедовлар бошлаган ишни ўзича давом эттирди ва чуқурлаштирди.

....Йўқ, Байрон эмасман, мен бошқа одам,
Оламга аёнмас ҳали кимлигим.
Дунёда у каби қувғин бўлсам ҳам,
Ва лекин рус қалби менинг юрагим.¹

Яна ёзган эди Лермонтов:

Менинг ватаи ишқим ажиб муҳаббат,
Бу ишқни енголмас идроким, зеҳним;
На қонлар тўкилиб топилган шуҳрат,
На мағрур, хотиржам орому тиним...

¹ Ҳамид Фулом таржимаси.

Ана шундай соф руслик ва рус халқига мансублик гурури, Россияга беҳад ва оташин муҳаббат ҳиссиёти,— аввало худди шу нарса Лермонтовнинг ҳаёти, ижоди ва фаолияти асосида ётади. Аввало худди шу нарса уни алангалар ичига отди ва худди шу нарса уни, ниҳоят, фидойиликка олиб келди.

Лермонтовнинг улуғлиги шундан ҳам иборатки, унинг халқ ва ватан ҳақидаги тушунчалари тор ҳамда бир ёқламали эмас. У ўз халқини бошқаларга қарши қўядиган ва бошқа халқларга озгина бўлса-да, бегоналик назари билан қарайдиган шахслардан эмас эди, бундайларни ёмон кўрарди. У бошқа халқларга ҳам катта ҳурмат ва муҳаббат билан қаради, уларнинг қадр-қимматини, тил, маданият ва урф-одатларини, виждони, ор-номуси ва озодлигини, ватанини эъзозлади. Масалан, Кавказни, Кавказ халқларини у жуда яхши билган ва севган эди, уларнинг аянчли аҳволи ва трагик тақдирига юракдан ачинган, уларнинг маънавий гўзаллиги ва баҳодирлигига мафтун бўлган, улардаги илғор ғоя ва интилишларни ёқлаган эди, уларга бахт-саодат орзу қилган эди, шунга бағишлаб бир қанча ажойиб асарлар ёзган эди.

Ғоят муҳим нарса сифатида шунинг ҳам қайд қилиш керакки, Лермонтов Ғарбий Европадаги, славян мамлакатларидаги революциялар билан, умуман, инқилобий озодлик ҳаракатлари билан жуда қизиқиб ва уларни синчиклаб ўрганиб борди, уларга ҳусн-рағбат билан қаради. Бинобарин, шоир ижодидаги интернационал халқчиллик ва дўстлик ғоялари, активлик ва кенг кўламлилиқ мана шунинг ҳам натижасидир.

Ҳа, Лермонтов ижоди том маънода юксак гуманистик ва интернационалистик характерга эга. Шу билан ва ҳайратомуз бой бадиияти билан, самимияти ҳамда бевоситалилиги билан барча халқлар дилига яқин ва жонажондир, халқларнинг илғор интилишлари ва эзгу орзулари билан, гўзал инсоний идеаллар учун олишувлари билан, душманга қарши нафрат ва муросасизликлари билан ҳамроҳангдир. Шунинг учун улуғ шоир ҳамини ўз ватанида ва бошқа мамлакатларда, авваллар ва ҳозир ҳам, тинч моддий ҳамда маънавий бойликлар яратиш йилларида ва шиддатли жангу жадал даврларида ҳам ўз асарлари ила халқлар билан бирга яшади, халқларга мададкор бўлди. Буюк рус халқи ва адабиётининг ҳақиқий фахри ва

байроқдорларидан бири бўлди. Халқлар ҳамкорлиги ва биродарлигини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Ҳамон шундайдир.

Мана булар бежиз эмас. Болгар адабиётининг машҳур арбоби Камен Калчев айтган эди:

«Лермонтов номи бизда кўпдан берли маълум. Унинг асарлари болгар халқининг маданиятига кириб, мустаҳкам қўшилган. Бизнинг мамлакатда ўттизинчи йилларнинг охирларида — фашизмга қарши кураш ғоят кескинлашган пайтларда Лермонтов асарлари айниқса катта таъсир кўрсатди».

Улуғ украин қўбизчиси Тарас Шевченконинг дарбадарлик ва бадарғалик алами тўла қалби ва қаламига майсубдир қуйидаги жуда сирли сатрлар:

Барҳаётдир
Шоирнинг муқаддас руҳи,
Уни ўқиганда жон киради бизга —
Кўрингандай бўлади осмон худоси...

Лермонтов ижодидан баҳраманд бўлмаган бирон ўзбек ёзувчиси ва ёзувчи бўлишга интилгани, бирон оддий меҳнаткаши йўқ.

Бошқа қардошларимиз каби, ўзбек халқи ва унинг санъаткорлари Лермонтовни чексиз севади, эъозлайди, унинг ўзбек тилига таржима қилинган ва қайта-қайта нашр этилган ноёб асарларини беҳад мамнуният ва завқ билан, буюк ҳайрат ва ҳаяжон билан ўқиб келмоқда, уни башариятга берган улуғ халққа ташаккур айтмоқда.

Шуни ифодалагандай бўлиб, улкан шоир Ҳамид Олимжон Пушкин ҳалокати ҳақида сўзлаб, айтган эди:

«Рус поэзиясининг буюк қуёши ўтдай қизиб турган чоғида совуқ қор устига тушди ва сўнди ҳамда шу замоннинг ўзидаёқ поэзия кўкида чақмоқдай ялтираб М. Ю. Лермонтов пайдо бўлди. Йигирма етти ёшида ўлган бу йигитнинг кучи Пушкиндан кам эмас эди. А. С. Пушкин ва Лермонтов рус поэзиясини баланд тоғ устига кўтариб чиқдилар. Рус классик шеъри А. С. Пушкин ва Лермонтовда ўз такомиллига эришди».

Лермонтов асарлари аллақачон шаклан миллий, мазмунан социалистик, интернационалистик ўзбек

халқи маданиятининг олтин хазинасидан ўрин олгандир.

...Ҳақиқатан ҳам жуда аниқ ва ажойиб Горькиёна таъбир ҳамда таъриф: Лермонтов зериккан ва зориққан шоирдир — разил замондан, қабиҳ муҳитдан зериккан ва эзгуликларга зориққан гениал санъаткордир! У шундай ҳолда бир ўзи якка бўлиб зўравон замон ва замон зўравонлари билан олишди... Ҳалок бўлди. Уни ўлдирдилар...

Генийларда башорат қилиш ва келажакни олдиндан кўриш, белгилаш хусусияти бор. Лекин эрда Лермонтовнинг Пушкин ҳалокатиға езган тарихий шеъридан икки парча келтирмай ўт...

Ҳалок бўлди шоир! — ном... —
Кўксиди оловли қасас, кўрсини,
Ифлос фисқу фужур чулғади уни.
Ийқилди ҳам қилиб, у мағрур бошини!
Чиркин тухматларга; шармисорликқа
Шоирнинг виждони беролмай бардон
Ўзи бурунгидай та...
Киборларга қарши кутарганда, бон,
Уни ўлдирдилар! Ўлдирдилар..

Бу ўта ғазабнок сўзларни Лермонтовнинг ёстичиқ фожиасига ҳам айтса, тадоиқ этса булади — бу оташ ва нафрат тўла сўзларга гўё ўз охириги чичиқ тақдирини ҳам олдиндан кўриб аке эттиргандай бўлди шоир...

Лекин асосий гап бундагина эм... Бунда шоир масаланинг иккинчи томонини ҳам олдиндан кўргандай бўлиб, яъни интиқом оладиган вақт ва авлод келишини ҳам билгандай бўлиб, ўшал шеърида ёзди шоир давридаги қотилларга қарата:

Сиз, бахт ўйинида ҳақир ва нолон
Насллар хокини кулдай топтаган,
Тахт ёнида турган очкўз оломон!
Озодлик, Гений ва Шон жаллодлари!
Қонун соясига пусасиз фақат,
Лолдир қаршингизда суд ва ҳақиқат!..

Аmmo, ишрат бандалари, тангри ҳукми бор.
Даҳшатли ҳакам бор: у кутар сизни...¹

Ҳа, ёвузлар учун даҳшатли бўлган ҳакам — ҳақиқат кутди, кутди ва ниҳоят 1917 йилга келиб «Аврора» замбаракларидан жаллодлар оламига оғилган залплар ғалабасида, Қишки саройни штурм қилган қасосчилар ҳайқиригида шу ўч овози илк бор тантанавор янгради ва гениал шоир тирилгандай бўлди. Мана олтмиш йилдирки, у биз билан бирга — унинг исёнкор ирси ва миннатдор руҳи ҳақиқий халқоний янги ҳаёт яратаётган совет одамлари билан бирга...

ВОҲИД ЗОҲИДОВ,
Тошкент,
1977 йил, июль

¹ Шу ерда пайтдан фойдаланиб алоҳида шукроналик ва таҳсин ила қайд қилиб ўтай: буюк Лермонтов асарларини ўзбек тилига таржима қилишда айниқса Ғафур Ғулум, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Зулфия, Миртемир, Мамарасул Бобоев, Ҳамид Ғулум, Асқад Мухторлар хизмати катта. Бутун шеърхон халқимиз миннатдор улاردан.



Ш е ъ р л а р



М А К Т У Б

Шамчироғ ёнади... Титроқ қўл билан
Ёзиб тугатардим сўнгги жумлани,
Кулфатлар ва дардлар ҳолим қилиб танг,
Қўксимни қоплади ташвиш тумани.
Менга туюлдики сен гўё қувноқ —
Шу кун соғлиқ жомин келтирдинг бекор;
Ёнаркан лабда ишқ бўсаси, бироқ —
Қелиб ёнбошимда сен турдинг бекор...
Умрбод алвидо!— Аммо, жонгинам,
Келгин бир ёнимга, келгин сўнгги бор,
Жон чиқар нафасда бир оз бўл малҳам,
Кўзларимнинг ўти сўнсин беозор.
Совуқ қўлларимни келиб тут бир зум...
Нетайки, йироқсан, етмас овозим!
Азоблар ютарман сенинг йўғингда!
Дунёдан ўтарман сенинг йўғингда!
Балки сен, у ғамгин кўзларинг тўниб,
Очиб мактубимни ўқиган чоқда
Тобутим устида қўшиқ куйланиб,
Топарман маконим мангу тупроқда!..
Лекин сен йиғлама, биргамиз мангу,
Руҳим учиб борар қўмсаб сен томон
Ва ёки хушвақтлик пайтинг топиб у
Юзингдан ўпишга тайёр ҳар замон...
Кеч тунда қайтаркан зиёфатингдан,
Хилват ётоғингга кираркан ёлғиз,

Чаккангда ўтли бир нафас сезарсан,
Ойнадан топмасдан, тунинг уйқусиз —
Ўтар. Пок рухсоринг ловиллар бирдан,
Кўксингга ёпишар аллақандай жон,
Бир шарпа тепангда милтирар шу дам,
Бир нидо эшитиб, бўларсан ҳайрон.
Шунда бил: бу — менман, чиқиб тобутдан —
Аламли висолга келибман бирпас:—
Барча сояларга шу бўғиқ маскан
Манзил бўлмоқлиги, ахир, шарт эмас!..
Қачонки дабдаба ва сайр чоғи
Қўш отли чанада юрганингда шод,
Кетингда севгидан куйиб бор-йўғи —
Бир гусар тураркан хомуш ҳамда мот,
Шунда икковларинг кўксидан ногоҳ
Совуқлик ўтсаю юрак ўйнаса,
Гусар гангираса, сен тортсанг бир оҳ,
У қора мўйловин кек-ла бураса,
Шунда жаранглайди сипоҳий металл,
Пайқайсан бир соя — беқут пешона:
Йўлингиз кузатар ўлик кўз беҳол,
У менинг арвоҳим: телба — девона!..
Оҳ! Сенга кўп эди айтар сўзларим,
Бироқ сусаймоқда руҳим дамбадам,
Ажал яқинлашар, сезар баданим,
Дармонсиз қўлимдан тушмоқда қалам...
Алвидо! Шухрат деб беҳуда чопдим,
Оташин севдиму аммо баҳрасиз,
Ҳарёқда хиёнат ва заҳар топдим,
Вафони тополдим созимдан ёлғиз.

ЖАВОБ

Қимки чеккан бўлса севги дардини,
Қимники тўйдирган бўлса кулфат-ғам.
Ортиқ қўзғатолмас унинг қалбини
Умид-орзулару ҳаяжон ҳеч дам.
Танҳолик зулматин севиб қолган у,
Қўз ёши аламга бегона ортиқ.
Унга самарасиз ва қуруқ орзу
Завқу фароғатни этолмас тортиқ.
Ҳисдан маҳрум: гўё ўрмонда тўнғак
Яшинга дуч келиб, ёниб, ниҳоят,
Учиб қолган, ҳаёт асари битган,
У ўлик шохларга жон бермас ҳеч вақт,
Унда қисмат муҳрин қолдириб кетган.

1829

ДУСТИМГА

Қалбимда жўшқинлик, меҳнат ва ҳовур,
Илҳом парваришлаб очди кенг қучоқ.
Самовий чиройга бўлмадим асир,
Ер юзи роҳатин изладим бироқ.
Бир туш бамисоли ўтар муҳаббат,
Соҳибжамол этмас мени бахтиёр.
Сен унинг кимлигин билмайсан ҳеч вақт,
Дўстим, мендан сўраб ўлтирма бекор.
Умрбод ажрашдик — шу бўлди тақдир,
Мен шафқатсизликни енга олмадим.
Аммо, сақлайман ўч, эътирозни сир,
Аммо, томир каби ўраган севгим.
Шундай, чакалакзор кекса ўгриси —
Гуноҳидан ҳамон қилмасдан тавба,
Ҳамон ундан қўрқар йўлчи, қўшниси,
Унга қонли пичоқ ўртоқ ва далда.
Одамлар гуруҳи оҳиста, бирдак
Йўргакдан ўрмалар тобутга томон.
Шумлик, эҳтиросга бўлиб хўп эрмак,
Эзгу бир мақсадга интилар ҳамон.
Беқарор хаёллар бағрида мен ҳам
Баланд парвоз қилдим кечмишлар сари,
Аммо ер азоби менга муҳтарам,
Унга ўрганганман, кетмайман нари...

1829

МОНОЛОГ

Инон, бу оламда хўрлик кўриш саодат,
Чуқур билим, шону шуҳрат орзу-истаги,
Заковат ва эркинликка жўшқин муҳаббат,
Биз уларни ишлатмасак, недир кераги!
Биз, шимолнинг болалари, шу ер ўтлари —
Қаби оз вақт гуллаймизу сўламиз тезроқ...
Қишнинг кулранг кўкидаги қуёш сингари
Ҳаётимиз булутлидир. Аммоки узоқ
Давом этмас бир хилдаги унинг оқими...
Ҳам ватанда нафас олиш қийин кўринар,
Юракка ҳам оғир ботар, кўнгил ҳам ғамли...
На севгини ва на тотли дўстликни билар,
Ёшлигимиз азоб чекар бўронлар ичра,
Ёвузликнинг заҳри уни этади хазон.
Ҳароратсиз ҳаёт жоми аччиқдир жуда,
Бирор нарса кўнглимизни, этмайди шодон.

1829

БАЛЛАДА

Бир қиз денгиз соҳилида ўлтирар эди,
Ҳам йигитга эркаланиб, шу сўзни деди:

«Тушиб кетди тўлқинларга бугун маржоним,
Тошиб чиққил денгиз тубидан, жоним!

Сан бу билан менга севгинг исбот этасан!»
Йигит қони жўшиб кетди шу онда бирдан,

Тафаккурин беихтиёр қуршади бир дард,
Оч тўлқинлар қучоғига ташланди у мард.

Сув остидан инжу каби томчилар учар,
Тўлқин қувар тўлқинларни, бир-бирин қучар,

Яна қайтар, қирғоқларга қайта урилар,
Мана ҳозир азиз дўстни келтирар улар.

О, саодат! Тирик экан, тошни тутди у,
Қўлда маржон, аммо ранги ўчган, серқайғу...

Ишонмоққа қўрқар ҳолсиз оёқларига,
Қўл сочлари ёйилмишдир елкаларига...

«Айт-чи, ростми ё ёлғонми сани севганим,
Инжу учун аямасдан жоним ҳам таним,

Мен денгизнинг тушдим қора тубига дарҳол,
У маржонлар маконида ётарди, ма, ол!»—

Деди йигит, ғамгин назар ташлаб шу замон
Жонидан ҳам ортиқ билиб севгани томон.

Жавоб бўлди: «О, азизим, гар севсанг мени,
Олиб чиққил маржонларнинг сараларини».

Мажҳул руҳ-ла шўнғиб кетди йигит шу маҳал,
Топмоқ учун ёки маржон ва ёки ажал.

Сув остидан инжу каби томчилар учар,
Тўлқин қувар тўлқинларни, бир-бирин қучар.

Тўлқин қайтар, қирғоқларга қайта урилар,
Бироқ энди азиз дўстни келтирмас улар...

1829

ИЛТИЖО

Ернинг қабристондек зулумотини
Оташлари билан севганим учун,
Жонли сўзларингнинг ҳаёт тотини
Қўп марталаб мен рад қилганим учун,
Менинг ақл-идроким сендан олисда
Йўл топмай, адашиб юргани учун,
Илҳомнинг олови ловуллаб ҳисда
Лавадек гупириб тургани учун,
Менинг кўзларимнинг пок шишасини
Ҳирслар хира қилиб қўйгани учун,
Ўзимга тор сезиб ер куррасини,
Сенга талпинмоққа қўрққаним учун,
Гуноҳкор кўнгилнинг куйи остида
Ўзгага сизиниб турганим учун,
Илтижо қиламан, эй парвардигор,
Гуноҳкор этмагил, қилмагил абгор.
Аммо ҳар нарсани этгувчи хазон,
Бу ажиб оташни ўчиргил, раббим,
Ташна боқишимга бўлгил беомон,
Мадад бергил, тошга айлансин қалбим.
Куй айтиш чанқоғи — даҳшатли чанқоқ,
Шундан халос бўлай, эй парвардигор,
Қутулиш йўлини сен кўрсатган чоқ,
Даргоҳингга қайтиб бораман такрор.

1829

МОМАҚАЛДИРОҚ

Укириб гумбурлар момақалдироқ,
Тубсиз денгиз узра булутлар юрар,
Тўлқинлар тўқнашиб, кўпириб оппоқ,
Бир-бирини қувиб қирғоққа урар.
Кўнгилсиз чақмоқнинг совуқ илони
Қояга чирмашар олов тасмадай.
Тўзғир бебош кучлар нотинч тўлғаниб —
Шунда мен турибман жим, қимирламай.

Турибман — туйғуда вафо кўрмаган
Ва бутун ҳаётдан алданган одам,
Эй, офат ёлқини, шу сен чулғаган
Уткир қиррали тош-қоя сингари,
Қалбга қадалувчи иғво заҳари —
Тухмат миш-мишларга чулғанган одам,
Наҳот ер юзининг барча кучлари
Тўзғишидан қўрқиб титраса шу дам?

Йўқ — учинг осмон чақинлари, сиз,
Гувулланг, шамоллар, бош узра яна;
Мен бунда лоқайдман, бепарво, беҳис,
Қўрқиб қалтирамоқ менга бегона.

1830

* * *

Денгизларни бўйлаб гумбурлар чақин,
Кема шўх тўлқинлар измида сузар;
Елғиз бир йўловчи унда тинч, сокин,
Чуқур хаёллардан манглайда излар...

Булутга қадалган сўник кўзи жим —
Бунда уни билмас, пайқамас ҳеч ким!..

У одамлар ичра бўлган албатта,
Унга ўз қалбидан маълумдир ҳаёт;
Лангар гичирлаши, даҳшатли фарёд,
Дуолар кор қилмас, у — сукунатда.

1830

Ю Л Д У З

Чарақла, чарақла, олис юлдузим,
То сени учратсин тунлари кўзим;
Тун билан олишиб нуринг йилтирар,
Ногирон кўнглимга орзу келтирар;
Юксак парвоз қилар сен томон кўнгил,
Кўксимда нафасим эркин ва енгил...

Мен кўзлар кўрганман — оташга тўлиқ,
(Улар кўпдан буён мен учун юмуқ),
Сенга талпингандай қалб интилади,
Илож йўғу, ҳамон кўргим келади...

1830

ЯҲУДИИ ҚУШИҒИ

Кўрар эдим тун юлдузини,
Ялтираркан ойна — кўрфазда,
Оқимларда қалтираркан у,
Кумуш тўзон сочилар аста.

Аmmo уни ушлайман дема:
У тўлқин ҳам, нур ҳам алдамчи.
Яқин келсанг — чўкади соянг,
Узоқлашсанг — порлар ҳар томчи.

Қувончинг ҳам бетинч шарпаси
Шундай ундар совуқ зулматда;
Ушлай десанг — ўйнашиб қочар;—
Алдаб-алдаб қайтар албатта.

1830

КАВКАЗГА

Эй, Кавказ, эй, олис диёр,
Тўпорн эрк макони!
Бахтсизликка бўлибсан ёр,
Бўяпти уруш қони!
Наҳот зулмат босган ерлар,
Ёввойи қоя, горлар,
Олтинлару кишапларнинг
Жарангин тек эшитса,
Ишрат, шараф ва шонларнинг
Довруғи тутиб кетса?..
Йўқ! Қайтмайди ўтган даврон,
Черкас, энди элингда:
Эрка азиз бўлган макон
Ҳалокдир эрк йўлида.

1830

1830 ИИЛ 16 МАИ КУНИ

Ҳайиқмайман ўлимдан. О, ҳеч!
Қўрқаманки, кетмайин беиз.
Истайманки, эртами ё кеч
Шеърим ҳаёт аро очсин юз;
Истайманки, чекай изтироб!
Нима учун?— Менга не фойда?
Нотаниш эл, бегона жойда
Менинг умрим бўлади хароб.
Орангизда тентираб токи —
Маҳв бўлгунча юрмайин!— Худо,
Шу-чун созга бўлганмидим жўр?
Шоир шунинг учунми ёки?
Илҳом, ихлос шу учунми ё?
Шунинг учун қисматимми гўр?
Ихтиёрим йўқ энди руҳан —
Ҳушим ернинг изтиробида,
Уша фикр мен билан бир тан
Биргалашиб борур қабрга.
Узинг менга қилганинг ваъда
Мангу тинчлик жой олган ерга.
Аммо, менга тўла аёнки,
Унда ҳам йўқ тинчлик, унда ҳам;
У ситамгар йилларни мангу
Унутмайди жафокаш одам!..

1830

КАРОМАТ

Йил келур, Россия учун қора йил,
Шоҳларнинг тожлари қулайди разил,
Ихлоси қайтади халқнинг бегумон,
Қўпларнинг озуғи — ўлим ила қон;
Бегуноҳ хотину халажни у кун
Ҳимоя этолмас ҳеч қандай қонун.
Сассиқ жасадлардан қўзғалган вабо
Тентиран хароба қишлоқлар аро,
Уйдан кишиларни имлаб чақирар,
Сўнг шўрли ўлкани кемирар, қирар.
Дарёлар бўлғуси яллиғдан алвон:
Ва шу кун келгуси қудратли инсон,
Сен таниб оларсан уни кўрган чоғ:
Не учун қўлида пўлатдан пичоғ;
Ҳолингга вой сенинг! Йиғи нолангдан
Жирканиб, кулади шубҳасиз сендан.
Борлиғи даҳшатли бўлур ҳам қонли,
Чакмони ва очиқ манглайи янглиғ.

1830

РАҲМАТ

Раҳмат!.. Кеча тингладинг кулмай,
Шеъримни ҳам, иқроримни ҳам;
Тингласанг ҳам дардимни билмай,
Лутфинг ёлғон бўлса ҳам у дам,
Раҳмат!

Бир вақт мени қилгандинг жоду,
Бурро тилинг, ажойиб кўзинг
Сақланади дилимда мангу,
Аммо, дема менга сен ўзинг:
Раҳмат!

Умрлари гуллаган чоғи
Қўпаймасин қулларинг яна,
Истамайман, эшитай тағин
Сўз ўрнига орзингдан таъна:
Раҳмат!

Оҳ, кўзларинг совуқ кўринсин,
Қурсин дилнинг умид, тилаги
Ва туғдирган ҳисларинг бутун.
Шундагина қалбим дер балки:
Раҳмат!

1830

ТИЛАНЧИ

Эзгу монастирнинг ёнида турар
Бир озгин бечора жонсиздай, бетоб.
У эгиб бўйнини садақа сўрар,
Очлик, ташналикда чекиб изтироб.
У фақат бир бурда нон сўрар эди,
Дардини сўйларди кўзидаги ёш,
Лекин нон ўрнига аллаким қўйди
Тиланчининг чўзиқ қўлларига тош.

Шундай мен севгинг-чун илтижо қилдим,
Аччиқ кўз ёш тўкдим ва чекдим фарёд,
Ушандай, менинг ҳам гўзал ҳисларим
Сени деб алданиб қолди умрбод.

1830

30 ИЮЛЬ (ПАРИЖ) 1830 ЙИЛ

Бўла олар эдинг, яхши бир қирол,
Истамадинг.— Халқни қул бўлсин дединг,
Уни таҳқирлашни қилдинг хомхаёл.—
Француз кимлигин била олмадинг!—
Ер юзида суд бор шоҳлар учун ҳам.—
Давринг тугаганин у хитоб этди.
Қочиб қолдинг, титроқ бошингдан шу дам
Ўрнидан кўчди-да, тож тушиб кетди.

Шунда даҳшатли жанг алангаланди,
Озодлик байроғи руҳ каби энди
Мағрур оломоннинг олдида борар.—
Ҳар ерда ягона бир хитоб янграр;
Парижда сачради қон мисли учқун.—
Гражданлар қони, одамлар қони —
Ана шу муқаддас қутлуғ қон учун,
Эй золим, тўлайсан, айтгил, нимани?

Сўнгги бор трубалар ғулғула солиб,
Ҳаворанг гумбазни янгротган чоғда,
Ўшанда тобутлар оғзи очилиб,
Мурда одам шаклин касб этган чоғда;
Шунда пайдо бўлган ҳақ тарозусин
Адолат судьяси кўтарган замон
Сочинг тикка бўлиб кетмасми лекин?
Ва титроқ босмасми қўлингни у он?

Эй дўзах бандаси, қора кўланка,
Тақдир ўйинига алданган арвоҳ,
Тентак! Сен шармисор бўлдинг ҳозироқ,
У кун келганида не бўлур сенга!
Сен у кун ёлвориб турасан қараб,
Бу мангу жароҳат маҳв этар зинҳор,
Маҳкам қонли сафлар қилади хитоб:
Гуноҳкор! Гуноҳкор, шудир гуноҳкор.

1830

ТУН

(1830 йил 28 август кечаси)

Елғиз ўтираман, жимжит, сокит тун,
Чирсиллаб ёнади тугаёзган шам,
Қўйин дафтаримга чизади бетин
Бир дилбар суратин қадрдон қалам:
Ўтган хотиралар аста жонланар
Қонли пардаларда соя сингари,
Бармоқ-ла ишора қилмоққа шошар
Менга эзгу бўлган дамларнинг бари.

Сўзларки, у ўтмиш йилларда ҳарчанд
Дилимда қўзғарди ҳаяжон, қайғу,
Йироқ-йироқларда ловиллар, гарчанд
Унутган бўлсам ҳам уларни мангу.
У ерда ўтмишнинг скелетлари
Бир тўда бўлишиб турар саргардон,
Аммо скелетлар ичидан бири —
Бир маҳал қалбимга эди ҳукмрон.

Уни мумкинмиди ҳеч севмаслигим?
Хотин нафратининг золим ханжари —
Менга санчилдию, куйган юрагим
Банд бўлди ишқига ўшандан бери.—
Унинг қарашлари аёвсиз, ёмон,
Худди бир шарпадай пайимда кезар.
Маҳкумман, ўлгунча у бермас омон.
Ўзгани севмаклик бўлмас муяссар.

Оҳ, мен бошқаларга қиламан ҳасад!
Улар оилада, тинч ва хотиржам
Бемалол кулишар, бўлишар хурсанд,
Севиниб ўйнашар осуда, беғам.
Кулгим қўрғошиндай туюлар оғир:
Чунки бўм-бўш қалбнинг самараси у...
Ераббий! Англадим, менга сен ахир —
Кўп ажиб совғалар тайёрлабсан-ку!

Ахир, бу қандай гап? Илк муҳаббатга
Шунчалар даҳшатли заҳарни қуймоқ?
Авалло жўшдириб қоним макр ила,
Сўнгра совутай деб калака қилмоқ?
Оҳ, истар эдимки, бўлак нарсага
Бағишласам экан туйғум-тилагим,
Аммо илк кўз ёши!.. Бу ҳодисага
Айтинг, ким бепарво чидай олур, ким?

1830

НОВГОРОД

(1830 йил 3 октябрь)

Славян фарзанди, қор ўғиллари,
Нечун тушди ғолиб руҳингиз, нечун?
Барҳам топган каби зулм аҳллари,
Топади сизнинг ҳам шоҳингиз бир кун!..
То бизнинг кунгача эрк учун урган
Жўшқин юрагингиз уриб туради,
Бечора шаҳарнинг халқлари кўрган
Жанговар руҳингиз учиб юради.

1830

У Л И М

Уфқ ёнар ловуллаб, мисоли алвон,
Дераза ёнида жим қарайман унга.
Балки, эртами-индин совуқ ва беқон
Мурдам узра товланар ўша аланга.

Бўм-бўш қолган дилимда биргина хаёл:
У ҳам ўша ҳақида. У бунда эмас;
Энди унинг кўз ёши сўник ва беҳол —
Ётган таним устига қатра тўкилмас.

Бу ерларда на дўсту на туғишганим
Видолашиб, юзимга қўялмагай лаб;
Зах ва совуқ бир мозор бўлур маконим;
Афсус, бегона қўллар мени қилар дафн.

Руҳим кетар бўшликка умрбод чўкиб!..
Аmmo менга сен ачин!— Гўзалим, эркам!
Ҳеч ким сени, йўлингга умрини тикиб —
Севолмаган юракдан мендек чинакам.

1830

... ГА

Ҳей, фисқ-фужурлар афв этилмасин!
Наҳот шумларга бор метин бир қалқон?
Уларни нодонлар улуғлайберсин,
Уларга ўзга соз янграсин чунон;
Аммо сен тўхтагил, куйчи, тўхта, бас!
Олтиндан гулчамбар сеники эмас.

Жонажон ватанда қувғунликни сан
Эркинлигим дея мақтагин ҳар вақт;
Юксак ақлу идрок ва кўнгил билан
Табиат зийнатлаб қўйипти барвақт;
— Гарчанд сен ёвузлик оламин кўрдинг,
Аммо бош эгмадинг ва мағрур турдинг!

Золимлар ҳайқириб, ўлимлар даҳшат —
Солганда, сен эркин этдинг тарона;
Охират ваҳмидан чўчидинг фақат,
Бу дунё қўрқинчи сенга бегона,
Куйладинг, худди шу ўлкада ёлғиз —
Бир киши куйингни англаб, этди ҳис.

1830—1831

ТҮЛҚИНЛАР ВА ОДАМЛАР

Тўлқинлар бир-бирин қувлар изма-из,
Уйнар ва кўтарар бўғиқ бир шовқин.
Одамлар ўтади кетма-кет, сўнгсиз,
Разил бир оломон гўёки тўлқин.
Тўлқинларга иссиқ қуёшдан кўра
Совуқлик, эркисизлик бебаҳо, кўркам.
Одамлар қалб истар... Таажжуб нима?—
Улар қалби совуқ тўлқинлардан ҳам.

1830—1831

ОҲАНГЛАР

Қандай оҳанглар бу! Соламан қулоқ —
Ширин оҳангларга, кетолмай асло;
Унутиб қўяман ўзимни шу чоқ,
Унутилар замин, мангулик, само.
Қалб уни қизғаниб тортар ўзига, —
Нақадар қудратли! Қандай оҳанг бу!
Саҳрода ҳориган йўлчи кўзига —
Кўрингандек томчи обиҳаёт — сув!
Улар яна шодлик йиллар рўёсин
Кўнгилда тугдирар, этар зиёда.
Нимаки кўпдан йўқ бўлса дунёда,
Барига кийдирар ҳаёт либосин,
Оҳанглар бир сиймо бўлиб кўринур,
Бу сиймо мен учун нақадар азиз.
Жудолик кўз ёшин этиб тасаввур —
Тинглайман, юрак ҳам ўртанур ҳаргиз
Ва яна бутунлай унутиб ўзим,
Ўтмиш оғусидан ҳушсиз тотаман,
Яна инобатга олиб эл сўзин,
Шунга алам қилиб фикр этаман.

1830—1831



Майлига шоирни қилсин айбдор
Жоҳил, бефаросат, аянч аъёнлар.
Ҳеч ким ранжитолмас шоирни зинҳор,
Уларнинг жавобга қулоқлари кар!
Ҳануз ўз ҳолимча кўраман умр,
Мисоли кўл бўйлаб кетгувчи қайиқ,
Гўёки саҳройи қушдайин учқур,
Доим парвоз этар бу эркин қўшиқ!
Сеҳргар қўлларинг бўлиб лутфикор,
Менинг қўлларимга берганида жон,
Менинг улар блан нима ишим бор,
Сен менинг қаршимда ўлтирган замон.
Эй, жаннат париси, бўлсанг ёнимда,
Самовий фароғат билан дам ўтур.
Ҳеч нарса андуҳи, ғам йўқ онимда,
Мен сенга телмуриб қиламан ҳузур.

1830—1831

О Қ Ш О М

Ложувард ер этакларига
Чўкар экан қип-қизарган куп,
Туман тушиб, текис кўланка
Олисларни қопларкан бутун,—
Шу жимликда сураман хаёл,
Мангу ҳаёт, севги бобида,
Қимдир шивирлайди ёнимда:
— Энди ишқда топмайсан иқбол.
Тобе кўнгил билан шу замон
Мен осмонга ташлайман назар,
Мўъжизалар яратмиш осмон,
Сен, мен учун эмасдир улар,
Мен телбага эмас армуғон.
Менга сенинг боқишинг ҳар дам
«Ортиқроқдир доим ҳарқачон
Кўп самовий инъомлардан ҳам!

1830—1831

... ГА

Қўлингни бер менга, шоир кўксига эгил,
Тақдирингни пайванд қилгил тақдирим билан,
Мен ҳам, дўстим, киборларга хеш эмасман,
бил,

Одамларнинг орасида яшай олмайман.
Мен уларнинг суронлари, ташвишларини
Бўлишмадим, бунга вақтим, майлим бўлмади.
Фақат севги тўлиқ эди менинг қалбимга,
Сен заъфарон чехрамга бир қарагил энди.

Сен топарсан эҳтирослар изини унда,
Ҳаётимни шулар барвақт этдилар хазон,
Ўтган кунлар хотираси сўнганмас менда,
Чуқур жарнинг ёқасида танҳоман бу он.
Бу даргоҳда ҳар нарсани эзмишдир қисмат:
Тубсиз денгиз лабидаги эгик шох сифат,
Улар худди оқар сувда сузган дарбадар,
Яшин уриб чирт узилган бир баргга ўхшар.

1830—1831

МЕНИНГ ДЕМОНИМ

1

Ёвузликлар — унинг стихияси;
Қора булутларни ёриб учади,
Даҳшатли булутлар, дубзорлар сасин,
Дарё кўпикларин севиб қучади;
Қора туманларни ва нурсиз ойни,
Юлдузсиз тунларни яхши кўради,
Аччиқ кулгуларга тўла чиройни,
Ёшсиз, уйғоқ кўзни севиб юради.

2

Қиборларнинг барча ғийбатларини,
Майда гапларини тинглар хотиржам,
Мазах қилар салом, ҳурматларини,
Унга кулгилидир эътиқод, қасам;
Унга бегонадир севги, надомат,
Ердан озиқ топиб тўйинар ўзи,
Иссиқ қондан чиққан буғ билан фақат
Жанглар тутунига тўймайди кўзи.

3

Падарининг руҳин қилар безовта,
Туғилиши билан янги заҳматкаш,
Пайдо бўлар шунда демон албатта,
Ёвуз боқишида истехзо ва ғаш;

Қимдир тушар экан совуқ қабрга
Жони талвасада, ғариб ва мунгли,
Сўнгги дамин демон ўтказар бирга,
Аммо, юпанмайди хастанинг кўнгли.

4

Мағрур демон, ҳали тирик эканман,
Соядек эргашиб юрар орқамда;
Муъжизакор ўтнинг ёлқини билан
Ақлимни ёритиб турар ҳар дамда;
Комиллик руҳини кўрсатар бирпас
Ва уни маҳв этар яна шу замон,
Қилиб кайф-сафо ваъдаси-ла маст,
Толе бағишламас менга ҳечқачон.

1830—1831

РОМАНС

Қувноқ оҳанг таратса ҳам қўлимдаги тор,
Аммо қалбдан оқмас бу куйлар;
Пора бўлган қалб тубида хилват гўша бор,
Унда яшар кўп мудҳиш ўйлар.
Кўзларимдан тошиб-тошиб чиққан қайноқ ёш
Кўнгил дарди эмасдир асло.
Ҳаёт алдаб қўйган қалбга не бўлса йўлдош,
Улиб кетар шу қалбда аммо;
Порлоқ умид ўғиллари, изламанг зинҳор
Кўкрагимдан афсус-надомат;
Ўзгаларнинг изтироби эмасдир даркор,
Ўз дардимдан этаман нафрат!
Қалби тинган қизнинг ҳиссиз, сўник кўзларин
Кўрмоқликка йўқдир тоқатим.
Эсласам, кўп кечган онлар — ҳаёт излари,
Аммо эслаш эмас одатим!
Қонли ўтмиш шарпалари эслаган сари
Ҳаёлингни қамраб олади,
Бўрон турган денгиздаги маяк сингари
Хилватгоҳга чорлаб қолади,
Тўлқинларнинг қучоғида ҳайқирган тўфон
Кулган чоқда қайиқ устидан,
Изга қайтар қайиқчиси кўтариб фиғон,
Кўнгил узолмасдан юртидан.

1830—1831

1831 ЙИЛ 11 ИЮНЬ КҮНИ

1

Едимда бор, ёшликданоқ бир муддаойим:
Мўъжизани излаб, уни топсайдим дедим.
Аҳли аъён оламининг эмас, йўқ доим —
Ёруғ олам нашъасининг шайдоси эдим.
Қиборларнинг муҳотида кечирган лаҳзам,
Азобларди ҳатто сирли тушларимда ҳам;
Бироқ менинг туш ва ўйим бу оламсимон —
Ёрқин эди, бурколмасди уларни туман.

2

Мен аксари хаёл билан қисқа бир зумда
Асрларни яшар эдим ўзга оламда.
О, озмунча сузармиди кўз ёш юзимда,
У ғамгин ўй юрагимни ўртаган дамда.
Бу дунёни унутардим, менинг фаразим,
Гўё барча муҳаббату ғазаб, ғаразим
Мавжудотда ҳечнарсанга ўхшамасди ҳам...
Ҳайҳот! Улар жаннат эди, ёки жаҳаннам.

3

Бу оғирдир, ўй курашин ёлғиз қоғозу
Совуқ ҳарфлар қандай қилиб айласин баён?!
Бир довиюрак қудратлироқ инсон йўқки, у
Оғиз очиб дил истагин этолса аён!

Эҳтироснинг осмонида сезиб ўзимни,
Ҳаяжондан тополмайман айтар сўзимни,
Қани энди бир ҳамдардим бўлсаю шу дам,
Юрак тўла зардобимни кўксига қўйсам.

4

Шону шуҳрат нима бўпти? Шундай эса ҳам
У ақлимга ҳоким туриб, қилмоқда муштоқ.
Қурбон бер, деб чақирмоқда боримни, бу дам,
Ва мен унга судраламан азоб ичра тоқ.
Етажакман! Ғойиб ҳазрат пайғамбар: «Сенга—
Мангуликни бераман» деб лафз қилган менга.
Ер нимаки берган бўлса менинг қўлимга,
Мен уларнинг барчасини бердим ўлимга.

5

Йўқ, самовий руҳлар учун ўлиму гўр йўқ,
Ва мен ўлгач, менинг ўю фикримни бу дам
Тушунмаган ушбу олам шарафлар тўлиқ,
Ва мен билан сен ҳам, сен ҳам, менинг фариш-
там,
Ўлмагайсан, менинг ишқу севгим сен учун
Қайта бошдан мангуликни бергуси у кун.
Олам бизнинг номимизни бирга ёд этгай,
Марҳумларни бир-биридан айриб ҳам нетгай.

6

Марҳумларга кўра ҳеч ким ноҳақни демас,
Зотан падар қарғаганин фарзанд қадр этар.
Синаш учун кексайгунча яшаш шарт эмас,
Ҳар нарса ҳам охирида йўқолиб кетар.

Одам умри гул умрига кўра сал кечдир,
Бироқ бунинг мангуликка нисбати — «ҳеч»дир,
Вужуд хоки — тупроқ бўлар, ёлғиз руҳ халос,
Вужудидан кўра кўпроқ яшамоққа хос.

7

Ҳа, руҳ шундай яратилган. Дарё четида
Шўх мовий сув қаршисида танҳо туриб гоҳ;
Ўйноқлаган тўлқинлару, тўлқин бетида
Вижиллаган оқ кўпикка ташлардим нигоҳ,
Кузатардим шўх дарёдан узмасдан кўзни,
Аммо бўлак фикрларга бермасдим ўзни.
У беҳуда шовқин-сурон синггаркан онгга,
Чуқур ўйни тўзитарди қувлаб ҳар ёнга.

8

Мен бу ерда бахтли эдим... Бироқ у нигоҳ,
У кўзни деб ўтдай куйиб; асири бедор,
Селдай қуйган кўз ёшни дил унутарми, оҳ!
Унга кўндан ўзга эга, у ўзгага ёр,
Ва ўзгага кўнгил қўйиб қолганман мен ҳам,
Яратганга ёлвораман: ишқ бер чинакам,
Ўзинг янги изтиробга бўл, дейман, доя,
Бироқ дилни буркаб турар ўша илк соя.

9

Зарра қадр қийматим йўқ, ғамдан чиқмас
бош,
Мен ер узра ҳам мағруру ҳам совуқ жонман.
Ўз-ўзимга ва ўзгага, ҳатто қаҳри тош
Оломоннинг фикрича ҳам тириктонман.
Улар нега ғам-қайғумни тенг баҳам кўрсин?

Улар нега аҳволимни ачиниб сўрсин?
Не фарқи бор, юрагимни ё нур, ё эса
Зулмат босиб кетмайдими, уларга деса.

10

Қора булут ўтиб борар сузиб осмонда,
Унда қисмат алангаси яшириниб юрар,
Не учраса юлқиб кетиб, уни шу онда
Кул-кукунга айлантирар, ялт этиб турар,
Ва бир зумда булут ичра кўздан йўқолар,
Ким ҳам унинг тарихини баёнлай олар?
Нега изсиз сўнишини ким айтолур чин?
Зотан ёриб кўролмагач булутнинг ичин.

11

Орзиқаман келажакни ўйлаган сари:
Умрим қандай тугатаркин сўнгги лаҳзасин,
Қай ерларда кезар экан руҳим сарсари
Ва қай элда топар экан севган нарсасин?
Бироқ мени кимки севса, овозимни у
Эшитибоқ таниб олар, мен-чи серқайғу.
Қаттиқ севмоқ хатолигини кўраман, у дам
Найлай, ахир мен анчайин севолмасдим ҳам.

12

Ишқни писанд қилмовчилар кўп бу жаҳонда,
Ва шу билан улар бахтли; уларга гўё
Ишқ анчайин ўткинчи бир истакдир қонда,
Ё тентаклик, ёки эса ҳавойи рўё.
Йўқ, йўқ! Ишқни таъбирлолмас мендаги бу
тил,

Бироқ шуни биламанки, мен астойдил
Севмоқлигим заруратдир чин виждон билан!
Севдим, гоят ёниб севдим нақдижон билан!

Йўқ, юпанчлар қилолмас менга зарра кор,
 Бўмбўш кўнгил эҳтироссиз қайғурар ҳар вақт.
 Қулаб тушган бир хароба ичра, ҳар баҳор
 Яшил япроқ ёзиб ўсган ёш қайин дарахт
 Худди кўзни қувонтириб қараган сайин
 Хунук тошга кўрк бахш этиб турганидайин
 Пора дилнинг жароҳати қаърида ҳамон
 Севги — ёшлик маъбудаси яшайди омон.

Ҳимоясиз ёш қайинга гамгин боқару
 Тақдирига ёт келгинди ачинар гоят.
 Биламанки, қуюнларга тоб беролмай у
 Бевақт сўлиб, хоки-тупроқ бўлар ниҳоят.
 Аммо, менинг қайинимнинг илдизи маҳкам,
 Уни асти ўпиролмас зўр қуюнлар ҳам.
 Ва у тахлит вайрон дилда ёлғиз эҳтирос
 Ҳоким бўлиб яшамоғи мумкиндир холос.

Мавжудотнинг оғир юки остида толмай
 Ва совимай мағрур юрак қизишиб урар.
 Шум қисматнинг дасти уни парчалай олмай,
 Исён учун қутуртирар, юрак қутурар,
 Гарчанд минглаб одамларга бахт беролсанг
 Ҳам
 Бироқ ўзинг қасос учун тахт туриб бу дам
 Енгилмасни яқсон қилсам дейсан зарб билан.
 Ё худосан, ё золимсан бундай қалб билан.

16

О, мен учун кўнгиллидир чўл бениҳоя,
Қирлар аро шамолларнинг елиб туриши,
Булутлардан ялангликда судралган соя,
Ва осмонлаб калхатларнинг учиб юриши...
Бу ерларда йилқи-уюр яйрар бебошбоғ,
Осмонида қувнаб ўйнаб ҳарбир хунрез зоғ,
Ва негадир булутлар ҳам сузиб хуррам, ҳур,
Чехрасидан таратгандай туюлади нур.

17

Тикиламиз беҳадликда кўз-кўзлаб ўзин,
Ўнгимизни чўл океани банд этган онда,
Бирдан худди дев совлатли паҳлавон йўсин
Туғилади мангуликнинг фарази онда.
Ва хотима чеколамиз, шунда биз учун
Қоинотнинг таронаси таратган ҳар ун,
Азоб, қувонч лаҳзалари бўлади аён,
Ва тақдирга баҳо бера оламиз бу он.

18

Ким оқшомда кузатаркан кунботар ёқни,
Босиб туриб тик тоғларнинг юксак қоясин,
Ғарбда кўрар алвон сифат гулгун шафақни,
Шарқдан эса келаётган туннинг соясин.
Пастда туман, чангалзору қат-қат ўтлоқлар,
Тўрт атрофни ўраб олган ажиб тик тоғлар
Бўронлардан сўнгги булут сингари турар
Ва баҳайбат чўққилари ёниб барқ урар.

19

Ўтган йиллар ёди билан дил тошиб ўйнар,
Тасаввурга соя солар унинг ҳар куни.
Расмимизни қаршимизга келтирар ўйлар,
Ва деярлик ўша кўркда кўрамиз уни.

Давр ўтиб сўнаётган бу кўзлар бу дам
Уша ўтли ёнишишга ўхшамаса ҳам,
Ундан буткул ажраб турса ҳамки ниҳоят,
Расмимизни кўрмоқликни севамиз ғоят.

20

Бу оламда қорли тоғдай мағруру кўркам,
Салобатли табиий бир эҳром қайда бор?
Йўқ! У яккаш бирдай турар, шоҳ иснодин ҳам,
Шарафин ҳам парво қилмас ундаги виқор.
У қояси чўққисида чақнаган яшин,
Ва кўксига булутларнинг қайнаб ўйнашин
Писанд этмас, ҳеч на унга беролмас шикаст.
Қимки кўкка яқин турса, ерга тутмас қасд.

21

Чўл ғамгиндир, ҳимоясиз ёлғизлаб қолиб
Оппоқ қовил изтиробда тебраниб турса,
Раҳм айламай совуқ шамол қаҳрига олиб,
Шимол ёқдан тўзон суриб елиб юурса,
Қай томонга тикилмаки, энди бу чоқда
Бўмбўш кўкиш зулмат ичра узоқ-узоқда
Бир ё икки элас-элас қайиндан ўзга
Ҳеч бир нарса илашмасдан туради кўзга.

22

Ҳаёт агар курашсиздир, зерикар киши...
Назар солсак ўша ўтмиш тарихга бир қур,
Қам кўринар бизга манзур бўларлик иши,
Ва у энди бахш этолмас юракка сурур.
Мен ҳаракат қилмоғим шарт, менинг ҳар ку-
ним

Мангуликни яратишда бўлсин серунум.
Қаҳрамоннинг тимсолидай яшай, деб мангу
Тиришаман ва билмайман: тиним нима у?

Идрокимда алланедир пишар, қуюлар,
 Яккаш тилак ва ғам-ғусса тимдар кўксимни.
 Найлай, умрим ўз чамамда қисқа туюлар,
 Бирон ишни кўрсатолмай туриб кўзимни
 Бевақт юмиб кетмасам деб қўрқаман ҳар дам,
 Ўзгаларнинг ҳаётидан ҳазар қилсам ҳам
 Бироқ ҳали яшасам деб ташна ишқим бор,
 У, шум қисмат азобидан турар устивор.

24

Баъзи кезда идрок бирдан музлаб тош қотар,
 Чўқар қайғу-шодлик аро хира бир шуъла.
 Кўнгил қайғу, фикр эса зулматга ботар,
 Ва истакни буркаб олар туман бир йўла.
 Дил эзилар, аросатда довдирар фаҳм,
 Ҳаёт жирканч туюлади, ўлим ҳам ваҳим;
 Ва ниҳоят бу изтироб боисин якка —
 Ўздан топиб, қўёлмайсан айбни фалакка.

25

Бу ҳолатга кўникканман мен кўпдан буён
 Аммо, бунна фаришта, на шайтоний тил
 Мендек тўйиб очиқ-ойдин қилолмас баён,
 Улар бундай васвасали ташвишдан ғофил.
 Йўқ! Уларнинг бири поку, бири бешафқат,
 Эзгулигу ёвузликнинг иккиси фақат,
 Фақат ёлғиз одамзодда эгиз мужассам,
 Ва шулардан туғилади чеккан жабри ҳам.

26

Йўқ, ҳеч ким ҳам етолмаган ўз муродига,
Ҳатто тангри ярлақаган бахтли зотлар ҳам

Агар ўша ўтмишини олса ёдига:
«Афсус, қисмат умидимни заҳарлаб у дам
Янчмасайди, мен бундан ҳам минг чанд зиёда,
Бахтли умр кечирардим,— дейди,— дунёда»,
Шукур айламай, тутунади афсус қилмоққа,
Кетган тўлқин яна қайтиб урмас қирғоққа.

27

У, шум қисмат бўронидан қувилган кўйи
Виж-виж қайнаб, зир югуриб йўналган кезлар
Ҳасрат билан тўлиб-тошиб ўз ер, ўз уйи,
Ўз кўпирган қамиш ичи — кўрфазин эслар.
Эҳтимолки у ўзга бир кўрфазнинг пинжин
Топар, лекин топа олмас унда ўз тинчин.
Йўқ! Денгизда гангиб кезган овора одам,
Соҳил тоши соясида тинч ололмас дам.

28

Тақдиримни азалданоқ англар эдим, оҳ!
Бевақт босди манглайимга ўз муҳрини ғам.
Чекаётган азобимни билади оллоҳ,
Аммо зинҳор пайқамасин бепарво олам.
Мен ўларман, бироқ ўлмай қолажак отим,
Ғоят мудҳиш даҳшат билан кечар вафотим.
Ва бу ҳақда ёт ўлкалар ҳайратга чўмар;
Ўз ўлкам-чи?—Бадном қилиб нафратга кўмар.

29

Бас. Йўқ, буткул тамом эмас: давоматим бор;
Ҳали бор у ишқ маҳбуби, бир жуфт қора кўз,
Ва у гарчанд мени севиб ёш тўкмас бедор,
Ва у гарчанд инонмайди дардимга ҳануз,
Бироқ ҳали кунлар келар, келарки кезлар
Қароматим мени унга эслатар, эслар,

61

Афсус қилиб ўксиб йиғлар, бефойда ёшлар
Ушбу нозли чақноқ кўзин пардалай бошлар.

30

Бу оламнинг хувуллаган бир тупкасида,
Ушқирган сув соҳилида сақлаб тек сукут —
Қабрим мудрар, туман ичра осмон тагида,
Унда на бир дуо бўлар, ва на бирор бут.
Атроф бўмбўш. Фақат баъзан кўргани ҳамон
Ажабланиб, беихтиёр келиб у томон,
Ёш ажнабий ачинар-да, тошга ўтирар,
Ва пичирлаб дуо ўқиб ўрнидан турар.

31

Ва дер: «Наҳот билмадийкин уни бу олам?
Наҳот бир дўст топилмапти, топмапти сира?
Наҳот севги умидидан келтириб салом,
Қабри узра бут қўймапти қадру хотира?
У буларга арзирди-ку!» дер-да, чекиб оқ,
Узоқларга ташлар шунда ғамгин бир нигоҳ,
Ва югуриб сузган қайиқ, ҳам оқ елкану,
Мовий тўлқин, булутларни кўриб турар у.

32

Ва қабримни кўрар!— Менда бўлган туйғулар,
Уйлар ушбу манзаранинг ўхшатилмиши.
Етишолмай турган нарсанг гўзал туюлар,
Бироқ буни тизолмайсан қоғозга киши,
Вазн ичида чекланмаса фикр тўлқини.
Ёш боладек қўйиб берсанг ҳаддига уни,
У, арфанинг қилларидан тинч соқит тунда
Учган ундай шавқу завқли бўлажак шунда!

1831

И...ГА РОМАНС

Ўзим билан олиб кетсам гар
Жануб ёққа — ўзга юрт томон
Шу беомон аччиқ қайғулар
Ва алдамчи рўёмни тамом,
Аччиқ тилли одамлар нолиб,
Шаъним булғаб қилганда таъна,
Ҳимояннга сен мени олиб,
Ёқлармисан мени, жонона?

О, шундай қил! Ешликни эт ёд,
Сен макрлар қурбонин қизғон.
Қалбда севинч бўлмасин хазон,
Кел, сен шунга қилгин қасамёд.
Айта олай қувғинда: кўнглинг —
Гаров бўлур, дея соз кунга.
Азобимни эъзозлар қалбинг,
Доғ сололмас ёвузлар унга!..

1831

ВАСИЯТ

Середниково. Тун: дераза ёнида.

1

Сокин сўқмоқ йўлларга яқин
Бўш ўрмонда яланг бир жой бор.
Ёйиларди туманлар кечин
Ойнинг кумуш нури беғубор...

Уша яланг жойни кўргансан.
У ер сенга танишдир, ошнам.
Уша ерга мени кўмарсан,
Агар нафас олишдан тинсам!

2

Гўр ҳақида қилинадиган
Урф-одатдан тортмагил ҳеч бош.
Унга крест қўйгил зарангдан
Ва ўрнатгил у ерга бир тош.

Кўзғалганда момақалдироқ,
Йўловчини крест жалб этар,
Яхши одам балки ўша чоқ
Ёлғиз тошда дам олиб ўтар.

1831

...ГА

Тақдир илоҳий ҳукми чқарган,
Ҳеч нарса ўзгартмас ҳеч уни зинҳор;
Орада бор ўчни ювиб юборган,
Баҳолар барчани у беътибор.
У билар, у учун аёнди фақат
Нақадар оташин, жондан севганим.
Илтифот кўрмадим, лекин бешафқат
Қурбон қилдим сенга бутун топганим,
Ишқинг-ла ололган ҳуқуқларингдан
Мени куйдириш-чуй ясадинг қурол.
Аввало эркалаб ҳарорат билан,
Сўнг вафо этмадинг, худо бўлсин ёр.
О... сени лаънатлай олмасам керак,
Фусункор кўзларинг гўзал нақадар!
Маъсум кўкрагингда урар ёш юрак,
Ҳаммаси-ҳаммаси менга мўътабар.
Ғунчадек лабингдан мен алдаб бўса
Олганман айрилур чоқда бир йўла.
Мен тотган чечагим дудоғинг эса,
Эди изтиробнинг оғуси тўла.
Билардим: бу ишқмас ва бердим бардош,
Аммо англолмадим бир зумлик лаззат,
Сен учун мендаги орзу ҳам кўз ёш —
Баридан афзалроқ бўлганин фақат.
Бахтли бўл, майли, сен бахтсизлигимдан

Эшитсанг ёнганин менинг юрагим.
Афсус-надоматда ўртанма зимдан,
Мени кечирсанг бас! Шудир тилагим.
Қўз ёшинг тўкмоққа йўқ зарра боис,
Бунинг-чун мен нега бўлай сабабкор?
Ва лекин кулмоққа ўрганайлик биз,
Ахир ҳаёт биздан кулмоқда такрор.

1831

ТАВБА

Инонаман ваъдалар этиб,
Ўзим синамаган бўлсам ҳам,
Мунофиқлик қилмасдан роҳиб
Яшай олур, ичгандек қасам;
Кишидаги табассум, бўса
Доғулилиқ эмасдир асло.
Кичкина илк хатолар бўлса,
Кечирилиб туради гоҳо.
Азобларга замон бир малҳам,
Иқбол учун яралган дунё,
Саховат бу — эмас қуруқ ном,
Ҳаёт каби бўлолмас рўё.

Жўшқин ишонч, совуқ тажриба
Ҳар лаҳзада келиша олмас,
Аввалгидек ақл ҳам хафа,
Мақсадига эриша олмас;
Армонларга лим-лим юрак ҳам,
Улганлардан чуқур хотира —
Ўзда сақлар — лек топган барҳам
Эзгу хаёл, ҳиссий кўланка;
Ҳечбир нарса қўрқита олмас,
Ўзгаларга туюлган заққум
Унга берар ҳаёт ва нафас
Жароҳатли ўти-ла ҳар зум.

1831

ҲАЁТ ЖОМИ

1

Сипқарамиз ҳаёт жомин
Кўзимизни чиртта юмиб,
Унинг зарҳал қирғоқларин
Кўз ёшимиз билан ювиб;

2

Улар чоғда кўзимиздан
Тушгани у, тўсган парда,
Ғойиб бўлар ўнгимиздан
Мафтун қилган ҳамма нарса;

3

Сўнг англаймиз, олтин жомни
Тўлдирмаган экан шароб.
У бир ҳаёл экан, жонни
Мафтун этган экан сароб.

1831

...ГА

Мақтовларга ишонма ҳечам,
Нотўғри де ҳақни ҳар қачон.
Рўё деб бил умидни, эркам,
Лекин менинг ишқимга инон.

Бундай ишққа инонмай бўлмас,
Сир сақлолмас кўзлар ҳам асло,
Алдамоққа қалбинг қодирмас,
Чунки, фариштасан бебаҳо.

1831

ОСМОН ВА ЮЛДУЗЛАР

Оқшом осмони тиниқ,
Порлоқ олис юлдузлар,
Гўдак бахтидай порлоқ;
О! Нега фақат мен сизга, юлдузлар,
Бахтимдай порлоқсиз дея олмайман!

Нимадан бахтсизсан, деб
Суриштирар одамлар —
Мен шундан бахтсизманки,
Азиз биродарлар, осмону юлдуз —
Осмону юлдуздир!— мен эса — одам!..

Одамлар бир-бирига
Рашк-ҳасад қилади;
Мен бўлсам-чи, аксинча,
Гўзал юлдузларга ҳавас қиламан,
Шулардай бўлишни истардим фақат.

1831

МАЛАК

Бир малак учарди кўкда ярим тун,
Ва куйлаб борарди сокин қўшигин,
Ой ҳам, юлдузлар ҳам, булутлар гавжум
Тингларди муқаддас бу қўшиқни жим.

Бу қўшиқда — жаннат боғларидаги —
Бегуноҳ руҳларнинг бахти, эртаги,
Улуғ тангрини ҳам куйларди, хуллас,
Унинг қўшиқлари эди беғараз.

Бир гўдакни қучиб элтар у бу он
Қайғу ва кўз ёшлар дунёси томон;
Малак қўшиғининг майин оҳанги —
Сингиб қолди гўдак руҳида мангу.

Зерикди ерда у узоқ, умрбод,
Гўзал орзуларга тўлиб у кушод;
Кўк оҳанги ўрнин босмади аммо
Ернинг диққинафас куйлари асло.

1831

* * *

Ота ва ўғилнинг аянч қисмати
Ғурбатда яшамоқ, ҳижронда ўлмоқ,
Ватанда граждан аталиб оти,
Ўзга бир қувғиндек саргардон бўлмоқ!
Ота, тамом бўлди ўйнаб-кулганинг,
Кутилган ўлимга етдинг ахири,
Барча азобингга сабаб бўлганнинг
Илоҳи, сен каби тугасин умри!
Худойим томондан гўдаклигимда
Қалбда ёндирилган мўътабар чўғни
Одамлар сўндирмоқ бўлганлигига
Мен гуноҳкор бўлсам, бўларми тўғри?
Жуда беҳудадир улар армони:
Орадан ўтмади бирор ёмон гап,
Гарчанд азобларнинг бўлдик қурбони! —
Сени тергамайман, айбингни излаб;
Сен маҳкум этилдинг дунё томондан
Дунё нима ўзи? Яхши-ёмондан
Иборат одамлар гуруҳи зотан,
У қурилган ёлғон мақтов, игводан.
Жаннат, дўзах руҳи узоқдир ундан.
Сен дунёни, дунё сени унутган.
Сен мендан бахтлисан; олдингда сенинг
Ғоятда ҳайбатли, теран ҳамда кенг
Мангулик очилди денгизларга тенг.
Йўқолган ҳар бир кун: ёшли, серқайғу,

Наҳот ачинтирмас энди, отажон?
Чўлдай бўш қалбингни кезиб саргардон
Ўтмиш ҳис, ўйларни ахтарганинг у —
Қора лекин, азиз кунга ачинмайсанми?
Наҳотки бутунлай севмасанг мани?
Агар шундай бўлса, осмону кўкни
Ерга алишмайман тирик эканда,
Ердан кўрганим йўқ бир яхшиликни,
Унда севаман-ку, ҳеч бўлмаганда.

1831

БАЛЛАДА

Кечки пайт. Навжувон бир славянка
Кулбаси ичида ўлтирар эди.
Узоқда лоларанг шуълалар кўкка —
Бир чирой бахш этиб ловиллар эди...
Гўдаги бошида бўлиб парвона
Қўшиқлар айтарди славян она...

«Йиғлама, жонгинам, йиғлама! Ёки
Келажак офатни сездингми дилдан,
О, ғамга мунча илк йўлиқдинг, токи —
Тирикман, қолдириб кетмайман бунда,
Отангдан айрилиб қолсам-да, эркам.
Йиғлама! Бўлмаса, йиғлагум мен ҳам!

Номус ва тангрига бўлиб фидокор
Жўнаган татарга қарши у, жангга,
Йўлида даҳшатли қонли излар бор,
Қиличи ялтирар мисли аланга.
Назар сол шафаққа, қип-қизармоқда:
Қонли жанг ўлимдан уруғ сочмоқда.

Яхшики, бошингга тушувчи ғавго —
Даҳшатин сезишга сен ҳали ёшсан,
Гўдаклар лаҳадни қилишмас парво;
Уларга бегона номус ва кишан;

Ҳасадга лойиқдир улар тақдири...»
Шу онда тўсатдан бир жангчи кирди.

Совути садпора, соқолида қон,
«Тамом!— деб ҳайқирди солдат ғазабкор,—
Тамом! Э, лаънати, яйра беармон!..
Татарга ўтди бу севимли диёр,
Душманлар қиличин аямай солди,
Енгилдик ва Ўрда юртимиз олди»—

Дедию, йиқилди у жангчига хос,
Қонли ўлим билан кўзи юмилди.
Хотини гўдагин олиб рўй-рост,
Ота жасадининг бошига келди:
«Боқ, инсон қай тахлит ҳалок бўларкан,
Сут эмган чоғингдан қасосга ўрган!..»

1831

ВИДОЛАШУВ

Ташлаб кетма, ёш лазги, зинҳор;
Бунча ошиқмасанг элингга?—
Отинг ҳорғин, тоғда туман бор;
Бунда макон тайёр, ором ёр,—
Мен ҳам кўнгил берганман сенга!..

Наҳотки, тонг отсаю одоқ —
Бўлса икки туннинг ҳузури;
Ҳадя қилай десам: мен қашшоқ,
Аммо, менга тангри берган, поқ,
Сеникидек юракдан бирин.

Келган эдинг ёмғир қуйган кун;
Чакмо нинг нам, нигоҳингда ғам...
Қуёш чақнаб этаркан мафтун,
Ёруғ кунни менга қилиб тун
Кетиб қолсанг мангу, жонгинам:

Теграга боқ: баҳайбат тоғлар
Тизмасига югурмоқда ранг;
Буталарда тонгги нур порлар:
Оққўнгил ва ҳурмиз;— ким чорлар
Сени йироқ ўлкага?.. аттанг...

Ишон, қайда севишса бизни
Ўша ерда ватан; жонажон —

Водийларда хушторинг қизни
Учратмайсан, дединг шу сўзни,
Енимда қол! Бир кун, бирор он!—

— Менда йўқдир Ватан, дўсту ёр,
Бисотимдир тулпор ва қилич;
Севгинг билан эдим бахтиёр,
Афсуски, кўз ёшларинг, дилдор,
Мени олиб қололмайди ҳеч.

Қалбда яшар яширин қасам,
Шу деб, йиллаб санғиб юрибман:
Токи, ёвнинг қонин тўкмасам,
Рад эгаман муҳаббатни ҳам,
Жавобим шу: кечир мени сан.

1832

* * *

У дилбар, жанубнинг қизғин боласи —
Сурган хаёл каби гўзал-ди гоят,
Ким изоҳ қилипти: ҳусн нимаси —
Келишган кўкракми, хушбичим қомат,
Ё шаҳло кўзларми? Лекин гоҳо биз
Бунинг ҳеч бирини гўзал демаймиз.
Сўз билмас лабларни мумкинмас севмак;
Оташсиз нигоҳлар — бўйсиз бир чечак!—
Ёраб! Онт ичаман, у эди сўлим!..
Манглайдан тўзғиган зулфларнинг баъзан
Олтин ипагига текканда қўлим —
Ўртаниб, танимни қопларди ларза,
Унинг рёғига йиқилмоққа шай,
Дер эдим жонимни, жаннатни берай,
Тоинки, менга бир нигоҳ солса у,
Шундай бир нигоҳки, лаззати — оғу.

1832

Р О М А Н С

Соҳилда турар эди кулранг қоя танҳо, тоқ,
Бир кун келиб урилди унга ялт этиб чақмоқ.
Зарб остида иккига қоя бўлиниб кетди,
Бу икки тош оралаб бўз оқин оқиб ўтди.
Икки қоя энди ҳеч бирлашолмас ва лекин
Жарлик эсга солади уларнинг бир бўлганин;
Одамларнинг ғийбати шундай айирди сендан,
Ва лекин муҳаббатинг сира кетмайди мендан.
Энди ҳеч учрашмаймиз, тасодиф пайти келиб
Сенга айтсалар номим, сўраб қўярсан: ким,—
деб.

Ҳаётимни таҳқирлаб, балки эслаб кетасан...
Беихтиёр ўзингни шунда таҳқир этасан,
Ҳисларим, сўзларимни унутмайсан ҳеч қачон,
Хотирангдан ўчмайди ўтмишдаги ҳар бир он!..

1832



Йўқ, Байрон эмасман, мен бошқа одам,
Оламга аёнмас ҳали кимлигим.
Дунёда у каби қувғин бўлсам ҳам
Ва лекин рус қалби менинг юрагим.
Эрта бошладим мен, тез тугатарман,
Менинг ақлим жуда озни яратар;
Океан туби каби, менинг қалбимда
Чил-чил синган орзу тошлари ётар.
Эй, ҳайбатли океан, сенинг сиригини
Ким топиб, тушуниб ета олур ким?
Халойиқ биларми ўю фикримни?—
Ё ўзим, ё худо ва ёки ҳеч ким!—

1832

РОМАНС

1

Кетасан жанг майдон томон,
Дуоларим тингла бу он,
Мени қилгил ёд.
Агар сени дўст алдаса,
Қалбинг уришдан чарчаса,
Кўнглинг боғи сўлар бўлса,
Уша йироқларда бот
Мени қилгил ёд.

2

Биров кўрсатса қабримни,
Тунда сўзласа нақлимни
Шам узра бедод,
Хорланган қизни сўзласа,
Алданган қизни сўзласа,
Шунда, азиз дўст, сен эса
Уша ўлкаларда бот
Мени қилгил ёд.

3

Балки, ўтмиш эсга келар,
Оромингни нотинч қилар
Мушкул хотирот;

Сен тингларсан ҳижрон додин,
Ишқ қўшиғин, ғам фарёдин
Ё шу янглиғ алам товшин...
 О, ўшанда, тушда бот
 Мени қилгил ёд.

1832



Мен яшаш истайман! Истайман ғамни,
Муҳаббат ва бахтга аччиқма-аччиқ.
Улар тантиқ қилди менинг ақлимни,
Манглайимни силаб юборди ортиқ.
Пайтидир, киборлар истеҳзоси-чун
Беғамлик туманин ҳайдай беомон;
Надир шоир умри беташвиш бутун?
Океан океанми бўлмаса бўрон?
Кулфат эвазига у яшаш истар,
Оғир азобларга бўлса ҳам ошно.
Оҳангларни кўкдан у харид этар,
Беҳуда олмайди шуҳратни асло.

1832

...ГА

1

Алвидо!— биз бошқа ҳеч учрашмаймиз,
Бир-биримиз-ла қўл сиқинмаймиз

ҳам;

Алвидо!— Юрагинг эркиндир ҳадсиз...

Аммо бахт излашни беради барҳам.

Биламан: юрагинг эзилур сўзсиз,

Уни қалтиратур яна ҳаяжон,—

Қўпдан ҳалок бўлган кишининг изсиз

Ўчиб кетган номин эшитган замон!

2

Шундай товушлар бор — улар арзимас,

Улардан жирканар мағрур оломон,

Ва лекин унутиб бўлмас бир нафас,

Улар ҳаёт каби қалб-ла жонажон;

Қабрга кўмилган каби, ўтмиш ҳам

Шу эзгу товушлар остида яшар;

Уларни тушунар шу икки одам,

Улардан икки қалб фақат дард чекар.

3

Иккимиз бир лаҳза бўлдик ёнма-ён,

Мангулик ҳеч гапмас шунга нисбатан:

84



Мен телбаман! Ҳақлисиз, ҳақли!
Улмаслик бу дунёда кулгу.
Сиз тупроқда бўлганда бахтли,
Наҳот қилдим шуҳратни орзу!
Эътиқодлар занжирини мен
Титратолдим ҳур ақл билан
Ва наҳотки, сирли дард ўтин
Фарқ қилмадим шеър оташидан?
Ўхшамайман шоирга, ҳайҳот!
Алданганим кўраман бу дам,
У сингари дунёга мен ёт,
Лекин ётман само учун ҳам!
Биламанки, сўзларим мунгли,
Сизга ошно эмас бу қисса.
Дилдан юлиб ташлайман уни,
Йўқолсин, деб у билан ғусса!
Йўқ... Бор умрим сарфлаб, идрокка —
Ҳукмронлик этоламанми?
Қўтарилай сиздан юксакка,
Ўздан нари кетоламанми?
Унутайми ихтиёр билан
Ҳалок бўлган севгимни букун.
Наҳот бир чоқ жўшиб ишонган
Нарсаларга ишонмас мумкин?

1832

Қ А М И Ш

Хушчақчақ бир балиқчи
Утирарди соҳилда,
Олдидаги қамишзор
Тебранар эди елда.
Қуруқ қамишни қирқиб,
Унга бир тешик ўйди.
Бир учини беркитиб,
Бирини лабга қўйди.
Гўё жон кирган каби
Қамиш чиқарди овоз.
Бу овоз ҳам одамга,
Ҳам шамолга эди хос.
Қамиш куйларди ғамгин:
Қўй мени, менга тегма,
Балиқчи, жон балиқчи,
Менга кўп азоб берма!
Билсанг, мен бир қиз эдим,
Жуда ҳам жонон эдим.
Угай онам қўлида
Ситам чекиб ўсардим.
Беғуноҳ кўзларимдан
Тўқардим қон-қайноқ ёш.
Тезроқ қабрга кирай,—
Дер эдим, тугаб бардош.
Уша ўгай онаминг
Севган ўғли бор эди.

Алдарди гўзалларни,
Одамлар безор эди.
Бир кун оқшомда икков
Бордик тикка қирғоққа,
Зангори тўлқинларни,
Кун ботишни кўрмоққа.
— Мени севгил!— деди у...
Сева олмадим уни.
Пуллар ҳадя қилди у,
Олмадим ундан пулни;
Мен бахтсизни ўлдирди,
Уриб кўксимга пичоқ.
Шу ерга, тик қирғоққа
Мурдамни кўмди у чоқ.
Кейин, қабрим устидан
Қамиш унди каттакон,
Ёш юрагим ғамлари
Унда яшайди ҳамон;
Балиқчи, жон балиқчи,
Қамишни ташла тезроқ,
Сен ёрдам беролмайсан,
Одатингмас йиғламоқ.

1832

Е Л К А Н

Оқариб кўринар бир елкан
Кўк денгизда, туман ичида...
Йироқ юртда нелар изларкан?
Нени ташлаб кетган элида?

Тўлқин ўйнар, шамол ғувиллар
Ва эгилиб мачта ғирчиллар.
Эвоҳ, излаб юрмайди у бахт
Ва қочмайди бахтдан ҳам бу вақт!

Зангори мавж остида жўшар,
Кўкдан сочар қуёш олтин нур.
У — исёнкор, бўронни қўмсар,
Бўронларда бор эмиш ҳузур!

1832



Нега зангор тўлқинлар бўлиб,
Мен дунёга келмадим экан?—
Нақ кумуш ой чиққанда тўлиб,
Шовқин солиб оқардим шўхчан.
О, олтиндек қумлардан ҳузур,—
Билан тўйиб олардим бўса,
Нафратланиб қарардим мағрур,
Хавотирли қайиққа эса;
Бошқа одамларга бахш этган
Нарсаларни этардим яксон.
Ва босардим кўксимга муздек
Жафо чеккан жонни ўша он.
Қўрқмас эдим дўзах-азобдан,
Этмас эдим жаннатни орзу;
Безовталик, совуқлик ўбдан
Менга қонун бўларди мангу;
Узоқ шимол ўлкасида мен
Изламасдим ўзга бир макон;
Туғилгандан бўлсайдим эркин,
Умрим ўтар эди беармон.

1832

БАЛЛАДА

Қайга ошиқасан, эй яҳудий қиз?
Ҳали субҳидамга вақт анча йироқ...
Боқ, билагузугинг тушди. Парвосиз!
Бошмоғинг ҳам тушиб қолур, қизалоқ.

Мана кўприк! Чапда чўян панжара,
Фонус ёғдусидан равшан ҳар ёғи,
Уни тут, чарчабсан, кўзингга қара...
Ана уй — эшикда бор кўнғироғи.

Мармар санам каби ранги ўчдию,
Яҳуд қиз тўхтади остонада лол.
Сўнгра кўнғироқнинг ипин тортди у,
Ва ойнадан кимдир қаради дарҳол...

Яширин умиду ваҳм ила қиз ҳам
Ойнага нигоҳин ташлади шунда...
Албатта шу лаҳза бир минутли ғам
Юз йиллик аламдан зўр эди унда.

Яҳуд қиз дер эди: «Менинг фариштам,
Менга илтифот эт, яна бир қара!..
Қутқазгин Сорангни шу қийналишдан,
Оловдан, пичроқдан топ менга чора.

Отам айтадики: Мусонинг дини
Сени севмакликка бермас ижоза,
Мен қўрқмай тингладим унинг пандини,
Чунки далда бўлди зўр севгинг тоза.

У менга бермоқчи азобу қийноқ,
Отамнинг ўчидан сақлангин зинҳор!
У чиқди, қўлида кескир бир пичоқ,—
Оҳ, дўстим, пайингда юрар у айёр...

Мудҳишдир отам ўз қасос — қастида,
Бу ердан тез қочгин бошқа юрт сари!..
Ҳатто жаллодларнинг совуқ дастида
Хиёнат қилмайди Соранг лаблари».

— Қоч!— деди ва лекин ойнадан шу чоқ
Энгашган чеҳрада липиллади нур,
Кимнингдир қўлида порлади пичоқ,
Ва бўғиқ бир жавоб чиқди негадир.

Тошга қулаб тушди оғир бир нарса,
Деворнинг тагида нолаю афғон,
Жон бераётган-ди бечора кимса,
Зотан бир эмас-ди ўлаётган жон!

Эрталаб ҳамманинг оғзида гап-сўз,
Оломон кўтармиш қий-чув, тўполон.
Хонада ётарди сўйилган бир рус,
Ва ойна остида яҳуд қиз, бежон.

1832



Бахт ва ишонч учун, илҳомлар учун
Туғилган эди у!— лекин ақлсиз
Гўдаклик либосин ташладию тез
Ҳаёт денгизига ирғитди қалбин;

На дунё, на худо аяди уни!—
Шундай барвақт пишган мева ҳам ёлғиз
Гуллар аро етим осилиб бахтсиз,
На завқни эркалар, на кўзга ёқар,
Яшнаган фасли ҳам — сўлгандек боқар.

Оч қуртлар кемирар унинг ичини,
Қўшни шохчаларда энди олиб ранг
Нозик мевалар ҳам сочар исини.
У-чи, илк совуққа етади аранг.

Соч-соқол оқармай кексайиш — мушкул;
Тенгдоши топилмас. Қўпчилик аро
Юрса ҳам дардини айтмайди асло;
Одамлар ичра у на хўжа, на қул,
Фақат ёлғиз сезар ўзини буткул!

1832

ГУСАР

Гусар! Қийган камзулинг қизил,
Қўринишинг қувноқ ва беғам;
Беташвишлик мангу эмас, бил,
Бекор гапдир бахт дегани ҳам.

Ишратларни ёдга оласан,
Мўйлабингни бемалол бураб.
Лекин, қора фикрдан сақлан,
Қораликда ожиздир мўйлаб.

Майли, сени эркалаб тақдир
Енгилтак ҳирс, майли, қилсин шод.
Лекин, ҳечким севмас барибир,
Қадрламас сени одамзод.

Кулранг отда устинг ярқираб,
Шиддат билан елиб ўтган дам.
«У мен учун ўтди бундай деб»
Ҳеч гўзал қиз ўйламайди ҳам.

Қуюн каби учасан жангга,
Қизғинликдан билмай ўзингни.
Ҳеч ким айтиб қолмайди сенга
Ҳатто раҳмат деган сўзини.

Гусар! Дилинг эшитмас наҳот,
Эркаларми муҳаббат сани?
Малак қайда қоқмоқда қанот,
Маъсум шаҳло кўзларинг қани?

Жим қолдингми, қадаҳ қўлингда —
Тўла бўлса, ақлинг ҳам ожиз!
Нега ўтмиш ҳаёт қўйнидан
Тортиб олдинг қалбингни, эсиз!..

Ҳозиргидай эмасдинг аввал,
Кўп яшадинг, узоқ яшадинг.
Фақат сўнгги садоқат билан
Дафн этдинг қалбинг оташин.

1832

А Л Ь Б О М Г А

(Байрондан)

Йўловчининг эътиборини
Жалб этгандек танҳо сағана,
Нигоҳининг ихтиёрини
Шу оқ қоғоз тортсин, жонона.

Утган узоқ йиллар сўнггида
Шоир дардин сен ўқир бўлсанг,
Хотирларсан, қандай севгида —
Сени севган, энди у кимсанг
Уз қалбни дафн этмиш шунда.

1836

* * *

Э, улуг зот: бунда излама зинҳор,
Шону шавкатингга муносиб эҳсон!
Осмондаги кўзлар унга интизор,
Излаб тополмайди ерда ҳам инсон.—

Аммо сенинг холис садоқатингни —
Қаҳрамонлик ишинг сақлар умрбод,
Уғлинг ҳам эшитиб шонли отингни,
Севинар қалбидан қилганида ёд.

Улуг хотирангга ўз мадҳин ўқиб,
Келажак авлод ҳам эслайди сени;
Холис ва самимий кўз ёши тўкиб
Деяжак: «У севар эди ватанни!»

1836

ШОИРНИНГ УЛИМИ

Ҳалок бўлди шоир!— номус тутқуни —
Кўксида оловли қасос, қўрғошин,
Ифлос фисқи-фужур чулғади уни,
Йиқилди ҳам қилиб у мағрур бошин!..
Чиркин тухматларга, шармисорликка
Шоирнинг виждони беролмай бардош,
Ўзи бурунгидай танҳо ва якка
Қиборларга қарши кўтарганда бош,
Уни ўлдирдилар! Улдирдилар, энди
Йиғлашлар, беҳуда қуруқ мақташлар,
Аянч шивир-шивир, ўзни оқлашлар
Не ҳожат? Тақдирнинг ҳукми юз берди!
Сиз эмасми, аввал ёвузлик билан
Озод, жасоратли созин қувганлар,
Сиз эмасми, ахир сал йилтиллаган
Чўғдан эрмак учун ёнғин қилганлар?
Мана энди, қувнанг... Шоир энг сўнгги
Оғир азобларга топмади илож:
Ажойиб бир гений шам каби сўнди,
Сўлди тантанали, яшнаган гултож.

Шоирнинг қотили бемалол, ҳиссиз
Совуққонлик билан оларди мўлжал...
Нажот йўқ: совуқ қалб тепарди текис,
Қўли қилт этмади ўқ узган махал.
Сира ажаб эмас! У бизга юзлаб

Қочоқ келгиндилар каби, узоқдан
Омад дарди билан амал-мансаб излаб
Тақдир изми билан келган беватан;
Оёқ ости қилди тубан назар-ла,
Бегона тупроқнинг одат, тилини;
Шухрат-шаънимиздан у аламзада,
Англай олмасди бу қонли лаҳзада
Қимга кўтарганин ёвуз қўлини!..

Ўлдирилди шоир — қучди ер қаъри;
Ўша сўник рашкнинг қурбони бўлган,
Ўзи ажиб куч-ла тараннум қилган,
Ёт қўл-ла, ўзидек қатл этилган,
Номаълум, беозор куйчи сингари.

Дилкаш дўстлик, тинч роҳатдан кетдию, нечун
Ўтли ҳислар ва эрксевар қалбин бўғувчи
Бу ғаразгўй кибор тўпга нега йўл олди?
Ёшлигидан одамларни билса-ю, недан
Шундай пасткаш ифвогарга қўл берди экан?
Сохта меҳру ёлғонларга нега инонди?

Асл гулчамбарин олиб унинг атайин,
Қийгиздилар лавр ичра тиканли чамбар.
Унинг шон-шуҳратли порлоқ мангла-
йин

Қаттиқ поралади яширин ништар.
Пасткаш нодонларнинг макру ифвоси
Заҳарлади унинг энг сўнгги дамин.
У ўлди — қалбида қолди қасоси,
Алданган Ғумиднинг яширин алами.
Ажойиб қўшиқлар товуши тинди,
Куйчининг ошёни тор ва қоронғу.
Ажойиб қўшиқлар янграмас энди,

Муҳр лабларига босилди мангу.
Сиз пасткашлик билан шуҳрат тўплаган
Оталарнинг кибор, шум авлодлари,
Сиз, бахт ўйинида ҳақир ва нолон
Насллар хокини кулдай топтаган,
Тахт ёнида турган очкўз оломон!
Озодлик, Гений ва Шон жаллодлари!
Қонун соясига пусасиз фақат,
Лолдир қаршингизда суд ва ҳақиқат!..
Аммо, ишрат бандалари, тангри ҳукми бор,
Даҳшатли ҳакам бор, у кутар сизни:
Олтин жарангига учмас ҳукмдор,
Олддан билар фикру ишларингизни!
У чоқ беҳудадир шум бўҳтонингиз:
Жонга аро кирмас макр қонуни.
У маҳал жамики ифлос қонингиз
Юволмас шоирнинг қутлуғ қонини!

1837

БОРОДИНО

«Қани, амакижон, айтиб берингиз,
Ўт кетиб, ўртанган Москва бежиз —
 Фарангларга* берилмаган-ку?
Ахир, бўлгандир-ку беомон уруш,
Бўлганда ҳам қандай, кетгудай эс-ҳуш,
Бородино куни Россиянинг беиз —
 Чиқмас ёдидан мангу?»

— Ҳа, бизнинг замонда мардлар бор эди,
Сизга ўхшамасди, шиддаткор эди.

 Сизлар ботир эмассиз.
Уларнинг қисмати бўлмишди ёмон,
Талай мардлар майдон аро берди жон.
Бўлмасайди тақдир амри беомон,
 Кетмас эди Москва, эссиз!

Биз узоқ индамай чекинар эдик,
Алам қилар эди, жанг кутар эдик.

 Чоллар пўнғиллар бирдан:
«Нима бу, шу ерда ўтадимиз қиш?
Командирларимиз бажаролмас иш.
Ёвларнинг мундирин керакдир йиртиш
 Руснинг найзаси билан».

* Французларга.

Топдик охирида катта бир майдон,
Бемалол саёҳат қилурлик сайхон,
Кичик истехком қурдик.
Етамиз қулоқни унда дик тутиб,
Тонгги нурлар билан ялтирайди тўп,
Урмонда фаранглар ҳар қайда, тўп-тўп
Кезиб юрганларини кўрдик.

Боплаб туриб мен ҳам тўпни ўқладим,
Уйлайман: дўстни бир қўноқ қилайким!
Қараб тур, оға, мусъё:
Кураш экан, ҳийланинг не кераги бор?
Бизлар саф тортамиз мисоли девор,
Она-Ватан сўрса, бизлар баякбор
Бошни ҳам берамиз-ку!

Икки кун ҳам ўтди отишмалардан.
Нима манфаат бор бекорчиликдан?
Кутдик учинчи кунни.
Эшитилиб қолди ҳар ёқдан овоз:
«Тезроқ илғор сафга ўтиб олсанг соз».
Даҳшат қирғинининг майдонига боз
Тушади кўлкаси туннинг.

Замбарак тубида мен мудрар эдим.
Токи тонг отгунча эшитар эдим
Фарангларнинг шод сасин.
Бироқ бизнинг манзил очиқ, жим ётар,
Кимдир мажақ дубулгасин тузатар,
Кимдир муртин чайнаб пайзасин артар,
Жуда ошган зардаси.

Тонг аста ёришиб келиш биланоқ,
Кўзғалишдик мисоли момақалдироқ,
Сафлар орқасидан саф.

Бизнинг мард полковник эди қаҳрамон,
Шоҳга нўкар, солдатларга отахон...
Бироқ афсус, чавоқланиб берди жон,
Ётар нам ерда ухлаб.

Улар экан, айтди, кўз очиб тийрак:
«Йигитлар, Москвани қутқазмоқ керак,
Москва учун ўлсанг оз,
Шунча оғайнилар у деб ўлгандек!»
Бородино жангида қасамёд этдик
Ва бошларни мардона ўлимга тутдик,
Ҳаммамиз ҳам шоввоз.

Шундай кун келдики! Тутун ораси,
Булутдай силжиди фаранг қораси
Бизнинг истеҳком томон.
Ранго-ранг тамғали юрт ботирлари,
Дубулғаси думдор саф-саф сувори,
Кўзимиз олдида келмоқда бари,
Рўбарўдан ёнма-ён.

Бундай жангни сизлар ҳеч кўрмагайсиз!..
Байроқлар соядай кўчарди изсиз,
Еру кўк тутун, олов...
Қурол-аслаҳалар, тўплар овози,
Найза санчиб толмиш эл найзабози,
Улганларнинг қонли тоғдай танаси
Уқларга тўсиғу — ғов.

Русларда ботирлик қанча мустаҳкам,—
Эканин ўша кун кўрди душман ҳам,
Кўрди найзанинг кучин.
Ер ҳам ҳансиради кўкрагимиздай,
Аралашиб кетди от, одам бирдай,
Минглаб замбараклар ўкириб шердай
Оларди ёвдан ўчин...

Қош қорайиб қолди. Биз эса тайёр
Эртадан қаттиқ жанг бошлашга такрор,
Кураш охиригача.
Дўмбиралар бирдан дириллаб қолди;
Душманлар чекиниб, йўлин терс солди,
Санадик, ким бору ва ким йўқолди,
Дўстлардан қолди неча!

Ҳа, бизнинг замонда мардлар бор эди,
Азамат, довюрак, шиддаткор эди:
Сизлар ботир эмассиз.
Уларнинг қисмати бўлмишди ёмон:
Талай эрлар берди майдон аро жон.
Бўлмасайди тақдир амри беомон,
Кетмас эди Москва, эссиз!

1837

ТУТҚУН

Зиндон эшигини очингиз,
Беринг менга қуёшдан ёруғ,
Келтирингиз қора кўзли қиз,
Ҳам берингиз қора ёл тўриқ!
Энг аввал мен гўзалдан бир дам
Ширин бўса олайн, сўнгра —
Отга дадил миниб, чўл аро —
Учиб кетай шамолдай илдам.
Баланд зиндон ойнаси бироқ,
Вазмин эшик қулф ила маҳкам,
Ўз аркида қора кўзим ҳам
Ўтирибди, мenden кўп йироқ;
Кўм-кўк қирда ўтлаб юрар от,
Вафодор от беюган, озод,
Ирғиб-ирғиб ўйнайди, хушқол,
Ёлу думин тарайди шамол...
Мен танҳоман, йўқ севинч, сурур:
Чир айланам девор, кўримсиз.
Лампадаги милтиллаган нур
Сўнаётган умиддай кучсиз.
Фақат сиртда ташланган қадам —
Товши келиб туради ҳардам.
Дағал соқчи сокин тун бўйи
Юрар жимжит тумтайган кўйн.

1837

* * *

1

Сарғая бошлаган дала мавж уриб,
Елда шувлаганда губорсиз ўрмон,
Боғда пушти олу айшини суриб,
Яшил барг бағрига бўларкан ниҳон;

2

Хушбўй ва ярқироқ шудринг сочилиб,
Олтин саҳар ёки шом шафағида —
Марварид гуллари оппоқ очилиб,
Ландиш мўраларкан бута тағида;

3

Теран жуда ўйнаб салқин, шўх булоқ,
Бетинч, хира тушган ғарқ этиб ўйни,
Тинч юрти — ер қаъри ҳақида узоқ
Менга сўйлар экан сирли бир куйни,

4

Ўшанда кўнглимнинг ташвиши тинар,
Манглайдан ажинлар кетар шу замон,
Ҳам ерда бўламан бахтга муяссар,
Тангрини кўраман кўкда бегумон!..

1837

* * *

Ажралишдик, лекин аксингни бирдай
Сақлаб келмоқдаман сийнамда ҳамон.
Гўё яхши кунлар хотирасидай
Дилга бағишлайди шодлик армуғон.

Унута олмадим аксингни мангу,
Ўзга эҳтиросга бўлсам ҳам ошно.
Ташландиқ бўлса ҳам — бутхонадир у,
Инкор этилган бут — барибир худо.

1837



Шошиб борарканман узоқ ва иссиқ
Бегона эллардан шимолга томон,
Сенга, Қазбек тоғи, Шарқнинг соқчиси,
Мен, бир жаҳонгашта, келтирдим салом.

Сенинг ажин босган манглайнинг узра
Асрлик қорларнинг оппоқ салласи,
Мағрур тинчлигингни бузолмас сира
Инсоннинг ғурурли ғазаб ноласи.

Аммо қояларинг етказсин тугал
Даргоҳинг — юлдузлар ошени сари,
Тангрининг абадий салтанатига
Осуда юракнинг илтижоларин.

Тилайман — кўланка, салқин тушсайди
Қовжироқ қирларга, чангли йўлларга,
Токи тош устида ётиб туш пайти
Дам олсам кўнгилсиз дашту чўлларда.

Бу қоронғу Дарьял дарасида ман
Ҳориб, азоб чеккан отгинам билан
Совут-қалқони-ла шарақлаб келган
Довул босқинида қолмасам дейман.

Аммо бир тилак қалбда тағин-да!
Айтишга қўрқаман!— қалтирар кўнгил.
Нима бўлар, агар қувғин чоғимда
Ватанда унутган бўлсалар буткул?!

Ҳечким қучоқ очиб қаршилармикин?
Қадимдай саломлаб кутарми ҳечким?
Жафокашни кўп йил ғурбатдан кейин
Танирмикин дўстлар, биродарларим?

Ёшликни мен билан баҳам кўришган
Шўх, азиз, меҳрибон дўстларимнинг ё,
Хоклари устидан чиқармикинман,
Хунук, турғи совуқ қабристон аро?

О, гар ундай бўлса! Қазбек, сен мени
Қорбўронинг билан кўмақол дарров,
Ватангадо бўлган ғариб хокини
Шу даралар бўйлаб совур беаёв.

1837

Х А Н Ж А Р

Ишқибозман сенга, пўлат ханжарим,
Ёрқин, совуқ ўртоғимсан ҳар нафас.
Грузин ўчга тоблаб қўйган сени, жим,
Ёвуз жангга чархлагандир бир черкас.

Эсдалик деб гамли ҳижрон айёми
Сени менга нилуфар қўл тутган-ди,
Қон эмасу, бу гал тиниқ кўз ёши —
Дард инжуси тиғинг намлаб ўтган-ди.

Қора кўзлар менга қараб телмуриб,
Сирли алам қайғусига тўлган-ди,
Пўлатингдай гоҳ оловда барқ уриб,
Гоҳо яна хиралашиб сўлган-ди.

Сен севгимга тилсиз гаров, ҳамроҳим,
Мусофирга сен ўрнаксан, кўп кўркам.
Айнимасман, менинг темир ўртоғим,
Сендай, сендай мен бўлурман мустаҳкам!

1838

У И Л А Р

Замондош наслимга қарайман ғамгин,
Унинг келажаги — нурсиз, шарафсиз,
Дунё, таниш-билиш, гумонлар юкин

Кўтариб кексаяр бекор ва нафсиз.

Оталар хатосин, кеч кирган фаҳмин
Мерос қилиб олдик бешикдан бизлар,
Турмуш бизни, гўё бегона базми,

Гўё мақсадсиз йўл, чарчатар, эзар.

Яхши-ёмонликка бешарму бефарқ,
Умр бошидаёқ жангсиз сўлармиз.

Хавфлар қаршисида шарманда-қўрқоқ,
Ҳокимлар қошида манфур қуллармиз.

Шундай, зотсиз мева бемаҳал қариб,
На кўзни қувнатар, на яйрар думоғ,
Турар гуллар аро етим ва ғариб,
Чириб ерга тушар — гул яшнаган чоғ.

Ақлимизни сўрди самарасиз фан,
Шубҳа таҳқир этган эҳтиросларнинг
Олижаноб сасин, умид-ихлосларни
Ҳасад-ла яширдик яқин дўстлардан.

Фароғат жомидан сақландик, лекин
Сақлаб қололмадик ёшлик ғайратин,
Меъдага тегизмай, ҳар бир шодликнинг
Мангуликка сўрдик асл лаззатин.

Санъат дурдонаси, шеърий орзулар
Завқидан уйғонмас бизнинг фаросат.
Биз титраб сақлаган қолдиқ туйғулар —
Хасислик дафн этган, фойдасиз бисот.
Севгимиз — тасодиф, нафратимиз ҳам,
Йўлида ҳечнарс қилмаймиз қурбон.

Қонда ёшлик ўти қайнаб турган дам
Сирли бир совуқлик қалбда ҳукмрон.
Ота-боболарнинг болаларча жўн
Тўкин базм, ишрати бизга мароқсиз,
Ўтмишга мазахли назар ташлаб, сўнг
Тобутга шошамиз бахтсиз, шарафсиз.

Тез унут бўлғувчи мунгли тўдадай,
Давр учун бирорта доҳиёна иш,
Бирор самарали фикр қолдирмай,
Дунёдан ўтамиз беиз, бетовуш.
Мулкин сотиб ичган ота қабрида
Аламли кулгандай алданган ўғил,
Гражданлик ҳаққи билан хокимиз узра
Нафратли шеър ўқир келгуси бўгин.

1838

ЎЗИНГГА ИНОНМА

Que nous fout apres tout les vulgaires adois
De tous ces charlatans, puis douvent de la voix.
Les marchands pathos et les leiseurs d'emphase
Et tous baladius puis banssut sur la qhrase?

A. Barbier¹

Ўйчан йигит, инонма ўзингга асло,
Илҳомдан қўрқ, мараз деб бил уни рўй-
рост.
Илҳом — хаста қалбингнинг алаҳлаши, ё —
Банди бўлган фикрнинг титраши, холос.
Ундан илоҳий белги изламоқ недир?
Куч ҳам ошиб-тошмоқда, кўпирмоқда қон!
Ундан кўра умрингни ташвишларга бер,
Тўкиб юбор оғули шарбатни аълон!

Сукутларга фарқ бўлган қалбингда агар
Етиб вақти-фурсати, келиб шундай чоғ,
Очсанг, ҳеч ким билмаган шаффоф, жилвагар,
Содда, ширин сасларга тўлиқ бир булоғ,—
Қулоқ солма сасларга, бўлма маҳлиё,
Унут барин, фарқни бил ушбу аснода:
Совуқ калом, бир текис шеър билан илло
Мушкул улар мазмуниин этмак ифода.

¹ Гапнинг сирасини айтганда, бу жумлаларни рақс-га туширадиган баландпарвоз сўзлар устасию пафос олибсотари бўлган бақироқ товламачиларнинг дағал қичқириқлари билан қанчалик ишимиз бор ўзи?
О. БАРБЬЕ. (Франц.)

Пинҳона ғам дилингда бўлганда пайдо,
Ё шиддатли эҳтирос кечганда аён —
Дарғазаб дугонангни етаклаб асло
Чиқа кўрма одамлар базмига томон;
Пастга урма ўзингни. Ор эт мардона,
Гоҳ ғазабинг, гоҳ маъюс аламинг сотма,
Дил яранг фасодларин такаббуруна
Содда авом олдида томоша этма.

Бизга нима, ёндингни, ёнмадинг, жўрам,
Идрокинг ўкинчию тугёнингки бор,
Болалигинг бемаъни умидларин ҳам
Бизга билмоқлик шартми, бизга не
даркор?

Боқ: қаршингда ер депсиб ўйнаб сарафроз,
Ўз одатий йўлида борар халойиқ;
Байрамий чехраларда ташвиш изи оз,
Кўзларда-чи, томчи ҳам ёш йўқ нолойиқ.

Асли улар барчаси ғамли, нидоли,
Азоб чекмиш ва лекин сўйламас важин,
Улар қилмай жиноят, кўрмай жудолик
Манглайига тушмишдир бемаҳал ажин...
Инон: улар куларлар кўз ёш, таънангдан,
Кулгилидир уларга сийқа мақолинг.
Юзин бўяган актёр фоже оҳангда
Қоғоз қилич ўқталиб турган мисоли...

1839

УЧ ХУРМО

(Шарқ афсонаси)

Араблар юртининг қум саҳросида,
Уч хурмо юксалиб ўсганди жуда.
Улар ўртасида булоқ бор эди,
Муздай тўлқинлар-ла мавж урар эди.
Кун нуридан, кўчма қумлардан сақлар
Уни ўраб олган кўм-кўк япроқлар.

Кўп йил ўтиб кетди беному нишон
Ва лекин ташна лаб бегона инсон
Қўймади хурмолар остига қадам,
Булоқ сувларига энгашмади ҳам,
Кун тафтидан қурий бошлади бироқ
Гўзал кўк япроқлар ва тиниқ булоқ.

Уч хурмо худога ёлборди шу пайт:
«Сўлмоққа ўсдикми биз бу ерда, айт?!
Ҳечкимга заррача еткизмасдан наф,
Шамолдан эгилиб, иссиққа чидаб,
Ўсдигу ҳуснимиз кетмоқда зое!
Ҳақ эмас муқаддас ҳукминг, худойим!»

Улар тўхтадилар, шунда бирпасда
Олтин қум бўрони бошланди даштда,
Қўнғироқ садоси эшитилди тез,

Гиламга ўралган юклар изма-из,
Денгиз қайиқларисимон тебраниб,
Келарди туялар қумларни ёриб,

Ҳилпиллаб борарди ўрқачлардаги
Сафар чодирларин нақшдор этаги,
Қўллар кўтарарди уларни баъзан,
Қора кўзлар чақнаб қолар дафъатан...
Эгарнинг қошига босиб қоматин,
Араб йўртар эди тим қора отин.

Баъзан от тип-тикка бўлиб оларди,
Уқ теккан йўлбарсдай сакраб қоларди,
Йигитнинг кифтида ҳилпираб борар
Оппоқ либосида чиройли тахлар,
Шовқин-сурон билан учиб борар у,
Найза отар, яна илиб олар у.

Хурмолар тагига келдию карвон,
Салқинга жойлашди хурсанд ва шодмон.
Кўзалар лиммо-лим булоқ сувига,
Фурур-ла баргларин силкиб қуйига
Хурмолар қутлайди меҳмонларини,
Булоқ ҳам аямас эҳсонларини.

Ер узра қоронғи тушгани замон,
Болта томирларга тушди беомон,
Юз йиллик хурмолар жонсиз йиқилди!
Уларнинг либосин болалар шилди,
Сўнгра гавдаларин майдаладилар,
Тўпланиб тонггача ўт қаладилар.

Туман ғарб томонга учиб кетганда,
Карвон ўз йўлига сафар этганда,

Унумсиз саҳрода бўлиб ғамгин доғ,
Уч кўркам хурмодан кул қолди оппоқ.
Қўёш қолганини ҳам ўртаб қилди кул,
Сўнг шамол чўлларга учирди буткул.

Ҳозир ҳам ҳар тараф ваҳший ва яйдоқ —
Барглар-ла сўзлашиб турмайди булоқ:
Пайғамбардан бекор у соя сўрар —
Қайноқ қумлар кўчиб уни тўлдирар,
Ҳам тождор қарчиғай — шу ваҳший қонхўр
Ўлжасин бўғизлар, қийнар ва чўқир.

1839

ДУО

Ҳаётимнинг ташвишли они
Юрагимни чулғаганда ғам,
Эслайману ажиб дуони
Такрорлайман такрор ўша дам.

Жонли сўзлар жарангосида
Қандайин соз роҳатбахш куч бор!
У сўзларда сирли, осуда
Бир жозибга ахир барқарор!

Елкангдан тоғ тушгандек бўлар,
Орида қолиб кетар гумонлар,—
Қалбга — ишонч, кўзга ёш тўлар,
Қушдексану, йўқдек армонлар...

1839

ТЕРЕК СОВҒАЛАРИ

Терек ваҳший пишқиради,
Қояларга уриб ўзин,
Бўрон каби ўкиради,
Кўз ёшлари сачрар тўзиб.
Бироқ чўллар оша ўтиб,
Дарҳол бўлар у ҳийлагар,
Эркаланиб, таъзим этиб,
У Қаспийга шундай сўзлар:

«Йўл бергин, эй кекса денгиз,
Бошпана бер тўлқинимга!
Кенг ерларда кездим чексиз,
Ҳордиқ пайти келди менга.
Мен Қазбекда туғилганман,
Булутларнинг кўксин эмдим.
Инсоннинг ёт ҳукми билан
Мангу баҳсга тайёр эдим.
Ўғилларинг эрмагига
Буздим она Дарьялни хўб.
Шон қозонмоқ истагида
Харсангларни оқиздим кўп».

Аммо Қаспий ухлагандек
Бош қўяди қирғоғига.
Эркаланиб яна Терек
Шивирлайди қулоғига:

«Олиб келган совғам бордир:
Оддий совға эмас, қиммат.
Жангда ҳалок бўлган ботир
Кабардиндир бу зўр жасад.
Қийган пўлат совутларин
Қимматбаҳо зирҳи ғоят:
Унда ҳар бир ҳарфи олтин,
Қуръон сўзи эзгу оят.
Қош чимирган қовоқ солиб,
Қайрилгандир мўйлаби ҳам.
Унга оқиб қотган совиб
Жўшқин қони тарам-тарам.
Унинг очиқ чеҳрасида
Эски қасос ўти порлар,
Орқасида, елкасида
Силкинади кокил — сочлар».

Юмшоқ қирғоқ сари бошин —
Қўйиб Каспий жимжит мудрар.
Тўлқинланиб Терек жўшқин,
Вазмин чолга яна сўзлар:

«Тингла, тоға, менинг совғам
Қимматбаҳо ва бошқача.
Асраб уни мен оламдан
Сир тутардим шу вақтгача.
Олиб келай тўлқин отиб
Қазак қизнинг пок мурдасин.
Шундай қизки, сочи олтин,
Момикдайин оқ елкаси.
Қиёфаси ғамгин жуда,
Ширин уйқу юмган кўзин.
Қичик яра бор кўксида,
Қизил қони оқар сизиб,
Фақат битта ёвқур казак
Станица — қишлоғида

Қиз кўйида хафагазак —
Юрмас дарё қирғоғида.
Қорабайир отин жангга
Эгарлаган тунда тоғда,
Ёвуз чечен урган ханжар
Бошин узар қизғин чоғда».

Зардаси тез оқим тинди,
Тўлқин ювган, қордай оппоқ —
Кокилли бош бир силкинди,
Сув бағрига чиқди шу чоқ.

Қалқди яшин қудрати-ла
Паҳлавон чол ўтдай чақнаб.
Мовий кўзи қувонч билан
Чарақлади ҳирсдан яшнаб.
Қувнаб, гувлаб ўйин солди
Кенг қулочин катта очиб.
Меҳр билан қучиб олди
Тўлқинларни ишқ-ла тошиб.

1839

А. И. О. (ДОЕВСКИЙ) ХОТИРАСИГА

I

Мен уни билардим — шарқнинг тоғларин
Икков бирга кездик... Кўришдик баҳам
Фурбат соғинчини; синов чоғлари
Қонуний навбат-ла учиб ўтган дам
Мен қайтдим жонажон далалар томон,—
У ета олмади ширин паллага:
Кўчиб юрадиган фақир чайлада
Касал уни чалиб йиқитди тамом.
Ҳали етилмаган, ноаниқ илҳом,
Алданган умидлар, аламларини —
У қабрига олиб кетди барини..

2

Қалбида умидлар, шеърият ва бахт,
Шулар учун туғилганди... Ут эди, лекин,—
Болалик либосин тарк этди барвақт,
Шўх ҳаёт наҳрига отди юрагин.
Тангри қутқазмади, кибор раҳм этмади!
Оғир ҳаяжонда то охирги дам
Одамлар тўпида, бўш саҳрода ҳам
Унда ҳис ёлқини ўчиб битмади:
Мовий кўзларидан ёғду кетмади,
Кетмади жўшқин нутқ, янгроқ қувончи,
Одамларга, истиқболга мағрур ишончи.

3

Дўстлардан олисда ҳалок бўлди у...
 Пок қалбинг тинч бўлсин. Саша, қадрдон!
 Бегона қирларда дафн этилди у,
 Менинг хотирамнинг тилсиз қабрида
 Дўстлигимиз каби, тинч олсин уйқу.
 Сен, кўплар сингари, бедовруқ ўлдинг;
 Лекин сўнг дамгача саботли бўлдинг;
 Абадий юмилар экан кўзларинг
 Сирли ўй-хаёллар кезди бошингда,
 Сўнг бор бўлганлардан сенинг қошингда
 Ҳеч ким англамади айтган сўзларинг...

4

Жонажон ватанга саломмиди бу,
 Ё сендан ажралган дўстларнинг ёди,
 Навқирон ёшликдан жудолик, қайғу,
 Ё хаста юракнинг сўнгги фарёди,—
 Қим айта олади! Номаълум қолди
 Аламли, маънодор сўнгги сўзларинг...
 Ишларинг, ўйларинг изсиз йўқолди,
 Оқшом булутининг ҳоври сингари:
 Бир зум кўринару, шамол учирар...
 Қаёққа? Нимага? Қайдан?— ким сўрар...

5

Булутлар осмонда қолдирмайди из,
 Гўдакнинг умидсиз туйғуларидай,
 Унинг кўнглидаги ҳатто энг азиз
 Дўстларга айтмаган орзуларидай!..
 Не ҳожат!.. Бу қадар ўзларига ёт
 Умрни унутсин, майли, киборлар:
 Нечун сенга қуруқ мадҳ, эътиборлар

Нечун у заҳарли, бемаъни ғийбат?
Сен у киборларга қилмадинг хизмат,
Маккор кишанларин ёшдан тарк этдинг,
Денгиз шов-шувлари ишқида кетдинг —

6

Ва севдинг чўлларнинг сокин осмонин,
Меҳр қўйдинг баҳайбат тоғ-чўққиларга;
Номаълум қабрингни, унинг тўрт ёнин
Сен севган шу ҳамма гўзалликлар-ла
Ажойиб бир тахлит безабди тақдир.
Зангори осмондай тилсиз чўл-тақир,
Қавказ кумуш тождай бағрига олган,
Денгиз узра мудрар, қовоғин солган,
Бошин қалқон узра эгиб баҳодир
Тўлқинлар қиссасин тинглагандай жим;
Қора денгиз эса гувлар бетиним.

1839

* * *

Шов-шувли базмда ўлтириб ҳазин,
Ут-олов дўстлардан четроқда, якка,
Бизлар кўролмаган узоқ келажакка
Дадил тикар эди у хаёл кўзин.
Ёдимда, куйларкан меҳмонлар, дўстлар,
Қаҳқаҳа, қийқириқ, қадаҳ жаранги,
Завқли нутқлар аро мунгли янгради
У башорат қилиб айтган шу сўзлар;
— О, менинг дўстларим, яйранг беармон!
Сизга чирик олам тақдири нима?..
Уйнар бошингизда болта... кўрарман
Орангизда уни ёлғиз менгина.

. : .

1839

КАЗАҚ АЛЛАСИ

Ет, севгилим, чиройлигим,
Аллаю алла.
Бошгинангда тўлин ой жим —
Боқар бу палла.
Эртак айтай сенга, қўзим,
Айтай ашула;
Сен ухлагин, кўзларинг юм,
Алла, жон, алла.

Терек оқар тошлоқларда
Лойланиб, қайнар.
Евуз чечен қирғоқларда
Ханжарин қайрар
Лекин отанг кекса аскар,
Пишган жангларда,
Ет, ўргилай, йўқдир хатар,
Аллаю алла.

Ет, улғайиб, жанг ҳаётин —
Биларсан дарҳол,
Ва минарсан уруш отин,
Тутарсан қурол.
Жабдуғингга ўзим безак
Тикайин зар-ла,
Ет, жонгинам, ухла андак,
Аллаю алла.

Ботир бўлар савлатинг бор,
Қазак бўларсан,
Узатгали онанг борар,
Хайрлашарсан,
Уша кеча мен ҳам яшрин ---
Йиғларман қанча,
Ёт, фариштам, тинчиб ширин,
Аллаю алла.

Соғинарман, зориқарман,
Бўлиб интизор;
Тунлар фол очиб чиқарман,
Кундуз дуо-зор.
Соғинади ёт элларда —
Дейман, жон бола...
Ёт, беғамсан бу йилларда,
Алла, жон, алла.

Сенга берай, болам, йўлга
Муқаддас сурат:
Доим уни олиб қўлга
Этгил ибодат:
Ҳа, шайланиб оғир жангга
Кирганинг палла —
Ёд эт мени, болажоним,
Аллаю алла.

1840



1-чи январь куни

Гоҳ бўлсам мингқуроқ оломон аро,
Авжга минарди-ю, рақс ила наво
Шивир-шивирларга тўларди ҳар ён,
Унгимда ўтарди бир туш мисоли
Бефарқ одамларнинг ўлик тимсоли,—
Ниқоб кийиб олган бутун оломон.

Шаҳарлик гўзалдай тўнг ва ҳаёсиз,
Титроғи қолмаган қўллар ибосиз
Совуқ қўлларимга тегиб кетганда,—
Сиртдан бу базмга, ялт-юлтга мойил,
Олис орзусига лек талпинур дил,
Йилларнинг сасига бўларкан банда.

Омадим чопса-ю қўлимдан келса,
Хаёл қанотида кечмишга елсам,
Эркин қуш бўлолсам қушдай ушбу чоғ:
Бола пайтим мана, таниш бари-да,
Баланд, ҳашаматли бино, нарида —
Ўз ҳолига ташлаб қўйилган бир боғ.

Ҳовузни қоплабди юпқа ўт, гиёҳ,
Олисда тутунли кўринар қишлоқ,
Далалар устида қалқийди туман.
Хиёбон кезаман; шохчалар аро

Шом нури ўйнайди, кўнглим бесафо,
Заъфарон баргларни босиб юраман.

Юрагим қисади ажиб бир ҳасрат:
Мен уни севаман, ўйлайман фақат,
Севаман хаёлим гули раъносин,
Оҳ, унинг кўзлари, мовий ўт тўла,
Кулгиси — ўрмонни ёритган шуъла,—
Тонги бир шуъланинг аъло, аълоси!

Шундоқ салтанатга бўлибон ҳоким,
Танҳо узоқ-узоқ ўлтирардим жим,
Борлигим чулғаркан завқ ила гумон,
Уммонлар ичида қолган бир орол
Мовий биёбонда яшнаган мисол,
Баридан хотира қалбимда ҳамон.

Ҳушим ўнглаб билдим — алдоқдир бари,
Чақирилмай келган меҳмон сингари —
Хаёлим, ҳуркитди шов-шув, оломон.
О, улар шодлигин бузмоқ истайман,
Шартта юзларига отмоққа шайман
Қаҳрли, аламли шеърим беомон!..

1840

ҚУШНИ ҚИЗ

Энди йўқ мен учун у ёруғ дунё,
Зиндоннинг ҳар куни бир йилдир
Ойнаси баланддир ердан беадад,
Эшиги ёнида соқчи ҳамма вақт.

Азизим қўшни қиз бўлмаса агар,
Улим қилар эди умримга ҳужум!..
Биз бугун уйғондик тонг сочганда зар,
Бошимни оҳиста эгдим унга жим.

Тутқунлик ажратиб, дўст қилди бизни,
Муштарак қисматда иккимиз ташна,
Истак, қўш панжара бир-биримизни
Ҳамсуҳбат айлади, айлади ошна;

Ойнада ўтириб фақат ҳар наҳор
Нигоҳни ҳаддига қўйиб беармон,
Ана, қаршимдаги ойна тиқиллар:
Пардаси тортилурунинг шу замон.

Назарин ташлади менга айёр қиз!
Бошини ҳам қилди қўл орасига,
Ортидан йўл-йўлли рўмолчасига
Гўё ел урдию, беркитилди юз.

Салгина қапчиган сийнаси беқон,
Узоқ вақт ўтирар хўрсинган кўйи;

Афтидан бор жўшқин фикр ва ўйи,
Озодлик ҳажрида мендек нигорон.

Куюниб ўтирма, жоним қўшни қиз...
Қафасни очишга интилган ёлғиз,
Жаннат қуши каби, иккимиз бирга
Учиб кетайлик у узоқ қирларга.

Отангдан оҳиста калидни ол сан,
Соқчини чалғитгин зиёфат билан
Эшикда турганлар ишини ўзим
Саранжом қиламан шу замон — шу зум.

Зимистон кечани танлагин ёлғиз,
Тузукроқ кайф бўлсин, отангга бер май.
Йўл-йўл рўмолчангни мен кўра олай,
Уни сен илиб қўй ойнага, қиз!

1840

АСИР ПАҲЛАВОН

Зиндон панжараси тагида сокин
Утирибман қараб мовий осмонга:
Қўкда эркин қушлар қилади ўйин;
Уятдан, ҳасратдан ўт тушар жонга.

Тилимга келмайди ҳеч дуойибад,
Ёримни мадҳ этган куйим янграмас:
Қўҳна жанглар ёди ошно фақат,
Оғир қиличиму совут-ўқ ўтмас.

Бу кун тош совутга кишанланганман,
Бошимдан босади оғир тош қалпоқ,
Қалқоним омондир қилич, ўқ-ёйдан,
Отим ҳам эгасиз дайдиған бу чоқ.

Тез-тез чопгувчи вақт — вафоли отим,
Қалқоним сипари — қалъа тешиги,
Юксак деворлардир — бу тош совутим,
Қалқоним — зиндоннинг чўян эшиги.

Суръат-ла қушдек чоп, эй замон, жадал!
Янги зирҳ остида оғирдир аҳвол!
Манзилда узангим ушлайди ажал,
Тушиб, юздан сипар оламан дарҳол!

1840

НЕ УЧУН

Кўнглим ғаш, чунки сени жондан сева-
ман, жондан,
Ва биларман: гул очган ёшлигинг бу за-
монда
Мишмишларнинг қувғини аяб ўлтирмас
зинҳор.
Ҳар бир ширин лаҳзаю ҳар бир хушбахт
онки бор
Олиб келгай бошингга ҳасрат ила кўз
ёши!

Кўнглим ғаш... чунки сенинг шодликка
фарқ ёш бошинг.

1840

ЖУРНАЛИСТ, КИТОБХОН ВА ЁЗУВЧИ

(Ёзувчининг хонаси, пардалар туширилган. У камин олдида катта креслода ўтирибди; китобхон эса, қўлида сигара, каминга орқасини ўгириб турибди. Журналист киради.)

Les poètes ressemblent
aux ours, qui se nourrissent
en suçant leur patte.
Tnedit*

Ж у р н а л и с т

Хурсанд бўлдим, касал экансиз.
Турмуш ғами, ташвиши билан
Ўз муқаддас уйқуларидан
Шоир аҳли маҳрум бўлар тез.
Турли-туман таассурот аро
Икир-чикир чулғаб хаёлни
Бўлар умумфикри қурбони!
Бир етукроқ асар ёзгани
Эрмаклардан унга вақт қани?
Лекин ўзин сезар бахтиёр,
Тангри инъом қилгани вақтда:
Ё қувғинлик, ёки авахта,
Ё этса зўр дардга гирифтор:
Шунда унинг хилватгоҳида
Жаранглайди ширин бир садо!
Баъзида ўз қайғу-оҳида
Ўртанишга бўлар мубтало...

...Билсак бўлар, нима ёзаяпсиз?

Ё з у в ч и

Ҳечнарсас-мас...

* Шоирлар панжаларини сўриб тамадди қилувчи айиқларга ўхшайдилар.

Ж у р н а л и с т

Яхши қилмапсиз!

Е з у в ч и

Нима ёзай?— Шарқ билан Жануб
Тасвирланган, ёзилган шеърлар!
Ўзлигини мақтаб шоирлар,
Авом халқни сўкишдилар хўп;
Кўкда сезар барчаси ўзин,
Елборгандек сеҳрли сўзи,
Ундар мавҳум латофат сари,
Жонга қаттиқ тегишди бари.

К и т о б х о н

Журъат керак, сизга айтсам рост:
Варақлаш-чун журналингизни.
(У шал қилган қўлларимизни)
— Биринчидан: у кепак қоғоз!
Эҳтимол у тозадир, аммо
Варақлашга керакдир қўлқоп.
Нашрий хато учрар беҳисоб.
Шеърлар бари бўш ҳам бемаъно.
Сўз бефикр, йўқдир туйғу, ҳис,
Ясамадир учраган жумла;
Секин айтай, қулоқ берсангиз,
Қофия ҳам бузилар тез-тез.
Прозами?— фақат таржима.
Она тилда бирор ҳикоя —
Учраб қолса сизга ниҳоят,
Москвани мазахлаб кулар,
Ё сўкишар амалдорларни.
Қимни тасвир қилишар улар?
Қимдан тинглар бу хил гапларни?
Лекин шундай бўлса ҳам асти —

Эшитмоқчи эмасмиз рости!
Қачон бизнинг фақир Русьда ҳам
Сохта зийнатлардан қутулиб,
Рус тилимиз жаранглар кўркам
Фикр билан, ҳис билан тўлиб?

Ж у р н а л и с т

Мен ҳам доим айтаман шуни;
Сиздай кескин эътироз билан
Баҳолайман рус музасини.
Ўқиб кўринг танқидларимдан.

Қ и т о б х о н

Ўқиганман.— Имловий хато.
Ҳарф ҳақида майда-чуйда дўқ.
Арзимаган, ҳеч кераги йўқ —
Ишоралар учрайди ҳатто.
Жаноблар, ҳеч бўлмаса, ахир,
Сиёҳингиз заҳарли, ўткир —
Бўлса қанча шод эди дунё!
Сиёҳ эмас — лойқа сув гўё.

Ж у р н а л и с т

Бу билан ҳам келишмоқ лозим.
Сўзларимга ишонинг фақат:
Мени ҳадеб қилгач ҳақорат,
Қандай қилиб тура олай жим?
Разм солинг аҳволимизга!
Бизни ўқир паст табақа ҳам.
Очиқ-ойдин сўкишлар, сўзлар
Қилавермас ҳар кимга алам;
Одоб, завқ — бу шартли нарсалар
Пулни ҳамма тўлар баробар!

Ишонинг сиз, тақдир томондан
Бўйнимизда шу оғир зуннор.
Айтинг, ўқий қайси дostonдан,
Ҳаммаси ҳам бемаъно, бекор...
Ўқиб берай, ўқишга буни
Ҳеч ҳожат йўқ, дейиш учунми?!

К и т о б х о н

Жонли, янги бирорта ижод
Баъзан қўлга тушиб қолади.
Лаззатланиб ўқийсану шод,
Ақлинг, қалбинг ором олади.
Мисол олсак, менинг бир дўстим
Шундай эзгу қалбга эгадир.
Фикру ҳис бой, йўқ ками кўсти,
Худо шундай идрок бергандир.

Ж у р н а л и с т

Шундайку-я — дард бошқа ёқда:
Бу жаноблар ёзмай, чатоқ-да.

Ё з у в ч и

Нима ёзай?— Пайт бўладики,
Бошдан кетиб қайғулар юки,
Меҳнат, илҳом келгани чоқда,
Тўла бўлар қалбинг ва миянг,
Қофиялар ҳамкор, ҳамоҳанг,
Бир-бирининг ортидан қувнаб,—
Чопадилар, мавж уриб, қайнаб.
Ҳозиргина уйғонган дилда
Бир ажиб нур порлар йилтиллаб.
Сўзлар жонли марваридсимон
Фикрларга тизилар шу он.
Шоир озод ва жасур бўлиб

Боқар шунда келажак томон.
Қўринади хаёлдек тўлиб
Унга дунё, ферўза осмон.
Лекин ажиб ижод маҳсулин
Уйда ўзи ўқийди ёлғиз.
Ва беомон, уларнинг барин
Куйдиради оловда, сўзсиз.
Наҳотки, шу гўдаклик диди,
Тутуриқсиз, ҳавойи овоз
Санъат деган номга арзийди?
Дунё кулар, унутар, холос...
Баъзан оғир бўлар кечалар:
Уйқу келмас, кўз ёниқ, йиғлар,
Қайғу билан тўлар юрагим.
Қалтироқ ва совуқ билагим
Ёпишади иссиқ ёстиққа:
Бир қўрқувдан сочларим тикка.
Бемаъно ва хаста бир садо
Қўкрагимдан отилиб гоҳо,
Алаҳсираб, топмай номини
Чақираман, билмай ўзимни;
Ёддан чиққан чеҳралар шунда
Аввалгидай кўркем намоён —
Бўлур аста кўзим ўнгида.
Кўзида ишқ, сўзида ёлғон,
Ишонаман яна ногаҳон.
Яна эски яралар зир-зир,
Хурсандликдан, азобдан оғрир.
Виждон сўзин ёзаман шу дам,
Зарда блан тебранар қалам:
Ёзилади яширин хаёл,
Хуфия ўйлар қиссаси дарҳол;
Кўз илғамас, қаттиқ курашлар,
Жаҳолат ва алдоқлар аро,
Қоп-қоронғи шубҳалар, ғашлар
Чангалида майиб, мубтало —

Ҳирсинг тубсиз гумига ботган
Бефойда ва ҳеч қайтмаётган
Ахлоқсизлик ва нурсиз совуқ
Ешлик кунлар келади ёвуқ.
Тасодифий ва бир беҳабар
Судья каби, ғайри сир агар
Қўлга тушса, ҳеч аямасдан,
Йиртиб унинг сохта пардасин
Очган каби нуқсон-ярасин,
Фош этаман, раҳм қилмасдан...
Тўғри, аччиқ шу мисраларни
Таниш эмас китобхон сари
Кўрсатишни топмайман лозим.
Ким ҳақида янграсин созим?

Нима қилай, у ношукурлар
Ғазаб, жаҳлин тортиб ўзимга?
Ҳақорат деб боқсинми улар
Менинг пайғамбарлик сўзимга?
Сирли, оғу сатрлар гўдак —
Уйқусини этсинми бедор?
Бу гирдобда ёш, ожиз юрак
Айрилсинми ҳушидан бекор?
Йўқ! Жиний хаёллар билан
Булғамайман фикримни ҳеч чоқ.
Бундай оғир бадбин йўл билан
Шон-шуҳратга бормайман мутлоқ.

1840

Г У Д А К К А

Дилга ёшлик рўёлари солур изтироб,
Пинҳон севинч, ички титроқ ила ушбу тоб
Сендан кўзим узолмайман, ширин болажон...
О, билсайдинг... Севаманки сени... беомон!
Оҳ, қанчалар жилмайишинг менга ёқади,
Сочинг зардек, кўзларинг-чи питрак боқади,
Овозинг ҳам жарангли-ей!.. Ростми, болажон:
Сен хўп унга ўхшармишсан? Умр — чопағон,
Ҳа, аламлар қаритди ул кўзи шаҳлони,
Аммо ҳануз асраб келар ўшал сиймони
Дилда менинг хаёлларим; у ўтли нигоҳ
Эсда ҳар он. А, сен мени севармисан, оҳ!
Қутилмаган илтифотим ғашга тегмасми?
Кўзчаларинг ўпдим бисёр, озор эмасми?
Қуйдирмасми кўз ёшларим суюк юзингни?
Ҳазир бўлгил, дардларимга бурма сўзингни,
Зинҳор мендан оғиз очма... Нечун? Эҳтимол
Сўйлаганинг келар унинг кўнглига малол...

Аммо инон сўзларимга. Оқшом чоғида,
Сени қучиб, бут олдида гоҳи-гоҳида
Болаларнинг дуосини шивирлаганча
Бармоқларинг хоч бандига босаркан, қанча —
Дилга яқин исмларни айтарди зор-зор,
Барчасини садоқат-ла қилардинг такрор.
Айтмаганми биров номин ўшанда яна?
Дуо қилгин, демаганми?.. У ғойибона —

Бир исмни айтган чиқар ранги оқариб...
Эслама, қўй!.. Ном — қуруқ сўз, ундан-да
ғариб!

Сенга мудом сир қолсин-да бу ном, илоҳо.
Вақт-соати келиб бир кун ногаҳон аммо
Билиб қолсанг, гўдаккина, истайман шуни:
Эслагину лаънатлама, қарғама уни!

1840

БУЛУТЛАР

Кўкдаги булутлар, мангу сайёҳлар!
Садаф силсиладек, мовий осмонда
Чопасиз мен каби қувғин, дарбадар,
Севикли шимолдан жануб томонга.

Қим сизни қувади, тақдир ҳукмими?
Яширин ҳасадми? Очиқ адоват?
Ё, оғир жиноятлар заққумими?
Ёки, дўстлар қилган оғули тухмат?

Йўқ, ҳосилсиз ердан сиз зериккансиз...
Сизга ёт эҳтирос, сизга ёт ҳузун,
Доимо совуқсиз, доим эркинсиз,
Сизда йўқдир ватан, сизга йўқ сургун.

1840

ВАТАН

Менинг ватан ишқим ажиб муҳаббат,
Бу ишқни енголмас идроким, зеҳним;
На қонлар тўкилиб топилган шуҳрат,
На мағрур хотиржам орому тиним,
На узоқ ўтмишдан азиз қиссалар
Менда шод хаёллар туғдира олар.

Севаману аммо — билмайман нечун? —
Жимжит ҳамда мудроқ далаларини,
Мавж уриб турувчи кенг ўрмонларин
Ва шўх дарёларин, бари-барини...

Қишлоқлар йўлида юрмоқлик маза!
Чопсам аравада дейман, тун чоғи:
Ҳасрат-ла қўнимгоҳ излаган лаҳза —
Дуч келса кулбалар хира чироғи.

Севаман ёқилган анғизлар дудин,
Чўлда йўлга чиққан карвонни — тунни,
Севаман адирда етилган экин —
Ичида оқарган қўша қайинни.

Кўплар сезмас, мен-чи: хурсандман —
Хирмонларни бўлиқ кўрганда,

Похолли томларга дилбандман,
Менга ёқар ўйма дарпарда.

Байрам чоғи, шудрингли кеча
Боқсам дейман ярим тунгача —
Ҳуштак билан рақс нағмасига,
Маст деҳқонлар ҳангомасига.

1841

(ГРАФИНЯ РОСТОПЧИНАГА)

Сиз ва мен бир юлдуз тагида
Туғилганмиз, бу — менга аён;
Йўлимиз ҳам бир эди жуда,
Бизни қилди у тушлар сарсон.

Эҳтирослар бўрони, — майли, —
Узди менда олий ниятни,
Унутдим бўш кураш туфайли
Ёшликка хос соф ривоятни.
Сезиб мангу ҳижрон заволин —
Эрк бермайман юракка, ҳайҳот,
Очолмайман бевурд хаёлим,
У бевафо товушларга ёт...

Худди шундай, иккита тўлқин
Иноқ бўлиб юрган чоғида
Денгизларнинг кенг қучоғида —
Жануб ели қувлайди шошқин;
Бирор ерда буларнинг, лекин,
Тош қоялар бузар бирлигин...
Яна улар совуқда қолиб,
Турли соҳил томон йўл олиб,
Билмай севги, билмайин қайғу,
Хумор, ширин ҳасратларини,
Гулгулаю шавкатларини —
Ва лутфларин элтарлар мангу.

1841

Ч У Қ Қ И

Улкан чўққи кўксида бир вақт
Олтин булут қолиб тунади,
Саҳарлаб у тагин жўнади
Зангор осмон бўйлаб шод, хушвақт;

Лекин, кекса чўққининг азм —
Ажинида қолмиш намли из.
Чуқур ўйда туради ёлғиз
Ва йиғлайди ялангликда жим.

1841

Т У Ш

Доғистон водисида иссиқ эди кун,
Кўкрагимда қўрғошин, тек ётар эдим;
Ҳали чуқур жароҳат қийнарди бутун;
Томчи-томчи қонимга мен ботар эдим.

Ёлғиз ётар эдим қумга қўйиб бош;
Мени даҳшатли тоғлар қисарди жуда.
Уларнинг чўққиларин ва мени қуёш
Куйдирарди, мен бўлсам, ўлик уйқуда.

Ҳам тушимга кирарди она юртимда
Чироқ нурига чўмган кечки зиёфат.
Гуллар билан безанган келинлар шунда
Қилар менинг ҳақимда қувноқ бир суҳбат.

Лекин шунда суҳбатга аралашмасдан,
Бир ёш жувон ўйланиб ўтирар эди,
Худо билсин, нечундир бу нозиқ бадан
Сўлғин ғамгин уйқуда мудрар эди:

Ҳам тушига киради гўзал Доғистон;
Водида таниш мурда тек ётар эмиш;
Кўксидаги ярадан оқар эмиш қон,
Оқармиш-да у силқиб муз қотар эмиш.

1841

К У Р И Ш У В

1

Тоғ ортида кечки нур
Товланиб сўнди аста,
Қайнаб, шилдираб оқур
Булоқдаги сув пастда;
Боғлар хушбўй, муаттар
Ҳид билан тўлди бутун,
Тифлисга жимлик чўкар,
Унгирлар аро тутун.
Гуноҳкор банда шу чоқ
Босинқираб туш кўрар,
Гўдаклар билан иноқ
Фаришталар баҳс қурар.

2

Қалъа ортидаги у
Тепалик кўкрагида,
Мен ётибман беуйқу
Яшил чинор тагида,
Остимда гулдор гилам,
Танҳо ўйлайман шунда:
Кўришувни чиндан ҳам
Раво кўрдингми тунда?

Бу сеҳргар ва лекин
Севги учун роҳат дам,
Уйларим чорлар сени,
Ягона дўст, маликам.

3

Пастда кўприк қораси,
Милтиллаган чироқлар,
Бутхона минораси —
Посбон қўнғироқлар;
Грузин аёллари
Мўрчадан чиқиб келар,
Оппоқ занжир сингари,
Оҳиста қадам олар,
Ана, бўмбўш кўчадан
Утишади тийғаниб...
Лекин чодра ичида
Сени бўлмайди таниб!..

4

Тақир том кулбанг томон
Кўзларим термулади;
Эшик зинасин ҳамон
Дарё ювиб туради;
Турар Курадан эсган
Ел қўйнида салқинда
Чор-атрофдан чирмашган
Печаклар яшнар унда;
Тик терак орқасида
Кўраман деразангни...

Танҳо шам шуъласида
Ермаган кулбангни!

5

Кўзим йўлда интизор
Кутмоқдаман орзиқиб.
Билмай, ханжар-ла гулдор
Гиламни қўйдим қирқиб;
Соғинч алами билан
Кутамаман ғамгин, беҳол...
Ана, шарқ ёқдан бирдан
Елпинди муздек шамол.
Туман ичида порлар
Олмос чўққилар боши,
Қалъадан чиқар бойлар,
Қарвонлари — йўлдоши...

6

Йўқол, кўз ёши, йўқол,
Эй, юрагим, қайна, тош!
Макринг менга аён ҳол,
Хиёнаткор, бағри тош!
Кеча тош кўчада мен
Кўрдим татар ўғлонни,
Уни қутуртирган сен,
Елди, аямай жонни.
Бекорга от ўйнатмас
Деразанг тагида у.
Араб тулпорига маст,
Отанг қилади орзу.

Милтиқни оламан-да,
Дарвозадан чиқаман,
Бўмбўш қоя тагида
Тор сўқмоқ бор, биламан.
Черков ортида, қўлга
Милтиқ олиб пойлайман,
Туш пайти чангли йўлга
Қуролни тўғрилайман.
Менга харсангтош пана;
Дук-дук урма, қалб, тинч ёт!
Чув! От дупури... ана...
Ҳа! Сенми бу, ёвуз зот?!

1841

Б А Р Г

Эман барги узилиб тушди ўз бутоғидан,
Чўлда пирпирай кетди бўронда титраб дир-
дир.

Сўлди совуқ дастидан ҳам гурбат қийноғидан;
Қора денгизга етди сарсон пирпираб ахир.

Қора денгиз бўйида турар навниҳол чинор,
Кўк шохларин эркалаб пичирлар ел ҳар
маҳал;

Кўк шохларда тебранар жаннат қушлари
қатор,
Денгиз маликасини мақтаб куйлашар ғазал.

Бош қўйди юксак чинор илдизига беватан,
Елбориб сўрар мунглуқ бошпана озгина вақт,
Ҳам шундай дер чинорга: «Шўрлик эман
баргиман,
Етилганман эртароқ шафқатсиз юртда,
бебахт.

Уксиз ҳамда мақсадсиз дунё кездим кўп
чоғлар,
Сарғайиб, сўлдим ахир, беуйқу ва беором.
Қабул эт, ўз қўйнига олсин зумрад япроқлар,
Ажиб қиссаларим бор, айтган-ла бўлмас
тамом».

— Бошимга ураманми?— дейди навниҳол
чинор,
Сен — ювуқсиз ва сўлғин, менинг баргим
беғубор,
Кўпни кўргансан, аммо эртакларинг на
даркор?
Жаннат қушлари сайрар, кўпдан қулоқ ҳам
безор,

Йўлдан қолма, йўловчи, сени билмайман асло,
Мени севади қуёш, яшнайман у-ла тенгсиз;
Шохларимга кенг қучоқ очиб берган кенг
фазо,
Илдизларимни эса ювади салқин денгиз.

1841

* * *

1

Оташин севганим, у — сен эмассан,
Менга ёт ҳуснингда товланган ҳашам:
Мен сенда севганим — ўз ўтмиш ғуссам
Ва жувонмарг бўлган ёшлигим, билсанг.

2

Мен сенинг чеҳрангга термулган нафас,
Тушганда кўзингга менинг кўзларим:
Сирли бир суҳбатга банду сўзларим,
Аммо дил сен билан суҳбатдош эмас.

3

Мен ёшлик ёрим-ла суҳбат қураман;
Юзингда излайман ўзга бир жамол.
Лабингда бир лабки, кўпдан бери лол,
Кўзингда сўнган кўз ўтин кўраман.

1841

* * *

1

Мен йўлга чиқаман. Туманлар аро —
Ялтираб кўринар чағир тошли йўл,
Тун сокин. Тангрига сомедир саҳро,
Юлдузлар ўзаро суҳбатда машғул.

2

Самода ажиб бир шодлик, тантана!
Кўк нурга бурканиб ухлайди замин...
Нега менинг дардим бунчалик вазмин?
Нимани кутаман? Афсус нимада?

3

Энди мен ҳаётдан ҳеч не кутмайман,
Ўтмишнинг хаёли заррача эмас;
Истагим орому, ҳурликни дейман!
Фароғат уйқуси бўлса менга бас!

4

Кутганим қабрнинг уйқуси эмас...
Руҳимга азалий бир тинчлик энса,

157

Қалбимда ҳаётнинг кучи тебранса,
Кўксим ола билса оҳиста нафас.

5

Кечаю кундузи менга бир маҳбуб
Ширин ишқ қўшиғин айтса тинмайин,
Тепамда ҳамиша ямяшил бир дуб
Шовуллаб чайқалса, эгилса майин.

1841

ПАЙҒАМБАР

Этганидан бери у парвардигор
Менга пайғамбарлик хислатин ато,
Одамлар кўзидан ўқийман зинҳор
Ёмон ниятлару ёвузлик, хато.

Севги, ҳақиқатнинг тариқатини
Уларга айладим даъват ва баён;
Дўсту биродарлар шу пайтда мени
Маломат санги-ла этди тошбўрон.

Воз кечдим дунёдан, бўлдим афтода,
Қочдим шаҳарлардан мен ғариб — гадо;
Энди макон этдим дашту саҳрода
Қушлардек, емишим — не берса худо.

Бунда ҳам худонинг амрини сақлаб,
Барча жониворлар менга бўйсунар;
Сўзимни тинглайди ёниб, чарақлаб,
Осмонни тўлдирган сонсиз юлдузлар.

Қачонки шовқинли шаҳар ичидан
Ўтиб борар бўлсам шошиб, чопиб тез,
Қарилар такаббур табассум билан,
Гўдакларга секин шундай бошлар сўз:

«Қаранг, мана сизга, болалар, ўрнак!
Кибор эди, биз-ла чиқишмай ўзи,
Ишонтирмоқ бўлди бизни у тентак,
Унинг сўзлари-миш худонинг сўзи!

Ана, кўриб қўйинг, болалар, уни:
У қандай зиқнадир, туссиз, озғин-қоқ!
Қарангиз, у қандай яланғоч, қашшоқ,
Ҳамма жирканади, таҳқирлар уни».

1841



Достонлар



ШОҲ ИВАН ВАСИЛЬЕВИЧ, НАВЖУВОН ЯСОВУЛ ВА АЗАМАТ САВДОГАР КАЛАШНИКОВ ҲАҚИДА ҚИССА

Иван Васильевич, омон бўлгур шоҳ!
Қиссамиз тўқилди сенинг тўғрингда,
Севган ясовулинг борасида ҳам —
Мард савдогар Қалашников ҳақида.
Биз уни эскича тўқиган эдик,
Биз уни созга жўр ўқиган эдик,
Унга қўшиб-чатиб, тўлдирган эдик.
Православ халқи юпанди куйлаб,
Ҳам боярин Матвей Ромодановский
Бизга коса тутди — кўпирган бўза,
Шунда оппоқ юзли унинг бекаси
Олиб келди бизга кумуш товоқда
Қашта тиккан, янги шойи дастрўмол.
Уч кеча, уч кундуз бериб зиёфат,
Қайта-қайта тўймай, тинглар эдилар.

1

Кўкда ярқиллаган зар қуёш эмас,
Зангор булут эмас, томоша қилган:
Дастурхон олдида кийиб заррин тож —
Ўтирар дов Иван Васильевич шоҳ.
Орқасида турар баковуллари,
Боярлар, князлар рўбарўсида,
Икки томонида ясовуллари;

Шоҳ зиёфат берар, базми шоҳона,
Кайфу сафо қурар, беҳад шодумон.

Жилмайиб шунда шоҳ беради фармон,
Овлоқ ўлкалардан олинган шароб,
Ширин шароблардан зар чўмичларда,
Бу олтин косага тўлдириб лим-лим
Тутқизилсин деди ясовулларга.
— Ва шоҳни мақташиб кўтарди барча.

Фақат бир ясовул улар ичидан —
Азамат ва абжир, танти бўз йигит
Мўйлов ҳўлламади олтин косадан.
Ерга қадалганди қора кўзлари,
Бошгинаси тушган кенг кўкрагига —
— Кўкрагида эса, буюк ғусса бор.

Қора қошни чимириб, шоҳ қовоқ солди,
Йигитга тикилди зийрак кўзлари,
Баланд кўк юзида, гўёки қирғий
Бўз каптарни чоғлаб ташларди назар.
Лекин бош кўтармас эди ёш ботир.

Мана, ҳассасини ерга урди шоҳ,
Темир учлик ҳасса қарағай полни
Тешиб ва ўпириб нарига ўтди,
Бироқ сесканмади йигит шунда ҳам,
Сўнгра даҳшат билан гапирди подшоҳ,
Бу гал эсин йиғди содда навқирон.

«Ҳей, сен навкаримиз Қирибеевич,
На бўлди, ёмонроқ ниятинг борми?
Е, шуҳратимизга ҳасадинг борми?
Ёки ҳалол хизмат зериктирдими?
Юлдузлар қувонар ой қалққан чоғда,
Чунки кўкда улар сайр этар нурда:
Булутга беркинган юлдуз оқибат

Ерга отилгуси чирпирак бўлиб...
Сенга ярашмайди, Кирибеевич,
Жирканмоқлик шоҳнинг зиёфатидан: —
Сенинг зотинг ахир Скуратовдан*.
Малютина сени эмизган она!..»

Жавоб берар шунда Кирибеевич,
Таъзим бажо айлаб даҳшатли шоҳга:

«Иван Васильевич, подшоҳимиз,
Нолойиқ қулингман, айбга буюрма,
Шароб ўчиролмас юрак ўтини,
Шароб ўчиролмас зўр бир дардим бор.
Ғазабинг қўзғатдим — ҳукминг ҳам раво,
Жазога буюргил, кесилсин — бошим;
Баҳодир кифтига бош ҳам юк бўлди,
Ўзи ҳам зах ерга майл сезмоқда».

Иван Васильевич сўроққа тутар;
«Нима важ, бўз йигит, қайғуга солди?
Ё зардўзи тўнинг тўзиб қолдими?
Ёки сўкилдими савсар телпагинг?
Ё пулингни харжлаб тамом қилдингми?
Ё қайтиб қолдими қиличинг дами?
Ё отинг оқсаган уриб тақаси?
Ё савдогар ўғли оёқ чалдими —
Москва-рекада, мушт жанглариди?»

Жавоб берар шунда Кирибеевич,
Жингалак сочларин силкитиб туриб:

«Ўшандоқ зўр юдруқ туғилгани йўқ —
На савдогар ва на бояр зотидан;

* Скуратов — Иван Грознийнинг энг яхши кўрган ясовули.

Асов арғумоғим остимда ўйнар,
Шишадай ярқирар қиличим дами;
Байрамда, сояйи давлатингда соз
Ясаниб чиқамиз, бўлмайин камчил.

Москва-реканинг бўйларига мен
Отланиб сайилга чиқмоқчи бўлсам,
Белимга боғлайман шойи белбоғни,
Қора савсар барқут телпакни букиб,
Чаккамга қўндириб қўяман қия,—
Нозанин жувонлар, чиройли қизлар
Нақшин дарвозалар олдида турар,
Суқланиб қарашар ва пичирлашар;
Лекин ёлғиз бир қиз боқмас, суқланмас,
Йўл-йўл пардасини тутиб юзига...

Эзгу Россияда, она-ватанда,
Изласа, топилмас ундай гўзал қиз:
Оққушдай хиромон юришлари бор,
Каптар кўзларидай кўзлари хумор.
Сўзлаганда гўё сайрайди булбул,
Ёноқлари эса қип-қизил бир гул,
Ёки кўк юзида қирмизи шафақ.
Қўнғир сочларида тилла жилваси,
Ярқирар тақилган сочпопуклари,
Сочлари мавж урар елкаларида,
Оппоқ сийнасини ўпиб туради.
Номи ҳам Алена Дмитриевна,
Туғилмиш савдогар хонадониди.

Уни кўрганимда, ҳушдан кетаман,
Кучли қўлларимда мадор қолмайди.
Зийрак кўзларимга ҳасрат чўкади;
Православ шоҳи, ёруғ жаҳонда
Якка юриш — қайғу, машаққат бўлди.
Ихлосим қайтипти арғумоқлардан,

Ихлосим қайтипти кимхоб тўнлардан,
Менга даркор эмас олтин-хазина,
Қим билан бу мулкни кўраман баҳам?
Қимга кўрсатардим тантилигимни?
Қимга мақтанардим кийиб кимхоблар?

Рухсат бер, кетайин Волга бўйига,
Қазак, ҳаётимга қайтайин, эркин.
У ёқда узилар бу қайсар бошим,
Мусулмон найзаси санчилар, балки;
Ва тақсим қилишар ёвуз татарлар:
Вафодор отимни, ўткир тигимни,
Черкадан ғанимат — пойга эгарни.
Ёшли кўзларимни қузғун чўқиғай,
Устухонларимни ёмғирлар ювгай,
Қўмилмаган шўрлик мурдам ҳар ёнда —
Чочилиб, беқабр ётгай саҳрода!..

Иван Васильевич кулиб, сўз айтар:
«Эй, содиқ навкарим! Бу кулфатингда
Сенга кўмак учун мен тиришайин.
Мана, ёқут кўзлик узугимни ол,
Инжу ва дурларнинг шодасини ол.
Зийрак бир совчи топ, салом бер аввал,
Кейин, қимматбаҳо совғалар юбор —
Маъшуқанг Алёна Дмитриевнага.
Қўнгил қўйса агар, тўй қил, ўйнаб-кул,
Қўнглини бермаса, ғазабланма ҳеч».

Иван Васильевич, бор бўлгур подшо!
Сени алдади бу ҳийлагар қулинг,
Ҳақиқатни очиқ-ойдин айтмади,
Сенга айтмадики, у соҳибжамол —
Никоҳ қилингандир черковимизда,
Христиан дини кўрсатган тарзда
Никоҳ қилиб олган савдогар йигит.



Жўралар, куйлангиз, гусли соз бўлсин!
Жўралар, ичингиз, ўринласин иш!
Шавкатли боярни юпатинг, қани,
Гўзал бекасини юшатинг, қани!

II

Дўконда ўтирар савдогарзода,
Хушсумбат Степан Парамонович,
Яъни Калашников лақаб навжувон;
Ипак молларини тахлаб қўяди,
Ширин сўзлар айтиб харидор тўплар,
Жарақ-жарақ кумуш, олтинлар санар,
Аммо ёмон кунлар тушди бошига:
Давлатманд тўралар ўтар ёнидан,
Унинг дўконига қайрилиб кирмас.

Шом чоғи жомини чалди черков ҳам,
Кремль ортидан шафақ туманда
Кўкка кўтарилар шошқин булутлар,
Уларни қувади чиқироқ довул;
Кенг раста, дўконлар бўшаб қолганди.
Беркитар Степан Парамонович —
Қарагай эшикли ўз дўконини,
Очиб бўлмас немис қулфини солар;
Қопағон, тишлоғич кўппагин эса,
Темир занжир билан боғлар бўйнидан.
Москва-рекадан ўтиб, уйига —
Ёш келин томонга жўнар хаёлчан.

Етиб ҳам келди у баланд уйига,
Қўп ҳайрон Степан Парамонович;
Ёш хотини кутиб олмади бугун,
Оқ дастурхон ёзиб, қўймабди таом,
Липиллаб ёнади хоч олдида шам.
У кекса чўрини чорлар ёнига:

«Қани, айтиб бер-чи, Еремеевна,
Қаёқларда қолиб, дараксиз юрар
Кеч — бевақт Алёна Дмитриевна?
Қалай, гўдақларим, меҳрибонларим
Чопишиб, ўйнашаб чарчадиларми,
Ухлаб қолдиларми бугун эртароқ?»

«Хўжамсан, Степан Парамонович.
Сенга айтсам, ажаб бир гап, кечқурун
Ибодатга кетди Алёна келин;
Ёш хотини билан поп қайтиб уйга,
Кечки таом учун ёқдилар чироқ,
Ўша кетганича черковдан, лекин
Қайтиб келгани йўқ бойвуччанг, қайдам,
Сенинг гўдақларинг, кичкиналаринг,
Ҳали ухлашган йўқ, ўйнашган ҳам йўқ,
Йиғлашар, сиқташар, тийиб бўлмайдим». Шунда ёш савдогар Қалашниковни
Ташвиш босиб, оғир хаёлга ботди;
Деразага келиб, кўчага боқар.
Кўчани қоплаган кеча зулмати;
Кўчада бўралаб ёғиб ётар қор,
Кўмилиб кетмоқда оёқ излари.
Мана, эшик очди биров даҳлизда,
Кейин, эшитилди шошқин одимлар,
Қайрилиб қаради — худоё сақла!
Унинг кўз олдида турар хотини,
Ранги бўз оқарган, сочлари тўзиқ,
Тўзиб кетган қўнғир соч ўримлари,
Уларга ёпишган қиров билан қор;
Ақлидан озгандай, кўзлари хира,
Нимадир пичирлар эди лаблари.

«Қаёқларда қолдинг, э, хотин, хотин?
Кимнинг ҳовлисида, қайси майдонда?
Нега тўзди, сўйла, сенинг сочларинг?»

Нега усти бошинг йиртилиб қолди?
Уйнаб келгандирсан кўнглингни ёзиб,
Тўразодаларнинг зиёфатида!..
Нечун ахир эзгу бутлар олдида —
Ваъдалар беришган эдик икковлон,
Нечун олмошгандик олтин узуклар?..
Сени чиқармайин, қамаб қўяйин,
Устингдан бир темир қулф солайин,
Кўрмайин ўтгайсан ёруғ жаҳонни,
Булгаб юрмагайсан тоза номимни...»

Бу гапни эшитгач, Алёна келин
Қалтирай бошлади, менинг шўрлигим.
Дир-дир титради у терак баргидай,
Аччиқ-аччиқ йиғлаб, тўкди кўз ёшин,
Эри оёғига ташлади ўзин.

«Сен менинг тўрамсан, нурли қуёшим,
Ё мени ўлдиргин, ё арзим эшит!
Гапирган гапларинг ўткирдир тигдай,
Улар парчалади юраккинамни.
Ўлим азобидан асло қўрқмайман,
Одамлар иғвосин писанд қилмайман,
Сенинг ғазабингдан қўрқаман ёлғиз.

Шомги ибодатдан қайтардим уйга,
Қелаётган эдим кўчада ёлғиз,
Қулоғимга келди қор ғичирлаши,
Қарасам, кетимдан югурар биров.
Оёғим чалишиб ела бошладим,
Ипак рўмолимни юзга ташладим.
У маҳкам ушлади билакларимдан,
Астагина менга бундай деди у:
— Гўзаллар гўзали, нега қўрқасан?
Мен қароқчи ёки одамхўрмасман,
Мен шоҳ навкариман, дов шоҳ навкари,

Отимни сўрасанг Қирибеевич,
Шонли Малютина уруғиданман...

Аввалгидан бадтар қўрқиб кетдим мен,
Гир айланиб кетди шўрлик бошгинам...
У бўлса, эркалаб, ўпа бошлади.
Мени ўпарди-ю, сўзларди нуқул:
— Жавоб бергил, қани, сенга на даркор,
Севгилим, жонгинам, бебаҳо дилбар!
Олтин хоҳлайсанми, ё дур, ё гавҳар?
Ёки асл тошлар, ё гулдор кимхоб?
Ясантирай сени маликалардай,
Қўрганларнинг сенга келсин ҳаваси,
Ҳасратингда ўлмай гуноҳга ботиб,
Ёрим бўл, сев мени, қучоқла мени,
Қўнгил учун қучгил ҳеч бўлмаганда...

У мени қучоқлаб, бўсалар олди,
Ут ёнар ҳали ҳам ёноқларимда;
Нақ олов сингари куйдираар эди
Унинг ўпишлари, қуриб кеткур-ей...
Кўрди тирқишлардан қўшни жувонлар,
Қулишди кўрсатиб бири-бирига...
Мен унинг қўлидан зўрға қутулдим,
Уйга қараб чопдим жоним борича,
Қароқчи қўлида қолди, нетайин,
Ўзинг совға қилган гуллик рўмолим
Ва юзимга тутган бухори тўрим,
Номусим бор эди, бегуноҳ эдим,
Шармисор этди у, қўйди уятга!
Нималарни демас ёвуз қўшнилар?
Қандай кўринаман киши кўзига?

Ташламагин мени — вафодорингни,
Ёвуз безорилар таҳқир этмасин!
Суянгудай сендан бўлак кимим бор?

Сендан бўлак кимдан кўмак сўрайман?
Бу ёруғ жаҳонда мен бир ўксизман,
Отам-ку ётибди зах ер бағрида,
Онамнинг қабри ҳам унинг ёнида;
Оғайгинам бўлса, ўзинг биласан,
Ёт элларда ғойиб бўлди дараксиз,
Қичик укам бўлса, ҳали жуда ёш;
Ҳали жуда ҳам ёш, эси кирмаган...»
Шундай дер Алёна Дмитриевна,
Аччиқ кўз ёшлари оқарди тинмай.

Укаларига тез одам жўнатди
Шу замон Степан Парамонович;
Иккала укаси келишди уйга;
Қуллуқ қилишди-да, бошлашди шундоқ:
«Хўш, ака, нима гап, қилгил хабардор,
Сенга нима бўлди, нима можаро?
Нега чақиртирдинг қоронғи тунда,
Қоронғи, қаҳратон, қоп-қора тунда?»

«Сизга айтиб берай, укажонларим,
Мушкул кулфат тушди менинг бошимга:
Ҳалол уйимизни қилди-ку бадном —
Лаънати ясовул Кирибеевич.
Бундай ҳақоратга чидаб бўлурми,
Ҳеч тоқат қилолмас йигит юраги;
Москва-рекада, шоҳ ҳузурида
Эртага бўлади катта мушт жанги,
Ясовулга чиқай яккама-якка,
Ўлгунча, кучимнинг борича урай.
Мени абжақ қилса, сиз чиқинг, хўпми?
Чиқинг эзгу, ҳалол ҳақиқат учун.
Қўрқманг, укаларим, меҳрибонларим!
Сиз мендан ёшроқсиз, қувватингиз бор,
Ҳали оз сизларнинг гуноҳларингиз,
Парвардигор ўзи сизни ярлақар!»

Унга укалари қайтарди жавоб:
«Шамол қайга юрса осмон юзида,
Уша ёққа чопар ювош булутлар;
Катта жанг майдони — қонли водийга,
Базмга, ўликлар саранжомига —
Бўз бургут овози чақирса агар,
Навқирон бургутлар учишиб келар.
Сен бизга оғасан, иккинчи ота,
Кўнглингга на келса, шуни қилавер,
Ёвга калтаклатиб қўймасмиз, жигар!»

*

Жўралар, куйлангиз, гусли соз бўлсин!
Жўралар, ичингиз, ўринласин иш!
Шафқатли боярни юпатинг, қани,
Гўзал бекасини юмшатинг, қани!

III

Олтин бошли, улуғ Москва устида,
Оқ тошли Кремль деворларида —
Узоқ ўрмонлардан, зангор тоғлардан,
Тахта уйлар, томлар бошида ўйнаб
Ҳам сур булутларни ҳар томон ҳайдаб,
Қизғиш тонг шуъласи кўринди балқиб;
Олтин сочларини таратиб солди
Ва ювинди оппоқ, сочма қорларда;
Сулув қиз кўзгуга боққан сингари,
Беғубор осмонга боқар, жилмаяр.
Нега, қирмизи тонг, уйғона қолдинг?
Қандай шодлик учун шошила қолдинг?

Азамат Москва баҳодирлари,
Мана, тайёрланар, тўпланиб бари
Москва-рекага, мушт жангларига.
Байрам сайилига, кўнгил очишга.

Подшоҳ ҳам келди ўз тўпи билан,
Ёнида боярлар, ясовуллари:
Ҳалқасига тоза олтин қўйилган
Кумуш занжир тортинг, деб берди фармон.
Йигирма беш қулоч занжир тортилди —
Яккама-якка жанг талабгорига.
Иван Васильевич буюрган эди,
Баланд овоз билан чақирилди жар:
«Ҳой, қани, бормисиз, танти ўғлонлар?
Қани, шоҳимизнинг кўнглин очингиз,
Қани, кенг даврага чиқа қолинг тез,
Зўр чиққан кишига шоҳ инъом берар,
Қимки юдруқ еса, тангри кечирар!»

Даврага тушди мард Қирибеевич,
Шоҳга таъзим қилди икки букилиб,
Қимхоб тўнни ташлаб зўр елкалардан,
Унг қўлини роса тираб белига,
Чап қўли-ла ростлаб қизил бўркини,
Шу тарзда талабгор кутди майдонда...
Уч қатла янгради баланд овоз жар,
Жўйдан кўзгалмас биронта полвон,
Бир-бирин итарар, туртишар холос.
Ясовул кезади майдон ичида,
Қўрқоқ полвонларни қилади мазах:
«Дамингиз чиқмайди, қўрқаяпсиз-да!
Шу улуғ айёмда ваъда бераман,
Тавба қилган киши тирик қолади,
Шоҳимиз кўнглини очаман, холос».

Бирдан икки ёққа ажралди йиғин,
Шу маҳал Степан Парамонович,
Савдогар боласи, азамат ботир —
Қалашников чиқиб келди майдонга.
Аввал таъзим қилди даҳшатли шоҳга,
Кремлга, эзгу черковларга-ю,

Бутун рус халқига берди у салом...
Лочин кўзларидек кўзлари ёнар,
Қарашин узмайди ясовулдан ҳеч!
Ёвга у юзма-юз тўхтади келиб,
Ва жанг қўлқопларин кийди шайланиб,
Кенг кифтини ростлаб, ўзини чоғлаб,
Қўнғир соқолини сийпаб турарди;

Шу маҳал сўз қотди Қирибеевич:
«Қани, баён қил-чи, ҳай, танти йигит,
Наслу насабингни билдиргин менга!
Хўш, номинг нима-ю, лақабинг нима?
Кимнинг жанозаси ўқилар, билай,
Мақтанмоқ учун ҳам билмоғим лозим».
Жавоб дер Степан Парамонович:
«Степан Калашников дейдилар мени,
Туғилдим номусли ота пуштидан,
Кун кўрдим мен чиқмай тангрим амридан:
Ўзганинг хотинин бадном этмадим,
Тўсмадим қоронғи кечаларда йўл,
Бекиниб юрмадим кун ёруғидан...
Сен тўғри гапирдинг: ёинки сенга,
Ё менга ўқирлар сўзсиз жаноза;
Эрта туш пайтида ё сен, ёки мен —
Азамат дўстларнинг базмига кириб,
Мақтаниб сўзлашга олар бугун ҳақ;
Бир ҳазил, ё кўнгил очиш учунмас,
Юзма-юз келдим мен сенга, беимон,
Даҳшатли ва сўнгги оғир жанг учун!»

Бу сўзни эшитгач Қирибеевич,
Юзи куз қоридай оқариб кетди;
Уйноқи кўзларга чўкди бир туман,
Муз югурди унинг зўр елкасига,
Оғзи очилганча қотди сўзлари...
Икковлон ажралди бир нафас жимжит,
Баҳодирлар жанги бошланди шунда.

Аввал қўл кўтарди Кирибеевич,
 Савдогар ўғлига рўбарў келиб,
 Урди у астойдил қоқ кўкрагига,
 Ботирнинг кўкраги қирсиллаб кетди,
 Тебранди Степан Парамонович,
 Мис хоч осиф эди кенг кўкрагида,
 Муқаддас Киевдан келтирилган хоч
 Зарбадан букилиб кўксига ботди.
 Шудринг томчисидай томчиларди қон,
 Уйларди Степан Парамонович:
 «Тақдир нима бўлса, шуни кўраман,
 Улгунча жанг қилай ҳақиқат учун!»
 Дарров ўнгланди-ю, рўбарў юрди,
 Муштига тўплади бутун кучини,
 Кўзлаб чап елка-ю бўйни аралаш
 Роса келиштириб урди ёвини.
 Навқирон ясовул инграб қўйди сал,
 Совуқ қор устига гангиб-довдираб,
 Чўзила тушди-ю, дарров берди жон.
 Совуқ қор устига гўё қарағай,—
 Гўёки қарағай намтоб тўқайда
 Сермум томиридан қирқилиб тушди.
 Иван Васильевич шоҳ буни кўргач,
 Ғазаби ўт олди ва ер тепинди,
 Қоп-қора қошларин чимириб олди,
 Жасур савдогарни тутиб, олдига,
 Жадал келтиришга берди у фармон.
 Православ шоҳи сўзин бошлади:
 «Тўғриси айтгил, ҳақ сўзла менга,
 Менинг содиқ навкар — яхши ботирим —
 Кирибеевични ўлдирдинг нега,
 Ўз эркинг биланми, ёки ноилож?»
 «Православ шоҳи, айтайин сенга:
 Мен ўлдирдим уни ўз эрким билан,
 Важи, сабабини сенга айтмайман,
 Ёлғиз худойимга айтгайман фақат.

Майли, жазолагин, урилсин, майли,
Кундада гуноҳкор бошимга болта;
Фақат сен, бегуноҳ гўдакларимни,
Ҳам тул хотинимни, икки инимни —
Четда қолдирмагил марҳаматингдан...»
«Сўзинг маъқул бўлди, азамат йигит,
Ҳей, эпчил баҳодир, савдогар ўғли,
Менга жавоб қилдинг, номусли, тўғри.
Ёш хотинингни ва гўдакларингни
Жазодан, ўлимдан озод қиламан,
Иккала инингга бугундан бошлаб
Бутун кенг Россия мамлакатимда
Тўловсиз савдога бераман ёрлик.
Ўзинг эса ҳозир, азамат йигит,
Жазо минбарига томон олгил йўл,
Галвали бошингни кундага қўйгил.
Буюрай, ойболта тиғи қайралсин,
Ва келсин ясаниб-тусаниб жаллод,
Катта қўнғироқни жаранглатсинлар,
Москвада фуқаро тамом билсинки,
Бебаҳра қолмадинг марҳаматимдан...»
Халойиқ тўпланар катта майдонга;
Ёйиб ҳар томонга совуқ хабарни,
Мунгли-мунгли садо берар қўнғироқ.
Жазо минбарининг устида шу пайт —
Ярқироқ тугмали алвон кўйлақда,
Қайралган каттакон ойболта тутган,
Яланғоч қўлини артиб, дам-бадам,
Жаллод қувнаб кезар у ёндан-бу ён,
Азамат ботирни кутмоқда жаллод.
У абжир паҳлавон, савдогар ўғлон
Инилари билан хайрлашади:

«Қани, қардошларим, укажонларим,
Энг сўнгги айрилиқ йўли устида,
Келинг, ўпишайлик — қучоқлашайлик.
Салом, денг Алёна Дмитриевнага,

Айтинг, қайғурмасин, кўп йиғламасин,
Гўдаклар билмасин менинг нақлимни;
Салом айтинг ўсиб-унган уйимга,
Бутун ёру дўстга айтинг кўп салом!
Менинг учун боринг черковга ҳам сиз,
Гуноҳкор руҳимга ўқинг фотиҳа!»

Шундай қилиб, Степан Калашниковни
Қатл айладилар шармандаларча.
Қонларга бўялиб бахтсизнинг боши,
Жазо минбарида юмалаб кетди.
Москва дарёсин нари ёнида,
Кенг далада унга қазишди қабр,
Тула билан Рязань ҳам Владимир —
Уч йўл ўртасига кўмдилар танин,
Устига тортдилар уйиб нам тупроқ,
Гўрига санчдилар ёғочдан бир хоч;
Гувиллашиб кезар бетинч шамоллар
Ёзувсиз, номаълум қабр устида.
Шу ердан ўтади яхши одамлар;
Кексалар фотиҳа ўқиб кетади,
Йигитлар ўтганда қаддини ростлар,
Қизлар ўтганида уҳ тортар бир оз,
Гусарлар ўтганда — айтишар қўшиқ.

Ҳей, танти жўралар, танти жўралар,
Ўспирин куйчилар,
Гуслар ўғлонлар!
Яхши бошловдингиз, яхши тугатинг,
Ҳар кимга ҳақиқат ва чин сўз айтинг!
Сахий боярга балли!
Гўзал бекага балли!
Ва бутун христиан халқига балли!

1837

ҚОЧҚИН

(Тоғликлар афсонаси)

Қийикдан тез югурар Гарун,
Бургут қувган қуёндай шошар;
Черкас қони оққан жанг майдонин
Ташлаб, даҳшат ичида қочар;
Отаси ҳам икки қондоши
Эрк ва шараф деб ўлиб кетди;
Ев оёғи остида боши

Чанг-тупроққа кўмилиб кетди.
Оқар, қасос тилар уларнинг қони,
Жанг ўтидан қочади Гарун;
Ташлади у қилич винтовкани,
Унутди у бурчин ва орин.
Қуёш ботди; туман тўлғанар,
Оқ либосга бурканди қирлар;
Шарқдан салқин шамол ғир-ғирлар,
Пайғамбар саҳроси тепасида ой
Жимирлайди қалқиб олтиндай!

Гарун ҳорғин, сувсаб энтикар,
Юздан артар қон ва терини.
Тоғ аро ой нури: кўз тикар
Таниб ўсган қардош ерини;
Пусиб кирар, кўзга кўринмас,
Атроф сокит, чиқмас бирор ун...
Қонли жангдан уйга бешикаст

Ёлғиз ўзи қайтганди Гарун.
Гарун ошно кулбага шошди,
Уйда одам, пирпирайди шам;
Қалбга далда бериб, ўзини босди,
Остонага ташлади қадам;
У, Салимни бир вақт дўст дерди,
Танимади ошнаси лекин;
У тўшакда, оғирдир дарди,
У ёлғиз жон бермоқда секин...
«Тангри улуғ! У нур қанотли
Фариштага бергандир амрин:
Сени ёвуз ажал захридан
Шухрат учун сақлагай тангрим!»
Салим заиф кўзларин очиб,
— Не янгилик бор?— дея сўрди.
Қарашида умид нур сочиб
Ярқиради... ўрнидан турди,
Жангчи қони, жон берар чоғда
Бир дам ўйнаб, сўнгги мавж урди.
«Икки кеча жанг қилдик тоғда,
Оғаларим ва отам ўлди;
Овчи қувган жонвордай қочдим,
Сахро менга паногоҳ бўлди,
Тоғу тошлар, чангаллар ошдим,
Оёқларим бўялди қонга;
Мен нотаниш йўлларни босдим,
Бўри изи йўл бўлди манга.
Черкас ўлар, душман ҳамма ёқ,
Қадрдон дўст, қабул эт мени;
Раҳм эт, ана пайғамбар гувоҳ,
Қабримгача унутмам сени!..»
Ўлаётиб жавоб айтди Салим:
«Сен таҳқирга лойиқ, қайт яна,
Менда қўрқоқ учун на раҳм,
На шафқат бор ва на бошпана!..»
Таънасига чидаб, бериб тан,

Яширин азоб билан дил тўлиб,
Қайтди, яхши қарши олмаган —
Остонадан, кўп мулзам бўлиб.
Яна ўтиб бир эшик, туси —
Ўзгарди-ю тек туриб қолди,
Ўтмиш кунлар ҳавойи туши
Кўз олдида намоён бўлди
Ва муз каби пешонасидан
Бўса олгансимон туюлди.
Бирдан дили ёришди, майин,
Қора тунга тикилган сайин,
Гўё ёрқин ҳамда ёқимли,
Ўтди кўзлар кўрингандайин;
«Бу қиз фақат мен билан ҳаёт,
Мени севар...» деб этди хаёл,
Қирмак бўлди — бир куй эшитди.
Эшитди-ю қотиб қолди лол,
Гарун оппоқ оқариб кетди:

«Ой оҳиста сайр этиб,
Юзиб ўтади,
Навқирон ботир йигит
Жангга кетади.
Йигит милтиқ ўқлайди,
Қизи сўйлайди:
Тақдирингга тан бергин
Ва ибодат қил.
Пайғамбарга дил боғла,
Шаънингни оқла.
Ҳар ким ўз дўст-ёрига
Хиёнат этса,
Зарб бермай ағёрига,
Шарафсиз кетса,
Яраланган танини
Ёмғир ювмайди,
Ҳайвонлар суягини

Кўмиб қўймайди...
Ой оҳиста сайр этиб,
Сузиб ўтади.
Навқирон ботир йигит
Жангга кетади».

Бошин эгиб, ўз йўли сари
Гарун жадал ташлади қадам.
Кипригидан ёш томчилари
Кўкрагига томди дам-бадам....
Қаршисида довул қийшайган,
Азиз уйи оқариб турар.
Умид билан руҳланиб Гарун
Дарча чертиб ижозат сўрар.
У туфайли ҳужрада, албат,
Юксаларди осмонга дуо.
Жангдан кутар онаси ўғлин,
Лекин танҳо ўзинмас фақат...

«Оч, онажон! Мен мискин дарвиш,
Кенжа ўғлинг Гарунман, танҳо,
Рус ўқлари аро бешикаст
Қайтиб келдим». «Елғизмисан?». «Ҳа».
«Оғаларинг, отанг қаерда?»
«Фаришталар олдилар жонин,
Худо раҳмат қилар қабрда,
Пайғамбарлар берди ажалин».

«Уч олдингми?» «Йўқ, ололмадим...
Тоққа ўқдай учдиму, она,
Ёт ўлкада қолди шамширим,
Кўзларингни қувнатиб яна
Оби дийданг артайин дедим...»
«Бас, гапирма! Эй маккор кофир,
Шон-ла ҳалок бўла билмабсан.
Чекил кўздан, яшай бер якка,
Эрк қочқини, рози эмасман
Кекса умрим иснод этмакка!

Сен қўрқоқсан, сен қул, ташландиқ,
Менга ўғил эмассан ортиқ...»
Тинди машъум қарғиш сўзлари,
Уйқу секин масканин қурди.
Қарғиш, инграш, ёлвориш бари
Деразадан эшитилиб турди.
Бир зарб билан ниҳоят, ханжар,
У бахтсизнинг кесди хўрлигин...
Она совуқ ташлади назар
Кўргач тонгда ўғли ўлигин.
Одамлар ҳам қувғин жасадин
На қабристон сари элтдилар,
Оғир жароҳатдан оққан қонин
Дайди итлар ялаб кетдилар;
Ёш болалар совуқ мурдани
Сўкиб-сўкиб хўб шовқин солди,
Шармисорлик, қочқин ўлими
Эрк эртаги, куйида қолди.
Руҳи пайғамбар нигоҳидан
 Қўрқув билан учди узоққа,
Кўланкаси шарқ трғларида
Кечалари ҳамон кезмоқда.
 Тонготарда дарча тагида
Уй ичига ижозат сўрар
Ва эшитиб қуръон сўзларин
Яна туман ичра югурар.
Чопар, худди ўзи илгари —
Жангдан қўрқиб қочган сингари.

1838

МЦИРИ*

Асалдан озгина тотиб,
Мазасига етмасданоқ, ўлаётирман.

1-нчи Шоҳлар Китоби.

1

Бир неча йил бундан илгари,
Худди опа-сингил сингари
Қучоқлашиб Арагва, Кура
Шовқин солиб қўшилган ерда
Бир монастырь бўлган. У ёқдан
Пиёдалар ўтсалар, тоғдан
Қўзга яққол ташланар ҳамон
Миноралар, черков гумбази;
Устунлари бутунлай вайрон
Ўша ернинг чўнг дарбозаси.
Аммо улар остида бу кун
Исриқдондан бурқимас тутун,
Бу оқшомги соатда, бу пас
Ҳаққимизга дуо қилган у
Роҳибларнинг товуши тўғри
Қулоқларга келиб урилмас.
Соч-соқоли оппоқ чол, нимжон,
Харобага қоровул бу он.

Ҳамма уни буткул унутган.
Ва ўлим ҳам фаромуш этган.
Қабрлардан чанг супура у,
Тошлардаги ҳар битта ёзув

* Мцири — грузин тилида «хизмат қилмайдиган монах», ёки «монах шогирди», демакдир.

Нақл этар ўтмиш шавкати
Ва бир шоҳнинг оғир кулфатин,
Тахту тождан айрилиб ҳамда
Россияга у ўз халқини
Топширганин фалон айёмда.

*

Шундан кейин худо ёрлақаб,
Ором бериб боғлар салқини
Грузия яшнаган экан,
Дўст найзаси ёвлардан сақлаб,
Қўрқувларни ташлаган экан.

2

У тоғлардан Тифлисга томон
Рус генерал келган бир замон;
У бир асир болани олиб —
Келган экан. У йўлда толиб,
Машаққатлар тортиб ҳориган.
Афтидан, у олтига кирган.
Оҳу каби ёввойи, ҳурков.
Ожизликда гўёки ғаров.
Аммо унда азоб кулфати
Боболарнинг зўр руҳиятин —
Чиниқтирган оҳу зор қилмай,
Гўдак тили фиғон чиқармай
Имо билан рад этиб нонни,
Аста, мағрур берарди жонни.
Бир раҳмдил монах у замон
Бола учун тилади омон.
Дўстлик меҳри сақлаган бемор
Шу муқаддас, азиз чордевор
Ичларида қолиб кетмишди.
Ёшликдаги эрмақдан зинҳор
У ўзини йироқ тутмишди.

Авваллари ҳаммадан қочиб,
Беркинарди бурчак-бурчакка,
Кезар эди индамай, якка,
Шарққа боқар эди оқ сочиб,
Юрти томон тикилар эди,
Юрагини ғам тилар эди.
Асоратга ўрганди ахир,
Ет тилни ҳам англади бир-бир.
Чўқинтирди уни монах чол.
Роҳатлардан маҳрум бу ниҳол
Болалиги гуллаб турган дам
Ичмакчийди монахча қасам,
Ва лекин куз фаслида бир тун
Ғойиб бўлди. Тоғларни бутун
Қопламишди қоронғи ўрмон.
Уч кун тинмай излашлар у он
Бекор кетди. Ва лекин сўнг гал
Уни чўлдан топиб олдилар,
Беҳуш ётган болани жадал
Монастирга олиб келдилар.
У ғоятда озган ва туссиз,
Узоқ вақт оч қолган каби,
Ёки бемор бўлгандек ожиз.
Сўроқларга жим қолди лаби.
Сўлар эди кун ўтган сайин,
Яқин ўлим сезилди тайин.
Роҳиб келиб қилди насиҳат.
Сўзни мағрур эшитиб бемор,
Бор кучи-ла кўтариб қомат,
Узоқ этди шу гапни изҳор.

3

«Тавба тилаб келибсан мендан,
Миннатдорман, розиман сендан.
Сўзлар билан очайин дилни,
Бўшатайин энди кўнгилни.

Одамларга бермадим озор.
Шунинг учун ишларимни ҳам
Билмакликнинг манфаати кам,
Дилни қилиб бўлурми изҳор?
Оз яшадим ва асоратда,
Бундай икки умрни, албатта,
Ҳаяжонга лиқ тўла битта
Ҳаётга мен берардим ҳозир,
Агар шунга бўлсайдим қодир.
Мен билганман фақат, доимо
Орзуларнинг ҳукмини, холос.
Менга ошно биргина, аммо
Алангали, ўтли эҳтирос.
У қурт каби бағримда турган,
У куйдирган, жонни кемирган.
Ўйларимни шу туйғу доим
Ибодатдан, роҳибларнинг дим —
Ҳужрасидан — жонли ва дилбар
Жанг олами сари чақирар,
У ерларда баланд қоялар
Булутларнинг қўйнида ётар,
Ўзларини унда одамлар
Бургутлардек эркин ҳис этар.
Мен шу ҳисга кўз ёш ичириб,
Озуқ учун ғамимни бериб,
Улғайтирдим тун зулматида.
Уни осмон ва ер олдида
Энди қаттиқ этаман иқрор,
Иноятга ҳеч эмасман зор».

4

«Чол! Эшитдим мен кўп марта, рост,
Сен ўлимдан этибсан холос.
Ёлғизликда, мағрурона тек
Ўсдим баланд деворлар аро.

Руҳан бола, монах-тақдирим,
Ота-она деган сўз аммо
Менга насиб бўлмай, ёш умрим --
Утди. Сен ҳам истар эдинг, чол
Шу паноҳда мен гўёки бол —
Қаби ширин сўзлардан кечсам.
Бекор савдо бу товушлар ҳам
Туғилдилар мен билан бирга.
Ўзгаларда қавму қариндош,
Ватан, кулба ва дўсту йўлдош
Кўрган эдим. Аммоки ўзим
Етолмадим ҳаттоки гўрга.
Шунда бебурд ёш тўкмай кўзим,
Дилда ичдим шундай бир қасам:
Бир кун, майли, ақалли бир дам
Ўз сийнамни бирор жонажон
Сийнасига лоақал бир он
Боса олсам, ёзолсам қайғу,
Майли, қавмим бўлмаса ҳам у.
Эвоҳ энди у ширин хаёл
Ҳалок бўлди, қолмади хушҳол,
Аввалгича, қул, етим бўлиб,
Ёт тупроқда кетаман ўлиб».

5

«Қўрқитмайди мени қабристон;
Дейдиларки, совуқ зимистон —
Ерда ухлаб ётармиш кулфат,
Эсиз, ширин ҳаётим фақат!
Мен ёшман, ёш... Бирор эрта-кеч
Шўх ёшликнинг орзуларини,
Эркинлиги, туйғуларини
Сезганмисан, билганмисан ҳеч?
Нафрат, севги сенга тамом ёт,
Ёки, унутгансан умрбод;
Бурчакдаги юксак минордан

Кўринганда қуёш, кенг водий,
Тоза ҳаво ва гоҳи-гоҳи
Қаршидаги тешик девордан
Нотаниш юрт боласи, жони,
Ёш кабутар шохда увушиб,
Яшинлардан кўрқувга тушиб
Ўтирганда, дил ҳаяжони
Ошганмасми? Бу гўзал олам
Ҳаётдан тўйгансан бу дам:
Қариб қолдинг, ожизсан, тоқсан.
Орзулардан тамом узоқсан.
Сен яшадинг! Нима эҳтиёж?
Унутмакка бор сенда илож.
Сен яшадинг — мен ҳам бу айём
Сендай яшай олардим тамом!»

6

«Мен ҳурликда кўрган нарсалар
Агар сенга даркор эрсалар,
Сўзлаб берай,— яшноқ далалар,
Дарахтлар-ла қопланган тепа
Ва уларнинг бутун атрофда
Оғайнилар рақси сингари
Тўдаларда шўх шовқинлари...
Қояларни ўпирар оқим.
Ўйдум-ўйдум қора тошлар жим;
Кўрарканман буларни у он
Ўйларини англадим аён:
О, бу менга бўлди иноят!
Тош қучоқлар фазода ғоят
Ёйилмишди узоқ ва узоқ,
Муштоқ эди висолга ҳарчоқ:
Аммо кунлар ўтар, йил ўтар,
Улар асло қовушмай кетар.
Орзулардек ажойиб, гўзал

Тизма тоғлар кўрдим у маҳал,
Улар тонгнинг шуъласи билан
Меҳроблардек ялтироқ экан,
Кўк осмонда уларнинг боши
Кўринаркан булутлар ошиб,
Тарк этишиб сирли маконни
Оқ булутлар тизма карвони
Шўх қушларнинг йироқ элдан тик
Келаётган карвонларидек
Чўзилишиб кўкда бепоён,
Йўл олади машриққа томон.
Узоқларга боқдим туманда
Нурли олмос қорлар оралаб
Кўринарди аста мўралаб
Кекса Кавказ ўша томонда:
Шунда кетди кўнглимдан ҳасрат,
Сабабини билмадим фақат,
Сен у ерда яшагансан деб,
Сирли овоз этарди баён.
Мен эсласам, ёдимда ҳадеб
Ўтмиш кунлар бўларди аён».

7

«Мен туғилган у гўзал дара
Атрофдаги ажиб манзара:
Салқин ерда гуллаган овул
Хаёлимни қоплади буткул.
Кечки маҳал қайтувчи пода,
Йилқиларнинг саси ҳавода,
Таниш итлар кўтарган сурон
Эшитилди менга ўша он.
Уйимизнинг нақ қаршисида
Кекса бошин босиб хаёллар,
Уй ўйлашиб ўтирган чоллар
Жонландилар менинг эсимда,

Узун ханжар ғилофлари ҳам
Ярқ этгандай бўлди... Ҳаммаси
Худди тушдек ўйимни босиб.
Бир-бир ўтди олдимдан шу дам
Отам бўлса, у худди тирик
Ва жанговар либосда тетик
Кўринди-ю, эсладим аён:
Совутларнинг сасин ногаҳон,
Қуролларнинг порлоқ нурини,
Кўзлардаги эрк гурурини.
Ёдга тушди нав-ниҳол қизлар,
Опаларим, у шаҳло кўзлар,
Бешигимнинг устида улар
Сўзлаган сўз ва ширин куйлар...
Югурарди дарада ирмоқ,
Сершовқин пайт эди у бироқ;
Мен у ерга қоқ ярим кунда,
Ўйнаш учун тилла ранг қумда,
Дара бўйлаб ёлғиз борардим,
Қалдирғочлар томон қарардим.
Улар селни сезиб учарди,
Қанотлари мавжин қучарди.
Сокин кулбам ёдимга тушди,
Эсим оқшом бағрига учди.
Биз ўшанда гулхан олдида
Ҳашаматли ўтмиш ҳақида
Ҳикоялар тинглаб, бўлиб шод,
Ўтганларни қилар эдик ёд».

8

«Мен ҳурликда кўрган нарсалар,
Наҳот, сени қизиқтирсалар?
Мен яшадим, ҳаётим учун
Бўлмасайди шу бахтли уч кун,
Сенинг ожиз чоллигингдан ҳам

Менда ортиқ бўлар эди ғам.
Қўпдан бери орзуманд эрдим;
Қирларимни бир кўрсам дердим,
Билмакчийдим, эрк учунми ё
Зиндон учун яралган дунё.
У даҳшатли, тунги соатда,
Яшин сизни қўрқитган пайтда,
Тўпланишиб сизлар меҳробга,
Бош қўйганда ерга, тавобга,
Мен қочдим. О, ука сингари
Қулоч ёйсам мен бўрон сари!
Булутларни кузатди кўзим,
Елдиришни ушладим ўзим...
Айтгил менга, у қисқа, жонли,
Бўрон билан хўб ҳаяжонли
Биродарлик, дўстлик ўрнига
Берар эдинг нимани менга?»

9

«Узоқ чопдим... Қайга? Қаерда?
Билолмайман! Ана шу пайтда
Бирор юлдуз заҳматли, оғир
Йўлларимга ҳеч тўкмади нур.
Азоб чекиб эзилган сийнам
Ўрмонларнинг кечасиги нам —
Ҳавосидан нафас оларди,
Шунда руҳим енгил бўларди!
Елиб қочдим мен неча соат,
Югурдиму толдим ниҳоят,
Ўсиқ ўтлар қўйнига ботдим,
Қулоқ солдим: сокинлик ҳоқим.
Ҳеч ким мени қувламас эди,
Гулдурак ҳам тинмишди энди.
Тасма-тасма туссизгина нур
Чўзилмишди юксак осмондан

Тоғлар ошиб то ерга довур.
Ва пайқадим мен ўша онда
Узоқдаги тоғнинг тишлари
Тизилмишди маржон сингари.
Қимирламай ётардим сокин,
Гоҳо дара қўйнида локин
Олисларда шақал увларди,
Гоҳо бола каби йиғларди.
Тош оралаб силлиқ товланиб
Илон ўтар эди тўлғаниб.
Аммо қўрқув этмади таъсир,
Қилолмади қалбимни асир.
Одамлардан қочиб, ҳайвондек,
Беркинардим мен ҳам илондек».

10

«Пастда эса кўтариб нола,
Яшин билан авжли шалола
Бўкирарди, у солган шовқин
Юз даҳшатли овозга бутун —
Ўхшар эди. Гапирмаса ҳам,
Қайсар тошлар гувиллаб қилган
Уша суҳбат, мангу баҳс у дам
Менга жуда ошно туюлган.
У гоҳ тинар, гоҳ авж оларди,
Сукунатда шовқин соларди.
Мана, тепа-туман томонда
Қушлар сайраб кетди шу онда,
Қанот ёйди шарқда олтин зар,
Ел қўзғалиб, шу маҳал барглар
Шудринг тўкиб кетди қимирлаб.
Ухлоқ гуллар аста очди лаб,
Ва шулардек нурдан топиб жон
Бош кўтардим мен ҳам у замон...
Алангладим: рост этсам агар,

Қўрқиб кетдим. Тубсиз чуқур жар
Еқасида танҳо ётардим,
Укирарди даҳшатли оқим.
Қоя тошлар — зинаси бунда,
Осмонидан мангу қувилган,
Ер тагига мангу йўл олган
Иблис фақат юрарди унда».

11

«Атрофимда яшнарди жаннат,
Гиёҳларда мавжуд латофат
Илоҳий кўз ёшлар изини
Сақлар эди, безаб ўзини,
Ишкомларнинг сўлим чиройи
Дарахтларга тиниқ нур ёйиб,
Уша ерда сочилган эди,
Гўзал олам очилган эди:
Пишиб турган узумлар бош-бош
Худди тилла зиракка ўхшаш
Ҳашам билан осиқ турарди.
Хурков қушлар келиб қўнарди.
Шунда яна ерга ётдим-да,
Қулоқ солиб, ўйга ботдим-да,
Афсонавий ва жуда ғалат
Овозларни эшитдим шу вақт;
Чангалларда сайрарди қушлар,
Гўёки ер юзининг борин
Ва осмоннинг сиру асрорин
Буткул аён айларди қушлар.
Барча мавжуд бўлган овозлар
Қўшиларди шу ерда бирга.
Тантанага тўлган овозлар —
Шу мақтовлар ичида у дам
Мағрур товшин қўшмасдан жўрга
Фақат сукут сақларди одам.

Уша маҳал кўнглим ҳис этган
Барча орзу йўқолиб кетган,
Аммо, истайманки, лоақал
Хаёл билан яшамоқ учун,
Уша орзуларни бу маҳал
Бир-бир сўзлаб берайин бутун.
У субҳидам осмон гумбази
Тоза эди, малак парвози
Пайқаларди; саришта нигоҳ
У парвоздан бўларди огоҳ;
У шундайин тубсиз ва тиниқ,
Текис мовий чиройга тўлиқ!
Унда кўзим тинди қамашиб,
Унда руҳим қолди адашиб,
Уйларимни қувди ҳарорат,
Ташналикдан толиқдим беҳад».

12

«Тепаликдан оқимга қараб,
Эгилувчан шохларни ушлаб,
Тошдан тошга узатиб оёқ,
Аста тушдим пастликка шу чоқ.
Оёқ тегиб гоҳ қулаган тош,
Жар тубига думалаган тош
Тўзитарди тупроқни бутун,
Юксаларди у гўё стун,
У гумбурлаб, сачраб, тушарди,
Мавжлар узра сувга чўқарди;
Баланд тошга осилиб қолдим,
Аммо кучли эркин, ёш қалбим,
Улим унга сололмас қўрқув!
Тик тепадан тушишим билан
Тоғдан гурлаб тушган салқин сув
Шабадасин ҳис этдим бирдан,
Бир енгиллик сездим-да шунда
Ўзни урдим бароқ тўлқинга.

Ногаҳон сас... Қуш каби енгил
Оёқларнинг товшин эшитдим...
Ҳаяжонга лиқ тўлди кўнгил,
Қалин шохлар ичра беркиндим.
Ташладим-да чўчиб бир нигоҳ,
У томонга мен солдим қулоқ.
Гуржи қизи келарди яқин
Ва овози келарди яқин,
У овозга сунъийлик ётдир,
У ширин сас ўзи ҳаётдир,
У эркин сўз тоза, беғубор
Дўст номларни қиларди такрор.
Унинг содда куйи бор эди,
Зулмат ёяр экан пардасин,
Гуржи қизнинг шўҳ ашуласин
Номаълум руҳ такрор этарди».

13

«Кўзасини баланд кўтариб,
Сўқмоқ йўлдан нарига бориб,
Гуржи қизи соҳилга тушди,
Тошлар узра гоҳи сирғаниб.
Одимидан ҳайратда қолиб,
Лабларидан кулгиси учди.
Фақир эди унинг либоси;
Енгилгина у қадам босиб,
Чодрасининг ҳошиясини
Елкасига ташлаган эди.
Ёз қуёши бет, сийнасини
Тилла тус-ла қоплаган эди.
Лабларида, ёноқларида
Саратоннинг ўти ёнарди.
Тундай қора нигоҳларида
Ишқ сирлари лиммо-лим эди.
Улар мисли бир тилсим эди.
Юрагимни босиб ҳаяжон,

Қараб қолдим. Ёдимда ҳамон
Мис кўзанинг баланд жаранги,
Шилдираган сувнинг оҳанги,
Майин шарпа эсимда. Аммо,
Бошқасини билмайман асло...
Сўнг, ўзимга келиб ногаҳон
Кўзни очдим ва лекин бу он
Кетган эди қиз жуда йироқ;
Аста одим ташлаб кетарди,
Кўзасини енгил элтарди,
Юк остида мунча ҳам тетик,
Далаларнинг шоҳи — сарвдек!
Нарироқда туманлар аро
Ўсган каби қоядан гўё
Икки кулба турар ёнма-ён
Ва бирининг тоmidан бу он
Тараларди кўкимтир тутун.
Ҳозиргидек ёдимда бутун,
Очилди-да эшиги аста
Ва ёпилди яна бирпасда!..
Мен биламан юрак ҳасратим,
Менинг тинмай чеккан кулфатим
Сенга аён эмаслиги чин,
Истайманки, аён бўлмасин.
У дамлардан қолган хотирот
Ўзим билан кетсин умрбод».

14

«Тунларда мен чеккан ғам, қайғу
Толиқтирди ва ширин уйқу
Беихтиёр кўзимни юмди...
Гуржи қизнинг гўзал сурати
Тушимда ҳам яна жонланди...
Дилнинг ширин ажиб ҳасрати —
Билан сийнам янгидан ёнди.
Мен қийналдим нафас ололмай,

Уйқум ўчди. Бу вақт нурли ой
Кўкдан шуъла сочарди. Танҳо
Қора булут тиниқ самода
Ўлжасини қўриқлаб гўё,
Суқ бағрини очиб ҳавода
Турар эди. Қоронғу жаҳон
Сукут сақлаб турарди бу он.
Қумуш уқа каби занжирбанд
Қорли тоғлар турарди баланд.
Йироқларда ярқирар улар,
Шалола ҳам тинмай гувиллар.
Таниш кулба ичида чироқ
Гоҳ титрарди, сўнар эди гоҳ...
Нурли юлдуз тунда осмонда
Худди шундай сўнар ҳар онда!
Менда истак уйғонди... фақат
Қирмак учун йўқ эди журъат,
Ватанимга етмак армони
Юрагимда яшарди фақат.
Очлик билан кетиб дармоним,
Мен толиққан эдим ниҳоят,
Бўлсам ҳамки жуда бемажол,
Бор кучимни тўплаб уриндим,
Чўчиб-чўчиб юрдим тамом лол,
Тўғри йўлга томон бурилдим,
Аммо, ўрмон ичида тездан
Баланд тоғлар йўқолди кўздан,
Қоронғулик ичра кирди йўл,
Мени буткул адаштирди йўл».

15

«Изтиробда беҳудага гоҳ
Печак гули чирмаб олган шох —
Новдаларни алам ичида
Чирт-чирт узар эдим учидан.
Чор атрофда қадимий ўрмон,

Ваҳимали, қуюқ, бепоён;
Дарахтларнинг ҳар новдасидан
Миллионларча қора кўз билан
Тикиларди тун зулмати жим...
Шунда гир-гир айланди бошим:
Дарахтларга осилиб кўрдим
Ва ўшанда ҳаттоки осмон
Четида ҳам сўнгсиз, бепоён
Тишдор қалин ўрмонни кўрдим.—
Ерга беҳуш йиқилдим шунда,
Аччиқ-аччиқ йиғладим тунда,
Кўзларимдан оқди чексиз ёш
Худди қайноқ шабнамга ўхшаш...
Бироқ, ишон менга, ўша кеч
Одамларнинг мададини ҳеч
Истамадим... Уларга бу он
Ётман, худди саҳройи ҳайвон.
Чол, қилайки сенга қасамёд,
Бир лаҳзалик хаёл ёки дод —
Билан тилим қилса хиёнат,
Уни узиб ташлардим албат».

16

«Ёдингдами, бўлсам ҳамки ёш,
Кўзларимда кўринмасди ёш;
Аммо орсизларча мен бу чоқ
Йиғладим, ёш бўлмади адоқ.
Қим кўрарди? Қоронғу ўрмон,
Кўкдаги ой ва фақат осмон!
Ойнинг нури юм-юм қуйилган,
Майса гилам ва қум ёйилган,
Маҳкам девор билан ўралган
Дала ётар эди олдимда.
Кўриб қолдим, тўсатдан шунда
Бирдан шарпа кўринди тунда,
Икки чироқ ёнгандай бўлди,

Ва улардан учқун сочилди...
Чакалакдан қандайдир ҳайвон
Бир сакраш-ла чиқди-да шу он
Думалади текис қумлоққа,
Қараб қўйди у ёқ-бу ёққа...
У саҳронинг мангу меҳмони,
Яъни чўлнинг голиб қоплони.
Хом суякни кемирарди у,
Қувончидан ўкирарди у;
У думини жийирарди гоҳ
Ва ташларди қонли бир нигоҳ
Тўлиқ ойга; нур кўмиб уни,
Қумуш каби порлади жуни.
Қаттиқ шохни ушлаб қўлимда,
Жанг пайтини кутдим йўлимда.
Шунда менинг қалбим дафъатан
Қураш ва қон истаги билан
Ениб кетди... Ҳа! Тақдир бу чоқ
Ўзга йўлга бошлади мутлақ...
Энди менда ишонч муқаррар:
Она юртда бўлсайдим агар,
Ҳеч шубҳасиз бўлардим ҳозир
Эл ичида машҳур баҳодир».

17

«Мен энтикиб кутдим. Шу замон
Зулматда ёв пайқагансимон
Қоплон бирдан бўкирди. Бу дод
Еру кўкка ларза ташлади...
Жаҳли чиқиб йиртқич шу заҳот
Қумни тирнаб қазий бошлади!
Бир ҳурпайди, сўнгра у ётди
Ва дастлабки кучли сакраши
Менда ўлим ваҳмин қўзғатди...
Аммо менинг келди-да гашим,
Тез ва тўғри бўлди тик зарбим,

Тошдек таёқ бир болта каби
Пешонасин ёриб ташлади...
У одамдек инграй бошлади
Ва йиқилди. Аммоки шу он
Ярасидан дарё-дарё қон
Оқса, ҳоли бўлса ҳамки танг,
Қайнаб кетди ҳалокатли жанг!»

18

«Кўкрагимга отилди ҳайвон,
Бироқ, маҳкам шохни шу замон
Томоғига санчиб олодим,
Икки марта мен қайиролдим...
У ўкирди, кўтарди фарёд,
Бор куч билан ташланди азот,
Шунда аста босиб келиб биз,
Қўш илондек чирмашдик тифиз,
Икки дўстандан кўра қаттиқроқ —
Қучоқлашиб йиқилдик шу чоқ.
Қоронғида давом этди жанг,
Ерда яна қизиб кетди жанг.
Мен ҳам ёмон эдим бу нафас,
Худди даштий қутурган йўлбарс,
Ёвуз бўлиб, ёввойи бўлиб,
Қоплон каби оташга тўлиб,
Увлардим қон босиб кўзимни;
Урмонларнинг пок сийнасида
Қоплон бўри оиласида
Туғилгандек сезиб ўзимни,
Одамларнинг сўзини гўё
Мен унутган эдим мутлақо,
Кўкрагимда йиртқичларга хос
Қўрқинчли дод туғилди бехос,
Гўё гўдак чоғимдан буён
Менга одат бўлган шу фиғон...
Аммо ёвим қувватдан толди,

Базӯр нафас олди, тўлғонди,
Сўнгги марта мени бир сурди...
Ҳаракатсиз кўзлари-ла у
Даҳшатли бир боқди ва юмди,
Уни қучди мангулик уйқу,
Аммо ғолиб душман билан у
Ҳалокатга борди рўбарў.
Жанг чоғида асил паҳлавон
Жанг қилади шундай беомон!»

19

«Мана менинг кўксимга қара,
Чуқур тирноқ изидан яра,
Улар ҳали битганлари йўқ
Ва йўқолиб кетганлари йўқ.
Унга ажал беради барҳам,
Унга тупроқ бўлади малҳам.
Мен уларни унутдим у дам,
Яна йиғиб қолган дармонни,
Кездим сўнгсиз, қуюқ ўрмонни...
Қисмат билан олишдим бекор,
Ва лекин у хўрлади такрор!»

20

«Мен ўрмондан чиқдим. Бу маҳал
Қун кўринди, кўкда галма-гал
Унинг ёрқин нурида эриб
Сайёралар сўнди бу замон.
Кенг ёйилган туманга кириб
Шовуллади уйғонган ўрмон.
Узоқлардан кўринар овул,
Кўкка ўрлар бурқиган тутун.
Ва ел билан бўғиқ бир шовқин
Водий бўйлаб таралар буткул...
Мен ўтирдим ва солдим қулоқ,
Аммо шовқин, ел тинди шу чоқ.

Теваракка назар ташладим,
Бу ўлкани таний бошладим:
Қўрқиб кетдим мен, шу бошпана —
Ушбу зиндон бағрига яна
Қайтганимга ишонмай шу чоқ,
Ҳайронликда тикилдим узоқ;
Шунча кунлар бекордан-бекор
Эрка қилиб сирли ўйларни,
Сабр қилиб, чекибман озор...
Булар нега? Буларнинг бари,
Ун гулингдан очилмай бири,
Энди қараб ёруғ жаҳонга,
Юрак тўлиб эркин армонга,
Тинглаб барглар майин сасини,
Муқаддас юрт орзусини,
Алданган дил тилакларини,
Шафқатингиз уятларини
Юракларга солиб кетишми,
Гўрга бирга олиб кетишми!
Ҳали шубҳа қўлида маҳкум
Ўйлар эдим: бу ўнгмас, тушим.
Янграб қолди мудҳиш қўнғироқ,
Ҳаммасидан бўлдим мен огоҳ!
О! Танидим уни шу замон,
Гўдак кўзларимдан беомон:
Меҳрибонлар, ёру аждодлар,
Даштлардаги эрк ва жонимни,
Қушдай енгил ва учқур отлар,
Елғиз ғолиб келган чоғимни,
Хаёлиму тушларимни у
Олиб кетган йўқликка мангу.
Мен тинглардим беёш, бедармон.
Қимдир биров кўксимга бу он
Темир билан урди-ю гўё,
У қўнғироқ таратган нидо
Юрагимдан чиққандай туйдим,

Ғамгин ұйга кўмилдим, куйдим,
Куйдим, энди юртим ҳеч қачон —
Кўрмаслигим билиб бу замон».

21

«Шу ёзилган экан тақдирда.
Қудратли от бегона қирда
Ёмон чавандозни қолдириб,
Олис юрти сари қидириб
Топа олур тўғри, қисқа йўл...
Мендан минг бор афзалмасми ул?!
Орзу-истак билан қайғу-ғам
Беҳудага тўлдирган сийнам:
У ожиз ва бекор қизиқ қон,
Ақл дарди, ўйинчоқ армон.
Зиндон менга муҳрини босган.
Қоронғуда кўкариб ўсган —
Гул ҳам шундай: у моғорли тош —
Орасидан кўтаради бош,
Елғизликда туссиз, бемадор
Шуълаларга бўлиб интизор,
Барг ёзолмас. Шундай кўп кунлар —
Ўтиб кетар, меҳрибон бир қўл
Ўша гулнинг дардини англар
Ва яшнаган чамандаги гул —
Қаторига олиб ўтқазар.
Ўша ердан гулнинг муаттар
Иси ҳарён анқиб ётади...
Ва лекин тонг отиши билан
Иссиқ уни хазон этади,
Зиндон гули куяди бирдан...»

22

«Омонсиз кун оташи уни
Куйдиргандек куйдирди менн.
Ҳорғин бошим майсага шунда
Яширмоқчи бўлдим беҳуда.

Унинг қуруқ барги гултождай
Қоплаб олган эди бошимни,
Ернинг ўзи худди оташдай
Ёндирадди ичу-тошимни.
Чўққиларда кўзни тиндириб
Айланарди учқунлар, тўлиб ---
Буғ чиқарди оқ қоялардан.
Чуқур вазмин бир уйқу билан
Ҳайронликда ётарди олам.
Қизилоёқ чийилламасди,
Чирилламас ниначилар ҳам!
Болаларга ўхшаб хушчақчақ
Чуғурламас ҳаттоки ирмоқ!..
Фақатгина илон тўлғаниб,
Гўё олтин нақшлар ўйилган
Узун кумуш қиличга ўхшаб,
Унинг сариқ ёнбоши ёниб,
Сап-сарғайган ўтлар оралаб,
Қумни ёриб сургалар эди,
Астагина ўралар эди
Ва узукдай буралар эди:
Гоҳ ҳарорат қилгандай асар,
Кўтарилиб, қайрилиб қолар,
Чакалакка кириб йўқолар...»

23

«Нурли, сокин яшнарди осмон,
Кўринарди буғ аро аён
Узоқларда қорайиб қўш тоғ,
Биттасининг ортидан шу чоғ
Тишдор девор ўраган макон —
Бир монастырь бўлди намоён.
Пастда эса, Арагва, Кура
Онда-сонда ороллар узра
Оппоқ кумуш мавжлар қолдириб,
Чакалаклар ичига кириб

Югурарди енгил ва иноқ...
Мен улардан эдим кўп йироқ!
Турмоқ бўлдим. Аммо шу замон
Ҳамма нарса айланур ёмон.
Дод дейишга тутилди тилим,
Ҳаракатсиз, товушсиз қолдим.
Жон берардим. Ҳиссиз абдираш
Азоб бериб, дилни қилди ғаш.
Мен ўзимни поёнсиз, тубсиз
Сув тагида каби этдим ҳис.
Атрофимни сирли бир зулмат
Буткул қоплаб олмишди фақат.
Шунда мангу чанқоқни босиб,
Муздек ирмоқ мамнун этарди,
Гўё менинг бағримга тошиб,
Шилдир-шилдир оқиб ётарди...
Ширин ва ҳуш эди ухламоқ,
Шу уйқудан қўрқардим бироқ...
Бошим узра мавжланиб бутун,
Уриларди тўлқинга тўлқин.
Тиниқ мавжлар оралаб офтоб
Боқар эди ойдан ҳам шаффоф.
Балиқларнинг рангдор галасин
Ювар эди қуёш шуъласи.
Хаёлимдан кетмайди бири,
Ҳузуримда у салом бериб,
Эркаланди менинг қаршимда,
Унинг нурли, оқ ёнбошида
Ярқирарди олтин таналар.
Бошим узра жилпанглади у,
Толиб-толиб ташлади назар,
Яшил кўзларида бор қайғу...
Ҳайратимнинг йўқ ниҳояси,
Унинг майин қўнғироқ саси
Менга ажиб нақл сўйларди,
Гоҳ тинарди, гоҳи куйларди.

У дердики: «Эй ўғлон,
Шу ерда қол мен билан.
Сувда ҳаёт эркиндир,
Ҳам салқин ҳам сокиндир.

*

Сингилларни йиғаман,
Давраларда ўйнаймиз.
Ғамдан халос бўласан,
Чарчоғингни қувлаймиз.

*

Ухла! Тўшагинг юмшоқ,
Кўрпанг бўлар ипакдан.
Умринг ўтади қувноқ
Ширин тушу эртақдан.

*

Ростин айтсам, азизим,
Сенга кўнгил берганман,
Сени ирмоқдай таним,
Ҳаётимдай севганман...»

*

Узоқ-узоқ тингладим уни,
Тевадаги ирмоқ шовқини
Балиқ билан жўр овоз бўлиб,
Унга ҳамдард, дилнавоз бўлиб
Куйлагандай туюлди у дам.
Ҳушим учди. Бу ёруғ олам
Кўзларимдан ғойиб бўлмишди.
Дармонидан айрилиб танам,
Телбаларча оғриқ турмишди...»

24

«Мени топиб келдилар у он...
Қолганлари ўзингга аён.

207

Сўзим тамом. Ишон, ишонма,
Менга бирдек. Фақат бир нима
Юрагимга солмоқдадир ғам:
Менинг совуқ ва тилсиз танам
Чиримайди она юртимда,
Тунд деворлар ичра ҳеч бир жон
Менинг ҳасратимдан бирор он
Нақл этмас ҳеч вақт ҳеч кимга».

25

«Хайр, ота... Қўлингни бергил:
Менинг қўлим оташда... Билгил,
Бу аланга ёшликдан буён
Кўкрагимда яшаган ҳар он;
Аmmo энди унга йўқ озиқ,
Зиндонини ёндирди тўлиқ,
Ҳаммага ҳам навбатма-навбат
Ҳақ йўлида азоб бергувчи
Ва ҳаловат берувчи қудрат
Уни яна қайтиб олгувси...
Бунинг учун менга не қайғу?
Кўк қаҳрига учиб борар у,
Арши аъло қучоғида жон
Узи учун топажак макон...
Эвоҳ! Гўдак чоғим шод ўтган
Тик, қорамтир қоялардаги
Уч-тўрт оний эркинлик учун
Осмон менга иноят этган
Жаннати-ю, мангулигини
Жон-жон дея берардим бутун!..»

26

«Баданимдан чиқар экан жон,
Тинар экан сийнамда нафас,
Кутмагайсан сен узоқ, ишон,—

Боғимизга, бир туп оқ акас
Оппоқ гуллаб ётган у жойга
Мени олиб боришни буюр...
Унда майса тўлиб чиройга,
Теваракдан ёғиб турар нур.
Ўша ерда ёруғ офтоб
Шуъласида заррин барг шаффоф!
Мени ўша томонга қўйдир,
Ўша ерда нурлар мовийдир,
Сўнгбор тўйиб олайн нафас,
Ўша ердан кўринар Қавказ!
Юксакликдан балки у диёр
Видолашар мен-ла сўнгги бор.
Салом олиб келур шабада...
Таниш овоз таралар яна!
Шунда хаёл этурман: мана,
Дўстим ёки оғам келди деб,
Бошим узра у эгилди деб.
Манглайимда қотган теримни
Артиб, у пок қилади мени,
Ва жондан ҳам азиз мамлакат —
Ҳақида у куйлайди албат.
Мен шу куйни тинч эшитарман...
Ва шундайин ширин ўй билан
Ҳеч кимсани таҳқир этмасдан
Ўша ерда ухлаб кетарман!»

1839

ДЕМОН¹

Шарқ қиссаси

Биринчи бўлим

I

Қувғинди руҳ, қайғули Демон
Гуноҳкор ер узра учарди.
Маъсуд кунлар хаёли шу он
Кўз олдидан бир-бир кечарди:
Малак эди тоза ва маъсум,
Хандон эди арши аълода.
Ҳатто юлдуз мовий самода
Айлар эди унга табассум.
Ташна боқар эди ҳар замон
Олов сайёралар диёри,
Қуюқ туманларнинг қўйнидан
Аста кечган карвонлар сари.
У замонлар, даргоҳи улуғ
Худовандин севар, инонар —
Эди. На кин, на шубҳаси бор
Бу бахтиёр ва тўнғич махлуқ!
Бекор, бебурд кечган асрлар
Васвасага солмаган имон
Тоза эди. Тағин нималар...
Эслагани йўқ эди имкон!

¹ Иблис.

II

Жаҳон дашти ичра беватан,
Кезар сарсон, қувилган каби.
Йиллар ўтар, яна йиллардан
Навбат кетар, минутлар каби.
Шод эмас у, то ерда хоқон
Фанони дер, истар фароғат,
Шунинг учун ҳар ерда, ҳамон
Завқ олмасдан, сочар шарорат.
Санъатининг чеки йўқ кўкдай,
Хоҳишига қаршилиқ кўрмай,
Ғазаб сочди, омонсиз юрди...
Сўнгра булар кўнглига урди...

III

Гўзал Қавказ осмони шиша,
Қанот қоқар жаннат матруди.
Пастда Қазбек. Унда ҳамиша
Қор ярқирар — олмос ҳудуди.
Чуқур жарда илон инидек
Гирдоб ўраб кўринар Дарёл.
Елкасида кўпик — бароқ ёл
Худди шердай сакрайди Терек.
Уйноқи сув қўнғироқ чалар...
Тоғ тепада кезган жонивор,
Кўкда учган паррандаки бор.
Ҳаммаси ҳам ҳайратда қолар.
Елкан каби осмонда юзган
Енгил қанот, олтин булутлар
Уни бирга олис жанубдан
Шимол ёққа кузатиб борар...
Зумрад дарё оқар тўхтамай:
Тепасида буюк қоялар
Тўлқинлардан кўнгил узолмай
Бош солишиб мудраб қолалар.

Салқин Кавказ дарвозасида
Дев қоровул каби баланддан
Миноралар тоғ ёқасида
Чирой билан очилган эди.
Аммо, мағрур Иблис кўнгилсиз
Хаёллари сочилган эди:
Нафрат ёғар ҳар нигоҳидан,
Тилларида аччиқ ҳақорат,
Рози бўлмай ўз оллоҳидан
Ғазабланар эди у фақат.

IV

Кўз ўнгини босди бир днёр:
Жаннат каби гўзал Гуржистон.
Майса-гилам ёзган водийлар
Гўё чаман-чаман гулистон.
Кумуш каби булоқлар жўшқин,
Жимирлайди тубида тоши...
Шалолалар сачратган учқун
Балки, гуржи қизининг ёши,
Қора сочи бамисли сунбул
Сулув қизлар муҳаббатини
Гул шохида ўқийди булбул
Мармар каби мусаффо туни.
Куюқ соя ташлаган чинор,
Баргларини шаббода ўйнар...
Жин гул босган жарда гоҳилар
Қўрқиб-писиб ётар оҳулар...
Бунда севги, бунда шан ҳаёт,
Япроқларнинг сўнмас шовқини.
Аммо, булар ҳаммаси, ҳайҳот,
Қўзғатолмас Иблис завқини.
Бунда минг хил ям-яшил гиёҳ.
Нафас олар, губорсиз ҳаво
Бунда тинчлик ўзи бир наво
Лекин, Иблис нафратли, эвоҳ!

Ой нурида марварид каби
Гул баргида шабнам ялтирар,
Гуржи қизнинг кўзлари каби
Очиқ кўкда юлдузлар ёнар.
Ана шундай гўзал табиат
Буни аста хурсанд қилмади
Қувғин, шайтон, бадарға хилқат
Бу борлиқни писанд қилмади.
Тошдай қаттиқ кўнгли юмшамай
Туёлмади на қувват, на ҳис,
Неки кўрди, сира хушламай
Унга нафрат ёғдирди Иблис!

V

Қари Гудал ўзинга атаб
Кенг, муҳташам ҳовли солдирди.
Ҳар тошида минг хаста-бетоб
Қуллар қонли кўз ёш қолдирди.
Қўшни тоққа саҳардан тортиб,
Қўлка ташлар баланд девори.
Қоядаги зинадан ўтиб
Йўл боради шўх дарё сари:
Бу йўллардан ҳар кунни бир бор
Елкасига қўйиб кўзани,
Енгил кўчиб гўё сўзана,
Арагвага чиқарди хумор
Ёш Тамара — Гудал надраси
Ҳилпирарди шоҳи чодраси.

VI

У зўр қалъа тоғ қиррасидан
Сукут билан боқарди ҳар чоқ.
Бу кун бўлса, сурнай сасидан
Тўлиб-тошган ҳар тараф, ҳарёқ.
Қадаҳларда тоза мусаллас
Акс этади қандили чироқ.

Жам бўлишган яқину йироқ,
Қатта базм: ҳамма маст-аласт...
Бу кун Гудал қизин тўй этар —
Гўзал Тамаранинг никоҳи
Тўрда келин, яшнаб нигоҳи,
Қизлар ичра ойни эслатар...
Узоқдаги ҳайбатли тоғлар
Беркитдилар қуёш ярмини,
Чапак чалиб, ўйнаб ўртоқлар
Руҳлантирар қизлар базмини.
Авжи ўйин қизиб турганда
Чилдирмани олди келинчак —
Ўйнаб кетди... Ҳар зарб урганда
Ғунча ёзар эди бир чечак.
Пирпиратиб қилҳила енгин
Гоҳ учарди қушдан ҳам енгил.
Гоҳ тинарди, сузук боқарди.
Қошларини нозик қоқарди,
Гоҳо аста букиб тиззасин
Гилам узра йўрғалаб кетар.
Илон каби ўйнаб гавдасин
Ҳар нигоҳни ўзга банд этар.
Сўнг, боладек кулади ўзи.—
Машъаладек ёнади кўзи.
Билмадимки баъзан кумуш ой
Ўйнагани ҳафиф, юмшоқ нур
Ҳаёт каби, ёшлик каби бой,
Бу кулгига қандай тенглашур?..

VII

Онт ичаман, тундаги юлдуз,
Кун ботишу, шарқнинг ҳурмати
Бундай гўзал, бу каби қундуз
Фусункорни олам кўрмади!
На Эроннинг буюк султони,
На жаҳоннинг бирон хоқони

Бу хил қизни кўролмаган ҳеч,
Бу хил қизни сўролмаган ҳеч!
Ҳарамларнинг муздек чашмаси
Инжу каби сувлари билан
Ой бараваар ноз-карашмаси
Гўзалларни жуда кўп кўрган.
Аммо, бирон марта бўлса ҳам
Саратонда дим ва иссиқ кеч
Бундай қомат, бундайин санам
У сувларда ҳопитмаган ҳеч.
Дона-дона маржондек сувлар
Уни кўрмай ўтганларини,
Армон билан кетганларини
Эҳтимолки, асти билмайлар.
Жаҳон ичра кимса бир марта
Сутдай ойдин хилват тунларда
Бундай сочи силай олмаган,
Бу хил лабга из соллмаган.
Онт ичаман, бу ёруғ жаҳон
Айрилгандан бери беҳишдан
Бундай чирой кўрмай, ҳеч замон
Оғмаганди ақлдан-ҳушдан.

VIII

Сўнгги сафар ўйнар эрка қиз...
Тоғлар! Гудал машъаласини,
Озодликнинг шўх боласини
Балки, кўролмассиз эрта сиз.
Туширинди қилиб эртага
Олиб кетар куёв бир умр.
Ҳайҳот! Қимга нозини қилур?
Қандай кўнар бегона уйга?
У биледи. Равшан дийдасин
Номуайян шубҳа босади.
Кўтаролмай гоҳо сийнасин

Қалта-калта нафас олади.
Унинг бутун ҳаракатлари
Ифодали, содда-тўпори
Хўп келишган эди ўзига.
Агар шу чоқ Иблис кўзига
Тушиб қолса, мабодо, бу қиз.
Тикилганча қотиб қоларди.
Эслаб кетиб ўтмишни, ёлғиз
Бир оҳ тортиб, нафас оларди.

IX

Ёху! Иблис қизни пайқади,
Уша замон сизди ҳаяжон:
Ширин бир куй гўё биёбон —
Даштдай кўнгли ичра тарқади.
У, янгидан муҳаббат-севги,
Чирой санамига йўлиқди.
Тўймай боқди. Хаёли эзгу
Кечган бахти билан тўлиқди.
Эс китоби варақ ёзаркан,
Саодатли кунлари бир-бир
Юлдуз каби тизилиб пир-пир
Занжир каби ўтди назардан.
Бир гезли куч боғлаб чамбарчас,
Янги ғамга ошна бўлди у.
Унда севги тилга кирди, бас,
Қоплаб олди уфқни қайғу.
Туйди севги ҳаловатини:
Қайта яшаш аломатими?
Васвасага солгани қизни
Тополмади ақлида мадор.
Унутмоқми? Йўқ, парвардигор
Бундай кучни, бундайин ҳисни
Унга асли берганмас эди.
Берганда ҳам бу олмас эди.

Х

Никоҳ учун ошиқар куёв;
Кун ботмасдан етиб бормоқчи.
Сабри тугаб кўнглида зўр дов,
Отга босар устма-уст қамчи.
Етиб келди бежавфу хатар
Арагванинг соҳилларига.
Нортуялар соҳибларига
Занжир каби эргашиб қатор,
Дармон кетган каби тизидан
Битта-битта кўчар изидан.
Юки оғир... Бу катта карвон
Олиб келар қайлиққа эҳсон.
Жангур-жунгир ўйнар қўнғироқ
Ҳали манзил олис, кўп йироқ...
Сенадалнинг ҳокими ўзи,
Келар бўлиб карвоннинг кўзи,
Белда камар, қилич ва ханжар
Жим-жим этар офтобнинг тиги,
Елкасида осиглиқ ҳам зар,
Ҳам тилладан гулдор милтиғи,
Қимматбаҳо чакмон эғнида
Шамол ўйнар барин кейнида
Шоҳилардан тузалган эгар;
Гулдор юган той бўйнин эгар;
Тухум каби сағри гупурган,
Гўё, биров унга сув пурккан,
Тезоб, абжир, туси бебаҳо
Асил саман, гўёки тилло...
Қорабоғнинг шўх югурдаги
Қулоғини чимираб ҳамон,
Ваҳимага тўлиб юраги
Кўз ташлайди тўлқинлар томон:
Тор ва хавfli ингичка бу йўл
Ўнг томони чуқур дарё, жар,

Қирра тошли буюк қоя — сўл,
Ҳар минутда кутар бир хатар.
Ўзи ҳам кеч. Қорли чўққида
Шафақ ўчай-ўчай деб турар.
Туман босди. Тоғлар уйқуда...
Карвон пича тезлаб йўл юрар.

ХІ

Йўл устида кичик бир даҳма,
У даҳмада кўҳна бир мозор,
Душман қўли билан минг лахма
Бўлган номсиз бекзода ётар.
Уни энди авлиё дейлар,
Ҳақиға юз минг дуо дейлар,
У йўллардан биронта йўлчи
Ё ҳайит, ё жанг кетар бўлса,
Ўша ерда дам олиб пича
Унга ибодат этар бўлса,
Сақланарди мусулмонлардан:
Ханжаридан, тўкар қонлардан.
Аммо ботир юракли куёв
Истамади бу ибодатни,
Бузди гўё ўчакишган ёв
Боболари қилган одатни.
Чунки, Иблис алдади уни,
Хаёлини айнитди қўймай:
У уйида, гўё тинч туни
Қайлиғини ўпарди тўймай.
Ёху! Қимнинг шарпаси бўлди,
Рўбарўдан, тоғ олди қирдан
Икки соя кўринди бирдан,
Ўқ чақнади. Ваҳима тўлди,
Жасур князь чурқ этмади ҳам,
Ўзангида тип-тикка турди.
Папағини бостирди, шу дам

Учар отга бир қамчи урди.
Қўлида турк қиличи ёнди,
Бургут каби олға ташланди.
Ёввойи дод, бўғиқ бир фиғон
Тутди бутун водийни шу чоқ.
Узоқ давом этмади. Бу он
Гуржи эрлар қочди тумтароқ.

XII

Яна тинчлик босди водийни,
Ёлғиз, қонли мурдалар ётар.
Йўлчиларнинг айлаб ёдини,
Мўлдир-мўлдир туялар боқар.
Талон бўлган катта бой карвон
Молдан асар қолмаган сира,
Исовийлар ўлиги узра
Қора қушлар уради жавлон.
Шаҳид ўлган бечораларни
Оталари ётган мозори
Чорламайди. Беёраларнинг
Қимга етар фиғону зори?
Аза тутиб, узоқдан ўлиб
Оналари келмас бошига.
Олам тўлиб қонли ёшига,
Сингиллари турмас оҳ уриб,
Қабрлари тепасида ҳеч
Шам ёқилмас саҳар, кундуз, кеч.
Аммо, бирон мурувватпарвар
Ёдгор этиб ўтқизар бир бут.
Осмонида йиғлар оқ булут,
Атрофида гул ўсар пар-пар.
Сўнгра бундан юрар йўловчи
Бефотиҳа ўтиб кетолмас,
Узоқ йўлда бўлмай иложи,
Бу ерларда дам олур бирпас.

XIII

Буғу каби тез учар саман
Худди жангга ошиққан каби.
Кўзи соққа каби ўйнаган,
Пишқиради, титрайди лаби.
Тоғлар бўйи сакрайди гоҳо.
Туёғидан елдирим чақнар.
Шамол недир тинглайди. Гўё
Гув-гувида ваҳм сири бор.
Ёли чалкаш бўлиб пирпирар
Хушсиз, худди ўқдай югурар.
От устида чалқанча тушиб,
Гўё, совуқ елдан увушиб,
Йўлчи ётар, оқарган ранги.
Оёғида маҳкам узанги
Шилқ этади, отнинг ёлига
Бўйни тушар, боқмас ёнига.
Юган тушган унинг қўлидан
Жилов тортмас отнинг йўлидан.
Силан ёпғич шундай тўлиқ қон,
Ўнг қон, сўл қон, ҳатто уфқ қон.
Эй чопонғич, абжир, қуш қанот,
Камон ёйи каби учган от,
Баҳодирдек шарт ёриб жангни,
Омон сақлай дединг хўжангни,
Аммо қандай ёзиқ бўлди бу,
Осетин ўқиға учди у!

XIV

Гудал уйи ботди азага,
Йиғи доди чиқди фазога.
Эшигида одам йиғилган.
Куйиб-пишиб бунда йиқилган
Қимнинг оти? Бу бечора ким?
Ҳатто осмон жавоб бермас, жим!

Юзларида ваҳима-ваҳшат
Излари бор, қўрқинч ва даҳшат!
Усти боши, яроғлари қон...
Боши, кўзи, оёқлари қон,
От ёлини сиқимлаб қўли,
Беҳуш қотиб қолган бир йўли.
— Шўрпешона, бахтсиз келинчак,
Маътал бўлиб кутганинг келди,
Кўйида қон ютганинг келди.
Аммо сенга қандай кулажак
Бир умрга юмилган кўзлар?
Ахир, тақдир сенга не кўзлар?

XV

Беками-кўст тинч онлани
Чақмоқ каби босди бу кулфат.
Кўнглини еб қайғу илдони
Мусибатга бўлди қиз улфат.
Қонли ёшга айланиб қалби
Томчи-томчи оқди кўзидан.
Дами оғир... кетди ўзидан...
Гўё, боши устида каби
Сочи тўзиб ётган ўрнида
Эшитилгандай бўлди бир нидо:
«Кўй, йиғлама! Бекор бу яхлит
Қошки, кўзнинг ёши соб бўлса.
Қошки, ҳаёт шабнами тахлит
Ёшинг мурда узра тўкилса.
Йўқ! У фақат равшан кўзингни
Туман каби қоплаб олажак.
Анор каби шу қиз юзингни
Мисдай қилиб ўтда ёқажак.
Ёринг бўлса, узоқда, билмас
Сенинг чеккан оҳу-зорингни.
Энди само нурлари тинмас
Ва эркалар номизодингни,

У жаннатда қўшиқлар тинглар...
Бу — ҳаётнинг бачкана туши,
Бир ғарибнинг фигон нолиши,
Беҳишт меҳмонига не денглар?
Йўқ, бу қазо асли қисматдир,
Инон менга, дунё малаги.
Арзимаиди, кўзингни арт, тур,
Йиғламоқнинг йўқдир кераги.

«Само худди бир денгиз,
Дарғаси йўқ, беелкан.
Учар ҳисобсиз юлдуз
Туманларнинг қўйнидан.
Чексиз кўм-кўк водийда
Парча-парча булутлар
Из қолдирмай ортида
Эркин қанот қоқурлар.
Уларга ҳижрон, висол
На ғам, на севинч бермас.
Келажаги орзусиз,
Ўтмиш учун ачинмас,
Бебахт бўлган чоғингда
Уларни ёдингга сол,
Бенасиб ва қайдсиз
Яшашни ўрганиб ол!»

«Бахмал каби юмшоқ қора тун
Кавказ чўққисини олганда,
Ширин сўзли фусункор очун
Жимиб уйқусига толганда,
Шўх ва енгил ел юриб тоғда
Майсаларни ўйнаган чоғда,
Паррандалар безовта бўлиб,
Гур учганда ваҳимга тўлиб,
Ток тагида гуллар тўйгунча
Шабнам шимиб очганда ғунча,

Тоғ кетидан олтин ой секин
Кўзларингга нур қуйса текин,
Учиб борар бўлдим олдингга
Саҳаргача меҳмон бўлгали,
Ипак каби киприкларингга
Жиндаккина ором бергали...»

XVI

Борган сари пасайиб аста
Узоқларда тинди бу товуш.
Ирғиб турди нигоҳи хаста,
Атрофига боқди қиз хомуш.
Кўкрагидан босди изтироб,
Қайғу билан қўрқув бирлашди.
Чўчиди-ю, бирдан қалтираб
Туйғулари гупурди, тошди.
Қафасидан чиқдими жони,
Вужудини ёндирди олов?
Унутолмай ажиб нидони,
Қийналади. Йўқмикан аёв?
Саҳар пайғи чарчаган кўзлар
Ширингина ҳей... ухлаб кетди.
Аммо, пайғамбарона сўзлар
Хаёлини шарт қулфлаб кетди.
Чиройининг таърифи беҳад
Номуайян, соқов келгинди
Қиз олдида бошини эгди,
Янги ойдек бўлиб сарви қад.
Нигоҳида чунон ҳам вафо,
Чунон меҳр, чунон муҳаббат
Билан хафа боқарди, гўё
Қизни ачингандай у хилқат.
У на малак, на бошқа эди,
На бу қизни қўриқчи пари
Боши узра яшнамас эди —
Камон нурларидан чамбари.

У дўзахи руҳ эмас. Ёнур.
Қувгин шайтон эмас эди — йўқ!
Пок оқшомга ўхшарди тўлиқ,
На кун, на тун, на зулмат, на нур!..

Иккинчи бўлим

I

«Қўй, отажон, мени қўрқитма;
Тамарангин уришмагин, бас.
Мен йиғлайман, кўргин... унутма,
Бу кўз ёшлар биринчи эмас.
Олислардан куёвлар бизга
Ошиқади беҳуда, бекор.
Бу эл тўлиб ётибди қизга!
Мен ҳеч кимга бўлолмайман ёр!
О, сўкмагин, сўкма, отажон:
Кўраяпсан, менинг кундан-кун
Кузги баргдек юзларим сўлгин;
Ёвуз оғу айлади қурбон.
Қарши туриб бўлмайдиган ваҳм —
Билан маккор бир руҳ қийнайди,
Мени ҳалок этади... қил фаҳм,
Ачин! Наҳот, кўзинг қиймайди
Ақли айниб қолган қизингни?!
Ҳасратимни тўкай худога,
Ўзи сақлар бу юлдузингни.
Менинг учун бу дунё ичра
Вақтичоғлик қолмади сира.
Қўй, эртароқ бағрига олсин,
Тобут каби у қора ҳужра...»

II

Уни хилват бир монастирга
Элтиб қўйди қавми қариндош,
Қўпол қилдан бўлган усти бош

Ёш кўкракни ботирди терга.
Барибир, наф бермади бирор
Роҳибалик усти боши ҳам.
Яна ўша: хаёли — мубҳам,
Аввалгидек кўнгли беқарор.
Барибир, у ҳийлакор нидо
Ё шам ёнган меҳроб ёнида,
Ё саждага қўйганида бет,
Эшитилар ҳамон кетма-кет...
Баъзан қора гумбаз устида
Без, товуш чиқармай сира,
Кўринарди у қиз қасдида
Енгил тутун қўйнида хира.
Юлдуз каби нурланар эди;
Алдаб, қайга имланар эди?

III

У монастырь, икки ёғи тоғ
Салқин ерда ўрнашган эди.
Терак, чинор — ружум кўк япроқ
Атрофида ўйнашган эди...
Ушаларнинг қўйнида гоҳи,
Ораликка инганди кеча,
Кўринарди то тонг отгунча
Ойнасидан танҳо ётоғин
Жимиллаган хаста нигоҳи
Ёш гуноҳкор қизнинг чироғин:
Тўрт атрофда, салқин сойларда
Тилсизликдан қуриган шўри,
Сағаналар қоровули бут,
Улик каби сақлаб бир сукут
Қаторлашиб ётган жойларда
Бошланарди қушларнинг жўри.
Тошдан тошга сакраб тўймаган,
Қўнғироқлар чалиб ўйнаган,
Оппоқ тўлқин урган булоқлар,

Пастга тушиб, гўё ўртоқлар
Ҳаммаси бир бўлишиб, гуллар —
Орасидан оқиб гувиллар...

IV

Шимол ёқдан кўринар тоғлар,
Эрталабки шафақ нурида
Водийларнинг қўйни-тўрида
Кўкиш туман эриган чоқлар;
Юзин қибла томон ўгириб
Чақирганда муаззин азон,
Қўнғироқнинг савти ўкириб,
Монастирни уйғотган замон,
Ёш гуржи қиз тикка тоғлардан
Кўза олиб сувга тушганда,
Гул ғунчалар очган боғлардан
Паррандалар кўкка учганда,
Кумуш қорли юксак чўққилар
Акс этарди тиниқ осмонда,
Кечга яқин, қуёш ботганда
Қизил нурга чўмарди улар.
Ҳаммасидан баланд ва мағрур
Булутларни ёриб, тепадан
Оқ саллали, йўл-йўл тўн билан
Қавказ шоҳи — Қазбек кўринур.

V

Аммо, бундай тоза масаррат
Қирмас эди қийналиб ётган
Гуноҳкорлик ўйига ботган
Тамаранинг кўнглига албат,
Олам унга бегона эди.
Ундаги бор нарсалар бутун
Азоб учун баҳона эди —
Ҳам оппоқ тонг, ҳам қоронғи тун.
Ер юзини босганда тинчлик,

Мизғимасдан кечалар бўйи,
Бут олдида йиқилган кўйи,
Хушдан кетиб йиғларди шўрлик.
Хўнгир-хўнгир юксалган йиғи
Гўё дайди ўғрининг тиғи
Кўрқитарди тунги йўлчини.
Ваҳим қилиб, билмай тинчини —
«Бу ғорларда боғлиқ алвасти
Чеккан фиғон!»— деб ўйларди у.
Қулогини олмасдан асти
Хорган отни тезлар эди: чу!

VI

Ғам-ҳасратга ботган Тамара
Деразанинг тагида танҳо,
Хаёлларга чўмилиб гоҳо,
Ўтиради йиғлаб бечора.
Узоқларга ташлайди нигоҳ,
Тун бўйи ҳеч тинмай кутади...
Кимдир унга дейди: келади!
Чидолмасдан тортади у оҳ.
Қайғуларга тўлган кўз билан,
Ажиб, ширин, юмшоқ сўз билан,
Бекорларга кўринмаган у.
Бекор эрка қилмаган уйқу.
Кўпдан бери орзиқарди қиз.
Авлиёлар учун чўкса тиз,
Кўнгли ҳамон унга кетганин,
Ўзи билмай нега эканин,
Чарчаб, толиб оғир курашдан
Ором олай деса бирон пас,
Болиш ботар бўлиб оташдан
Қуйдиради, ололмай нафас.
Сачраб туриб, қалтирайди қиз,
Гўё ишқи тундаги юлдуз,
Кўкси, бутун тани ёнади.

Нафас қисар, кўзида туман,
Ташна қучоқ бирдан қонади,
Лабда бўса эрийди шу он...

.
.

VII

Қойшаб ёзди шом қоронғуси
Гуржистоннинг тоғу тошига,
Келди Иблис тошиб туйғуси
Монастирга — қизнинг қошига.
Лекин, унга халал бергали
Ботинолмай гангиди узоқ.
Тайёр эди у, гўё, шу чоқ
Ёвуз ниятидан кечгали.
Не қилишни билмай, тентираб
Кезди девор остида сокин.
Ҳаво тип-тинч. Шамол йўқ. Локин
Барглар ундан қўрқди дилдираб...
Кўз ташлади тепага аста;
Деразани лампа ёритар.
У англади шунда бирпасда:
Қиз кимгадир кўпдан кўз тутар!
Ана, чингар¹ жаранглаб кетди.
Эшитилди куйлаган овоз.
О, у қандай ширин, латиф, соз,
Зарби кўнгил тубига етди...
Худди тиниқ ёшдай бирма-бир
Тўкилди у товуш, тўкилди...
Мунча нотинч юрак қурмагур:
Бардош тугаб, чоки сўкилди.
У ашула шундай соз эди,
Шундай юмшоқ дилнавоз эди.
Ки ер учун аталиб, гўё

¹ Бир хил дутор. (*Лермонтов эскартиши.*)

Кўкда тўқилган овоз эди.
Унутилган дўст билан яна
Кўришмакни ихтиёр этган,
Тунни хилват топгану, пана —
Йўллар билан бу ерга етган
Бирон малак эмасмикан бу?
Шунда Иблис энг биринчи бор
Муҳаббатнинг дардини туйди...
Нола чекиб дили зору зор,
Ишқ ўтида ловиллаб куйди.
Қўрқиб, жилмоқ бўлди бу ердан...
Қанотини кўтаролмади!
Ажаб! Қуруқ кўзидан бирдан
Ёши оқди... Ҳеч чидолмади...
Уша жойда ҳалига қадар
Одам ёши эмас, ўша ёш,
Уша ўтдек ёш куйдирган тош,
Якка, қора, куйган тош ётар...

VIII

Қизни севар бўлиб кирар у
Марҳаматли дил билан шу чоқ;
Вақти етди, кутилган орзу
Ушалди деб ўйлаб, хуш димоғ,
Шу пайт унинг ғурурли қалби,
Биринчи бор учрашар каби,
Интизорлик қалтироғини,
Лол ва мажҳул сир қийноғини
Англади... Бу қўрқинч ҳол эди,
Ёмон тасодифга фол эди.
Тўғридан ҳам, кирсаки, унда
Нур кийинган жаннат элчиси,
Ул гуноҳкор қизнинг соқчиси —
Малак яшнаб турарди тунда.
Шу чоқ қизни айлаб саришта,
Қанотига олиб фаришта,

Асрарди у ёвуз душмандан.
Пок илоҳий нурлар шу ондан —
Қир нигоҳни кўр қилди бутун;
Иблис кўзин қоплади тутун...
Шунда ширин салом ўрнига
Оғир итоб эшитилди унга:

IX

«Эй нияти бузуқ руҳ, тунда
Қим чақирди сени, айт менга!
Сенга мухлис киши йўқ бунда,
Қўп эркинлик берма ҳаддингга.
Ҳалигача бу ерда бирпас
Ёвузлик ҳеч олмамиш нафас.
Менинг ишқим, пок санамимга
Сола кўрма қора изингни.
Кет! Ўчиргим мен юлдузингни,
Сақланиб қол!»

Ва
Иблис унга
Таҳқир билан жилмайиб боқди;
Нигоҳини рашк ўти ёқди;
Қайталабдан ўтли дилидан
Эски нафрат заҳари оқди.
«У меники!— деди риёкор,—
Қиз меники! Уни қолдир, бас!
Кеч қолдинг сен эй, ҳимоякор
Мен ва унга сен ҳоким эмас!
Қизнинг ғурур тўла кўнглига
Ўз муҳримни босиб қўйганман:
Сен кет, бунда мен ўзим эга,
Мен ҳукмрон, уни севганман!»
Шунда малак ғамгин кўз билан
У бечора қизга бир боқди;
Қанотини оҳиста қоқди,
Сўнгра ғойиб бўлди кўзлардан...

Х

Т а м а р а

О! Сен кимсан, сўзларинг тубсиз,
Дўзах юбордими, ё жаннат?
Не истайсан?

И б л и с

Сен гўзалсан, қиз!

Т а м а р а

Гапир, кимсан? Жавоб бер, англа!

И б л и с

Мен у менки, сен ярим туни
Қулоқ солиб тингладинг уни.
Унинг фикри олди ҳушингни,
Унинг дардин англаган бўлдинг.
Унинг ўйи билан лиқ тўлдинг.
У банд этди ўнгу тушингни.
Мен у менки, эй гўзал пари,
Қимса севмас, ачинмас уни.
Қулларимга мен ерда офат,
Озодлик ва идрок шоҳиман.
Мен — малаклар, кўкларга душман,
Табиатга ёвуз касофат.
Лекин, мана, боқ: доғингда мен,
Тупроқ каби оёғингда мен!
Мен келтирдим эгиб бошимни
Ишқинг майин ибодати-ла,
Энг биринчи ер азоби-ла,
Энг биринчи тўккан ёшимни,
Қабул айла, ол, гўзал, буни,
Ёрит умрим саодатини.

Қулоқ солгил оху зоримга:
Биргина сўз билан мени сан
Яна кўкка қайтароласан,
Эй паризод, қизған ҳолимга;
Ишқинг эзгу либосин кийиб,
Ёвузликдан дилимни тийиб,
У даргоҳда порлоқ нур каби,
Янги малак, ёш бир ҳур каби
Қайта яшар эдим мен у чоғ,
Раҳминг келсин, аҳволимга боқ,
Ялинаман, тинглагил мени,
Асирингман, севаман сени!
Сени аввал бир йўл кўрдиму,
Ажалсизлик, ҳокимлигимга
Ўтли нафрат, қарши бир туйғу
Чақмоқ каби тушди дилимга.
Беихтиёр ернинг ярми ғам
Шодлигига ҳасад қилдим мен:
Сендай яшаш истадим мен ҳам,
Сенсиз уни фано билдим мен.
Қонсиз қалбим жимирлаб кетди,
Умидли нур жонланди унда.
Бир дард эски яра тубида
Илон каби қимирлаб кетди.
Сенсиз нима бу абадият?
Сенсиз нима менга мулк, ният?
Қуруқ сўздир, тутмас асодир,
Худоси йўқ кенг калисодир.

Т а м а р а

Эй маккор руҳ, чекил, эй беор,
Инонмайман душманга, йўқол!
Парвардигор... ҳайҳот! Бу не ҳол!
Сигингани йўқ менда мадор...
Ҳалокатли оғу бошимни
Ўраб олмиш, тўкар ёшимни!

Эй ҳийлакор, не керак сенга?
Тингла, мени хароб этасан!
Сўзинг оташ, заҳардир менга,
Гапир, нечун мени севасан?

И б л и с

Эй гўзал қиз, нечунми?— Ҳайҳот,
Билмам!.. Янги ҳаётга тўлиб,
Янги ишқнинг асири бўлиб,
Сенда кўриб бахтимга нажот,
Жаҳаннамнинг огир тошини
Жиноятли бошимдан отдим.
Ҳечга бутун ўтмишни сотдим.
Кел, дардимнинг қил иложини.
Шу қоп-қора кўзларинг, малак,
Ҳам дўзахим, ҳам жаннатимдир.
Қувғиндини этма кўп ҳалак,
Олов тушган қалбини тиндир.
Тингла мени, ишон, рост билан
Бу ерда йўқ эҳтирос билан
Сени шундай севаманки мен,
Асти бундай севолмайсан сен;
Барча ўйим, барча ниятим,
Очиқ кўнглим ва ҳамиятим.
Шону шавкат, ҳукмдорлигим,
Бутун умрим, бутун борлигим --
Ҳаётим-ла севаман, гўзал!
Юрагимга суратинг азал
Урнатилмиш эди илгари.
Ажралмасдан мендан ҳеч қачон
Кўз олдимда яшнаб у ҳамон
Бирга юрган эди, эй пари!
Бу ширин ном азал бор эди:
Кўпдан менга ҳаяжон солиб,
Кеча-кундуз ҳушимни олиб,
Қулоғимда майин тор эди.

Масъуд кунларимда жаннатда
Сен билан мен эдим фурқатда.
Оҳ, агар сен билсайдингки, қиз,
Бутун умр — асрлар беиз,
Ҳузур қилиш ва азоб чекиш,
Ёвузликка мақтов кутмаслик,
Яхшиликка эҳсон кўрмаслик,
Ўзинг учун яшаш, энтикиш,
Бу абадий курашда яна
Бекелишув ва бетантана
Кун ўтказиш — қандай оғир иш!
Ҳам ачиниш, ҳам ачинмаслик,
Ҳар нарсани англаш ва сезиш,
Ҳеч нарсани кўзга илмаслик,
Ҳаммасидан таҳқир-ла безиш!..—
Лаънатини ёғдириб худо,
Даргоҳидан айлагач жудо,
Табиатнинг қучоғи бутун
Муздай совиб қолди мен учун.
Кўз олдимда ястаниб шунда
Мовийланди коинот; унда
Кўпдан менга таниш, зийнатдор
Сайёралар тўпини кўрдим.
Олтин тож-ла учарди улар;
Оҳ, на хўрлик, баридан сўрдим,
Ҳеч биттаси назар солмади
Эски дўстни таний олмади.
Шунда қаҳрим келиб уларни,—
Ўзим каби қувғиндиларни
Рўбарўга чақирдим. Бироқ,
У ёвуз юз, ёвуз кўзларни,
Эвоҳ! Таний олмадим у чоқ.
Бу аҳволдан қийналдим ёмон;
Ваҳимага тўлиб шу замон,
Қанотимни силкиб йўл олдим.
Қайга? Нечун? Ўзим билмасдан,

Эски дўстлар кўзга илмасдан,
Унутдилар... Мен якка қолдим:
Шундан кейин жаҳон мен учун
Беҳишт каби тор ўлди бутун,
Оқимнинг ҳур истаги билан
Борар жойин манзилин билмай,
Бесукуну ҳамда беелкан
Оқиб кетаётган кемадай;
Гоҳи пайтлар саҳарда ёлғиз
Кўк гумбазда қорайиб юрган,
Тўрт тарафга ўзини урган,
Худо билсин, қайдан, қай сари
Тиним билмай бемақсад, беиз
Учган булут парча сингари
Мен ҳам учар эдим беқарор
Ҳамдам излаб ўзимга зор-зор!
Инсонга кўп ҳоким бўлмадим,
Ўргатмадим гуноҳларга кўп.
Яхшилиқни тамом хўрладим.
Одилликни ерга урдим хўп,
Узоқ эмас... Тоза имоннинг
Алангасин ўчирдим осон...
Меҳнатимга арзирми ҳеч он
Аҳмоқ, мунофиқи инсоннинг?
Мен қийналдим, жаҳондан бездим,
Тоғлар аро беркиниб кездим;
Худди кўкдан отилган юлдуз —
Тун қўйнида дайидим ёлғиз.
Танҳо йўлчи тунда йироқдан
Макрим билан бир ўт кўрарди,
Отини тез унга бурарди.
Бориб-бориб баланд қирғоқдан
Жаҳаннамга тўнтариларди,
О! Бекорга фарёд қиларди,
Жар тошлари ботарди қонга...
Парча-парча бўлган инсонга

Эътиборсиз кулиб боқардим,
Шодланардим, қанот қоқардим.
Аммо тездан ғазабнинг қора
Бу ўйини ёқмасдан қолди,
Қон сайридин кўзларим толди!
Мен исёнкор табиат аро
Дил зорини босмоқчи бўлиб,
Бузуқ ўйдан қочмоқчи бўлиб,
Унутилмас нарсаларни ҳам
Унутмоққа онт ичиб маҳкам,
Бор оламдан тамом жирканиб,
Кучли бўрон билан урушда
Чақмоқ, туман ичра бурканиб,
Қуюнларни ўйнаб буришда
Булутларнинг устида учдим,
Кенг фазонинг қўйинини қучдим,
Келиб кетган ҳамда келгуси
Одамларнинг барча қайғуси,
Барча меҳнат, барча кулфати,
Барча чеккан ғам, уқубати,
Ҳаммасини жам қил ўзингга;
Сўнгра менинг ҳали сўлмаган
Олам унга иқрор бўлмаган
Танилмаган зўр азобимдан
Бир лаҳзани келтир кўзингга...
Улар нима бунга нисбатан?
Одам недир? Недир иш, умри?
Келиб кетган ва келиб кетар...
Умид борки, ҳукмдор тангри
Ҳукм этса ҳам, афв эта олар!
Менинг қайғум бўлса, муттасил
Шу ердадир, ҳеч қачон ўлмас,
У мен каби абадий, асл.
Мендек унинг охири бўлмас!
У ажралмас, мен билан яшар,
Гоҳ илондек ўйнар, тўлғанар,

Гоҳ оловдек куйдириб ёнар,
Гоҳ тош каби фикримни босар,—
Улган умид, ўлган эҳтирос
Қабридир у. Асти бузилмас!..

Т а м а р а

Қайғуларинг не керак менга?
Бас қил дедим, бас дедим сенга.
Гуноҳкорсан...

И б л и с

Сенгами, ҳур қиз?

Т а м а р а

Эшитарлар...

И б л и с

Танҳомасми биз?

Т а м а р а

Худойим-чи?

И б л и с

Бизни кўрмас у,
Кўк билан банд, ерни сўрмас у.

Т а м а р а

Жазолар-чи, дўзах ўти-чи?

И б л и с

Ҳеч гап эмас, тинглагин пича,
Сен сазомни урмасанг ерга
Дўзахда ҳам бўлармиз бирга.

Т а м а р а

Эй туйқусдан йўлиққан дўстим,
Ким бўлсанг бўл, барибир жўшдим,
Роҳатимни мангу йўқотиб,
Ажаб мажҳул фараҳга ботиб,
Ихтиёрсиз тинглайман сени.
Агар борди алдасанг мени,
Сўзинг ёлғон бўлса мабодо...
Бу на шараф! Раҳм эт, эй худо!
Менинг кўнглим сенга не керак?
Сен кўрмаган барча қизлардан,
Чирой шоҳи у юлдузлардан
Наҳот, кўкка мен қимматлироқ?
Улар, ҳаёт! Ҳаммадан гўзал,
Таърифи йўқ гул чиройларин
Ердагидек қизлик жойларин
Улим қўли бузмаган азал.
Йўқ! Сен менга қасамёд айла,
Уйлариңдан кеч, барбод айла.
Кўрасанми, ғам чекаман мен;
Хотин ҳиссин кўрмоқдасан сен!
Юрагимда шубҳа бор сенга...
Аммоки сен барчасин туйдинг,
Ҳаммасини биласан, суйдинг,
Раҳминг келар албатта менга!
Онт ич... ёвуз бисотингдан кеч,
Ваъда бергин, инонтир, уқдир,
Наҳот, бўлак бузилмаган ҳеч
На бир қасам, на ваъда йўқдир?

И б л и с

Онт ичаман хилқатнинг боши
Ҳамда унинг сўнг нафаси-ла,
Жиноятнинг уятли тоши,
Ҳақиқатнинг тантанаси-ла!

Онт ичаман зафар орзуси,
Инқирознинг қайғуси билан,
Васлинг билан ҳамда бўлғуси
Дардли ҳижрон қўрқувси билан;
Онт ичаман муте руҳлару,
Дўстларимнинг тақдирлари-ла,
Менга душман малакларнинг у
Қонсираган шамширлари-ла;
Онт ичаман кўк-ла, дўзах-ла;
Ер санами сан-ла ва ҳақ-ла,
Сенинг сўнгги бир нигоҳингу,
Энг биринчи ёшинг, оҳингу,
Лабларингнинг гул дамлари-ла,
Ипак сочинг бурамлари-ла,
Онт ичаман айш-ла, кулфат-ла,
Онт ичаман бор муҳаббат-ла!
Эски ўчдан тамом воз кечдим,
Кечдим мағрур ўйлар баҳридан.
Бундан бу ёқ макрим заҳридан
Йўлдан озиб қийналмас ҳеч ким!
Энди осмон билан келишмоқ,
Севмоқ, сиғинмоқни истайман,
Энди эзгуликка эришмоқ,
Унга инонмоқни истайман,
Энди бутун бу оламдаги
Қасофати руҳимни қувай:
Кўз ёшим-ла пешонамдаги
Кўк оташин изларин ювай;
Қўй, бу дунё тинч ва воқифсиз
Чечаклансин, гулласин менсиз!
О! Ишонгил: шу замонгача
Висолингга етишиб, сени
Англай олган фақат менгина.
Оёғингга ҳокимлигимни,
Эрку, ишқу то имонгача
Тўкиб-солган фақат менгина.

Ишқингни, қиз, ҳадыдек букун
Мен кутаман; айла ҳамият:
Бир марҳамат, бир онинг учун
Қурбон сенга бу абадият.
Йўлларингда, эй тоза санам,
Овораман, қалби куюкман.
Гараздаги каби ишқда ҳам
Вафодорман, инон, буюкман.
Фалакларнинг озод ўғлиман,
Сени кўкка олиб кетаман,
Бу жаҳонга хоқон этаман,
Энг биричи ёрим бўлурсен.
Уша ердан, эй гўзал пари,
Гўзаллиги умрсиз бўлган,
Жиноятга, ўлимга тўлган,
На севгида ва на нафратда
Бетаҳлика яшолмайдиган,
Ўз нафсидан ошолмайдиган,
Майда эҳтирос-ла гафлатда
Қолганларнинг макони — ерга,
Разолату, ғам кони — ерга
Қизғанмасдан назар соларсан.
Нафрат билан ўйга толарсан.
Билмайсанми ҳалига довур
Одамларнинг ишқи нелигин?
Қон мавжидир, билмасанг билгин,
Лекин, кунлар ўтар, қон совур.
Эй гўзал ёр, жавоб бер менга,
Айрилиққа, кўз ёшларингга,
Янги чирой алдашларингга,
Хаёлларнинг хоҳиш, эркига,
Ҳорғинликка, хафаликка, ким —
Жиндек қарши туралар?— Ҳеч ким!
Йўқ! Сен учун, эй, севимли ёр,
Тор доира ичра лолу зор
Кундош дағалликка қул бўлиб,

Қайғу билан ҳасратга тўлиб,
Юраксиз ва совуқ инсонлар,
Муғамбир дўст, ёвуз душманлар,
Самарасиз тилак, қўрқувлар,
Бўш ва оғир меҳнат, қайғулар
Орасида гулдай сўлишни,
Бекорларга хароб бўлишни
Тақдир азал ёзмаган асло,
Бундай лаҳад қазмаган асло.
Баланд девор остида ғамгин,
Одамлардан, худодан нари
Ибодат-ла ахтариб таскин
Беэҳтирос сўнмайсан пари.
Йўқ! Йўқ! Сени, ажойиб хилқат,
Бошқа олам, бошқа бир қисмат,
Бошқа азоб, бошқа ҳаяжон —
Қутмакдадир, сен менга инон.
Ташла эски орзуларни сен:
Унут унинг ҳар нарсасини,
Эвазига очиб берай мен
Мағрур идрок дарвозасини.
Менга тобе руҳларни бутун
Оёгингга чўктирайин тиз,
Сеҳр тўла малаклардан, қиз,
Жориялар берай сен учун,
Сенга атаб Шарқ Юлдузидан
Олтин жиға узиб берайин,
Шабнам териб гуллар юзидан,
У жиғага тизиб берайин.
Кун ботишнинг лаъли нуридан
Бўйларингга ленталар ўрай,
Атрофингда ҳаволарни ман
Хушбўй нафас билан тўлдирай.
Қулофингни ажиб куй билан
Сира тинмай эркалатай мен,
Фирузадан, қаҳраболардан

Кошоналар тайёрлатай мен.
Денгизларнинг тубларин қучай,
Булутлардан баландга учай,
Ер неъматин сенга тутай, қиз,
Фармонингга йиглаб чўкай тиз,
Севгин мени!..

XI

Ва у оҳиста
Ўтдай ёнган лаблари билан
Қизнинг худди хандони писта
Лабларига ёпишди бирдан.
Қиз ялинди. Ёлғон сўз билан
Алдади у, ишонтирди у;
Ёниб турган кучли кўз билан
Тикка боқди ва ёндирди у.
Ханжар каби қоп-қора тунда
Ҳеч давосиз чақнади шунда.
Ҳайҳот! Ҳайҳот! Ёвуз руҳ яна,
Яна бир йўл қурди тантана!
Қиз кўксига унинг бўсаси
Ҳайҳот! Улим заҳарин қуйди.
Қизнинг дод деб чинқирган саси
Тун тинчлигин ташвишга қўйди.
У товушда муҳаббат, азоб,
Ёлворишу, гина, изтироб,
Ёш умр-ла алвидолашиш,
Олам билан сўнг жудолашиш —
Улим деган хабар бор эди,
Бу энг сўнгги оҳу зор эди.

XII

Шу вақтда тун қоровули
Тақиллатиб тақилдоғини,
Ҳар ён тутиб динг қулоғини
Одат қилган ҳар кунги йўли —

Тикка девор айланасида
Елғиз кезиб юрар эди тек.
Бирдан чўчиб, шарпа сезгандек
Қиз ойнасин шунда пастида
Ҳайрон бўлиб тўхтади қолди,
Атрофига тинч қулоқ солди.
Боқар экан у жимжит тунга,
Икки лабнинг чўлп-чўлп бўсаси,
Заифона қийқириқ саси
Эшитилгандай туюлди унга.
Чол чўчиди, дили увушди,
Юрагига кир шубҳа тушди.
Лекин, тинди ҳаммаси шу чоқ...
Фақат майин шабада йироқ
Япроқларнинг зорин бу ёққа
Келтирарди узоқ ерлардан.
Тоғ дарёси қора қирғоққа
Сўйлар эди ўтмиш сирлардан.
Ваҳим босди, у чол қўрқарди,
Ичдан алланелар ўқирди.
Ёвуз руҳни, қора арвоҳни
Хаёллардан қувиб ташлай деб,
Ўйларидан ёмон гуноҳни
Дуолар-ла ювиб ташлай деб,
Дир-дир титраб, ўнг қўли билан
Чўқиниб у илтижо этди,
Индамасдан ўз йўли билан
Шошилганча тез юриб кетди.

ХIII

Ухлоқ пари каби беозор,
Тобутида ётар эди қиз,
Оппоқ юзи, у гулдай узор,
Қафандан ҳам оқ эди... Эсиз,
Юмилмишди киприги мангу...
Лекин киприк остидаги у

Мудраб ётган кўзлар уйғоқ деб,
Ё ўпиш, ё кунга илҳақ деб
Ким ўйламас эди боққанда,
Жигари ёш бўлиб оққанда?
Аmmoки, у кўзларга қуёш
Олтин нурун қуярди бекор,
Йиғлаб ўпиб қавми қариндош,
Дил-дилидан куярди беқор.
Йўқ! Қаттиқдир ўлимнинг дасти,
Уни ҳеч ким бузолмас асти!

XIV

Тамарани хуррам кунлари
Байрамда ҳам ҳеч қачон бир хил
Ясан билан кўрмаганди эл.
Усган ерин сарин гуллари
Эски урф-одат бўйича
Қиз устида ҳид сочишарди,
Ўлик қўлда қолган кўйича
Гўё ер-ла хайрлашарди.
Эҳтиросга тўла юзида
Ўлимдан ҳеч асар йўқ эди.
Унга боққан киши ўзида
У тирик деб кўнгли тўқ эди.
Унда мәрмар каби ҳам сезги,
Ҳам ақлдан, ҳисдан бегона,
Ўлим каби сирли ва эзгу
Бир чиройдан борди нишона.
Лабларида ажаб бир кулги
Қотиб қолмиш эди беозор,
Диққат билан боққан кўзга у
Талай ғамдан берарди ахбор:
У кулгида ҳаётдан жудо —
Бўлаётган дилнинг нафрати,
Энг сўнгги ўй, сўнгги нияти
Ҳамда ерга сассиз алвидо,

Деган каби бир ҳол бор эди;
Қайғусига олам тор эди.
У бурунги ҳаёт кулгиси
Беҳудага қолдирмишди из,
Энди уни не қиларди қиз,
Ҳоким экан ўлим уйқуси?
Бир кулгининг бир ўхшари бор.
Кеч тушганда, қуёш ботганда,
Денгизда зар эриб ўтганда,
Қазбек узра кумуш каби қор
Бирпас асраб шафақ нурини
Йилтиллайди узоқдан қиё.
Аммо ярим жонли бу зиё
Ёритмайди кимса йўлини!..

XV

Қўни-қўшни, қавм-қариндош
Ғамли сафар учун йиғилган.
Кўкси қисиб дами тиқилган
Қари Гудал кўзларида ёш,
Фарёд қилиб йиғлаб зору зор,
Сочларини юлиб, сўнгги бор
Оқ отига минди, кўзғалди —
Барча мазор сари йўл олди.
Йўл олисдир, тинмай бирма-бир
Уч кеча-уч кундуз чўзилар:
Боболарин ёнида улар
Тамарага қазмишлар қабр.
Қишлоқларни ўт қўйиб босган,
Ғарибларни талаган, осган
Гудалнинг бир ўтмиш авлоди
Кўкка чиқиб фиғони-доди
Қасал бўлиб ётиб қолганда,
Гуноҳларга ботиб қолганда
Айбларини ювмоқ қасдида
Фақат бўрон ўйнаган, учган,

Қарчиғайлар зирвасин қучган
Қоя узра, булут пастида
Уруғига айлаб нишона
Солмоқ бўлган эди бутхона.
Тезда Қазбек қорлари аро
Бир калисо ясалди танҳо,
Суяклари унда бўлди жо.
Уша баланд қоя сал ўтмай
Гўристонга айланди базўр,
Кўкка қанча яқин бўлса гўр,
Гўё бир оз иссиқ бўлгандай?
Одамлардан нарида ҳар дам
Гўё сўнгги уйқу бузилмас...
Бекор! Ўтган севинч, ўтган ғам
Ўлганларнинг тушига кирмас...

XVI

Бир фаришта мовий самодан
Олтин қанот қоқиб ўтарди;
Ул гуноҳкор жонни дунёдан
Қучоғида олиб кетарди.
У юпатиб гуноҳ қизини,
Шубҳаларни қуварди ундан,
Гуноҳ билан азоб изини
Қўз ёши-ла юварди ундан:
Жаннат саси олисроқ ердан
Эшитиларкан уларга бирдан
Уларнинг ҳур йўлларин кесиб,
Худди кучли шамолдек эсиб
Дўзахи руҳ гувиллаб учди,
Қуюн каби самони қучди.
У довулдек кучли эди-ю,
Чақмоқ каби ялтирар эди,
Фурурланиб тентакларча у.
«Қиз меники! Йўқол сен!» деди.
Тамаранинг гуноҳкор жони,

Ваҳм билан тўлиб ҳар ёни
Фариштага ўзини урди,
Дуо ўқиб қалтираб турди.
Келажакнинг тақдири шу чоқ
Ҳал бўларди: чунки у тағин
Ғазаб билан солиб қовоғин
Қиз олдида ёймишди қучоқ.
Аммо уни, эй парвардигор,
Шу чоқда ким таний олурди?
Қандай ғазаб билан у ғаддор
Аччиғланиб назар солурди,
Тўлмиш эди буткул сўнгги йўқ —
Душманликнинг ўлим захри-ла,
Юзларидан гўрга хос совуқ
Ёғар эди ёвузлик, ҳийла.
«Кет шубҳалар қора руҳи, кет!»
Деди осмон элчиси унга:
«Кет эй беор, чекил эй безбет,
Энди сенинг ҳаддинг йўқ бунга!
Етар, шунча тантана қурдинг,
Етар, шунча сен йўлдан урдинг,
Энди ҳукм соати етди,
Парвардигор қатъий амр этди!
Ўтди унга синов кунлари,
Ўтди унга азоб тунлари,
Ернинг фоний кийими билан
Шарр занжири ечилди ундан.
Билгил! Уни кўпдан кутардик,
Кўпдан унга биз кўз тутардик.
У шундайин руҳлардандики,
Улар учун ҳаёт — бир дамдир,
Бетасалли, бир онли ғамдир.
У шундайин руҳлардандики,
Раб уларнинг жонли торини
Яратмишдир сарфлаб борини.
Улар асли дунё учунмас,

Ва дунё ҳам улар учунмас!
Қаттиқ баҳо билан сермеҳнат
Шубҳаларин ювди у бутун.
У қийналди, севди. У учун
Энди ишққа очилди жаннат!»
Ёвуз руҳга хўмрайиб боқиб,
Ул фаришта кенг нафас олди,
Севинч билан қанотин қоқиб,
Кўк денгизи ичра йўқолди.
Мағлуб бўлган Иблис шу замон
Тентакона тилаklarини,
Орзулару истаklarини
Ҳаммасини қарғаб беомон
Яна мағрур, бир ўзи якка
Бурунгидек беишқ, бепакка
Мулзам бўлиб, қайғуга толди,
Бу жаҳонда тентираб қолди!

Ҳалигача тоғ ён бағрида
Қойишаур водийси узра
Қуюқ булут, туман бағрида
Узоқлардан кўриниб хира
Ғамгин назар ташлаб тўрт томон
У хароба туради ҳамон.
Ўша ҳақда болалар учун
Ҳикоялар сақламиш кучин...
Рўё каби у тилсиз ҳайкал,
У сеҳрли кунлар гувоҳи,
Қоп-қорайиб кўринар сал-пал
Дарахтларнинг ичидан гоҳи.
Пастда овул чечак отади:
Ер ям-яшил гуллаб ётади;
Гувиллаган товушлар пастда
Тоғдан тоққа урилар аста,
Пастда майин шабада елар,
Узоқлардан карвонлар келар,

Қўпикланиб ярқираб ирмоқ
Қуйи тушмай, сакрайди ҳарёқ.
Беғам бола каби табиат
Ҳамиша ёш; шўх ҳаёт билан
Қуёш, баҳор наботот билан
Қўнгил очиб ўйнар ҳар соат.
Бир замонлар навбати билан
Ўз даврини кечирган сарой,
Худди дўсту оиласидан
Жудо бўлган, айрилган гадоё
Ранги ўчган, ғамгин боқади.
Қўнгилларни ўтда ёқади.
Унинг янги яшовчилари
Ой чиқишин кутиб туралар;
Бу уларнинг ҳур байрамлари,
Чирқиллашиб ўйнаб юралар.
Янги роҳиб-қари ўргимчак .
Уя тўқир, сайрашиб чик-чик.
Зангори, кўк калтакесаклар,
Майда тошлар ҳамда кесаклар
Орасидан чиқишиб шомда,
Гиз-гизлашиб ўйнашар томда.
Астагина инидан илон
Зинапоя устига чиқар;
Гоҳ кулажак бўлиб бир замон
Қалласини пинжигга тиқар;
Гоҳ узайиб, ўтган замонда
Катта уруш пайти майдонда
Эсдан чиқиб қолган қиличдек
Қимирламай ётиб олар тек...
Бари ваҳшат; ўтган йиллардан
Ҳеч бир ерда из йўқдир, беном:
Асрларнинг қўли булардан
Секин-секин ўчирмиш тамом.
Тили йўқдир, сўзлай олмайди,
Ҳеч нарсани эслатолмайди

На шуҳратли Гудал отидан,
На севимли қизи зотидан.
Аммо улар кўмилган мозор
Зирвадаги бутхона омон,
Оллоҳ паноҳида беозор,
Булут ичра кўринар ҳамон.
Эшигида қоровул бўлиб,
Бошдан-оёқ қорга кўмилиб,
Темир совут ўрнига мангу
Муз кийиниб қотиб турган у
Сақлагувчи гранит тошлар
Атрофига совуқ кўз ташлар...
Кўчай деган кўчкилар мудраб
Совуқ уриб, музлашиб, титраб
Тўрт атрофда шалолалардек
Осилишиб турадилар тек!
Бўрон соқчи бўлиб юради,
Деворларнинг чангин суради.
Қўшиқ айтиб бақирар гоҳо,
Соқчиларни чақирар гоҳо.
Бир ажойиб калисо бор деб,
Кавказ тоғларида турар деб,
Оқ булутлар шарқдан елишар:
Сажда қилмоқ учун келишар.
Аммо, кўпдан бу гўрлар узра
Ҳеч ким келиб йиғламас сира.
Тунд Қазбекнинг баланд қояси
У ўлжани сақлар, кўз узмас.
Одамларнинг мангу ноласи
Уларнинг тинч уйқусин бузмас.

1841

МУНДАРИЖА

Уни Лермонтов дейдилар. В. Зоҳидов*

Шеърлар

1929

Мактуб. Мақсуд Шайхзода таржимаси	21
Жавоб. Ҳамид Фулом таржимаси	23
Дўстимга. Рамз Бобожон таржимаси.	24
Монолог. Рамз Бобожон таржимаси	25
Баллада («Бир қиз денгиз соҳлида...»). Темур Фаттоҳ таржимаси	26
Илтижо. Ҳамид Фулом таржимаси	28

1830

Момақалдироқ. Асқад Мухтор таржимаси	29
«Денгизларни бўйлаб гумбурлар чақин...» Асқад Мухтор таржимаси	30
Юлдуз («Чарақла, чарақла, олис юлдузим...»). Ас- қад Мухтор таржимаси	31
Яҳудий қўшиғи. Мақсуд Шайхзода таржимаси	32
Кавказга. Ҳамид Фулом таржимаси	33
1830 йил 16 май куни. Эргаш таржимаси	34
Қаромат. Мақсуд Шайхзода таржимаси	35
Раҳмат. Мақсуд Шайхзода таржимаси	36
Тиланчи. Холид Расул таржимаси	37
30 июль (Париж) 1830 йил. Ҳамид Фулом таржи- маси	38
Гун («Ёлғиз ўтираман...»). Мақсуд Шайхзода тар- жимаси	40
Новгород. С. Худойберганов таржимаси	42
Ўлим («Уфқ ёнар...»). Эргаш таржимаси	43

...га («Хей, фисқу фуҷурлар афв этилмасин...»).	44
<i>Рамз Бобожон таржимаси</i>	45
Тўлқинлар ва одамлар. <i>Рамз Бобожон таржимаси</i>	46
Оҳанглар. <i>Рамз Бобожон таржимаси</i>	47
«Майлига, шоирни қилсин айбдор...» <i>Зоҳиджон</i>	48
<i>Обидов таржимаси</i>	49
Оқшом. <i>Рамз Бобожон таржимаси</i>	50
...га («Қўлингни бер менга, шоир кўксига эгил...»).	52
<i>Илёс Муслим таржимаси</i>	
Менинг демоним. <i>Султон Акбарий таржимаси</i>	
Романс («Кувноқ оҳанг таратса ҳам...»). <i>Султон</i>	
<i>Акбарий таржимаси</i>	

1831

1831 йил 11 июнь кун. <i>Шунқор таржимаси</i>	53
И...га романс. <i>Зоҳиджон Обидов таржимаси</i>	63
Васият. <i>Пўлат Мўмин таржимаси</i>	64
...га («Тақдири илоҳий ҳукмин чиқарган...»). <i>Зо-</i>	
<i>ҳиджон Обидов таржимаси</i>	65
Тавба. <i>Рамз Бобожон таржимаси</i>	67
Ҳаёт жоми. <i>Азиз Абдураззоқ таржимаси</i>	68
...га («Мақтовларга инонма ҳечам...»). <i>Туроб Тўла</i>	
<i>таржимаси</i>	69
Осмон ва юлдузлар. <i>Асқад Мухтор таржимаси</i>	70
Малак. <i>Мамарасул Бобоев таржимаси</i>	71
«Ота ва ўғилнинг аянч қисмати...» <i>Жуманиёз Жаб-</i>	
<i>боров таржимаси</i>	72
Баллада («Кечки пайт. Навжувон бир славян-	
ка...»). <i>Эргаш таржимаси</i>	74

1832

Видолашув. <i>Султон Акбарий таржимаси</i>	76
«У дилбар, жанубнинг қизгин боласи...» <i>Мақсуд</i>	
<i>Шайхзода таржимаси</i>	78
Романс («Соҳилда турар эди кулранг қоя...»). <i>Ҳа-</i>	
<i>мид Фулом таржимаси</i>	79
«Йўқ, Байрон эмасман, мен бошқа одам...» <i>Ҳамид</i>	
<i>Фулом таржимаси</i>	80
Романс («Кетасан жанг майдон томон...»). <i>Ҳамид</i>	
<i>Фулом таржимаси</i>	81
«Мен яшаш истайман, истайман ғамни...» <i>Рамз Бо-</i>	
<i>божон таржимаси</i>	83

...га («Алвидо, биз бошқа ҳеч учрашмаймиз...») <i>Рамз Бобожон таржимаси.</i>	84
«Мен телбаман! Ҳақлисиз, ҳақли». <i>Рамз Бобожон таржимаси.</i>	86
Қамиш. <i>Пўлит Мўмин таржимаси.</i>	87
Елкан. <i>Илёс Муслим таржимаси</i>	89
«Нега зачгор тўлқинлар бўлиб...». <i>Рамз Бобожон таржимаси.</i>	90
Баллада («Қайга ошиқасан, эй яҳудий қиз!»). <i>Мақсуд Шайхзода таржимаси.</i>	91
«Бахт ва ишонч учун, илҳомлар учун». <i>Жуманиёз Жабборов таржимаси.</i>	93
<i>Гусар. Жуманиёз Жабборов таржимаси.</i>	94

1836

Альбомга. <i>Зоҳиджон Обидов таржимаси.</i>	96
«Эй, улуғ зог, бунда излама зинҳор!» <i>Мамарасул Бобоев таржимаси.</i>	97

1837

Шонринг ўлими. <i>Асқад Мухтор таржимаси</i>	98
Бородино. <i>Ғафур Ғулом таржимаси.</i>	101
Тутқун. <i>Эргаш таржимаси</i>	105
«Сарғая бошлаган дала мавж уриб...» <i>Миртемир таржимаси</i>	106
«Ажралишдик, лекин аксингни бирдай...» Туроб <i>Тўла таржимаси</i>	107
«Шошиб борарканман...» <i>Асқад Мухтор таржимаси.</i>	108

1838

Ханжар. <i>Мақсуд Шайхзода таржимаси</i>	110
Уйлар. <i>Асқад Мухтор таржимаси.</i>	111

1839

Узинга инонма. <i>Муҳаммад Али таржимаси</i>	113
Уч хурмо. <i>Темур Ғаттоҳ таржимаси</i>	118
Дуо. <i>Муҳаммад Али таржимаси</i>	119
Терек совғалари. <i>Азиз Абдураззоқ таржимаси</i>	122
А. И. О (Доевский) хотираси. <i>Асқад Мухтор таржимаси.</i>	122
«Шов-шувли баэмда ўлтириб ҳазин...» <i>Асқад Мухтор таржимаси</i>	125

1840

Қазак алласи. <i>Миртемир таржимаси</i>	126
«Гоҳ бўлсам мингқуроқ оломон аро...» <i>Муҳаммад Али таржимаси</i>	128
Ҳам шавқсиз, ҳам ҳасратли. <i>Муҳаммад Али таржимаси</i>	130
Қўшни қиз. <i>Эрғаш таржимаси</i>	131
Асир паҳлавон. <i>Ҳамид Фулом таржимаси</i>	133
Не учун. <i>Муҳаммад Али таржимаси</i>	134
Журналист, китобхон ва ёзувчи. <i>Жуманиёз Жабборов таржимаси</i>	135
Гўдакка. <i>Муҳаммад Али таржимаси</i>	141
Булутлар. <i>Ҳолид Расул таржимаси</i>	143

1841

Ватан. <i>Мақсуд Шайхзода таржимаси</i>	144
(Графиня Ростопчинага). <i>Мақсуд Шайхзода таржимаси</i>	146
Чўққи. <i>Султон Акбарий таржимаси</i>	147
Туш. <i>Темур Фаттоҳ таржимаси</i>	
«Севишдилар улар...» <i>Мақсуд Шайхзода таржимаси</i>	149
Кўришув. <i>Султон Акбарий таржимаси</i>	190
Барг. <i>Миртемир таржимаси</i>	154
«Оташин севганим...» <i>Мақсуд Шайхзода таржимаси</i>	156
«Мен йўлга чиқаман...» <i>Эрғаш таржимаси</i>	157
Пайғамбар. <i>Темур Фаттоҳ таржимаси</i>	159

Достонлар

Шоҳ Иван Васильевич, навжувон ясовул ва азамат савдогар Қалашников ҳақида қисса. <i>Миртемир таржимаси</i>	163
Қочқин <i>Асқад Мухтор таржимаси</i>	179
Мцири. <i>Ҳамид Фулом таржимаси</i>	184
Демон. <i>Усмон Носир таржимаси</i>	210

На узбекском языке

М. Ю. ЛЕРМОНТОВ

Избранные произведения в 2-х томах

Т. I

СТИХИ И ПОЭМЫ

Редактор

Муҳаммад Али

Рассом

А. Пономарев

Расмлар редактори

А. Бобров

Техн. редактор

Т. Смирнова

Қорректор

М. Қудратова

ИБ № 381

Босмаҳонага берилди 23.09.77 й. Босишга рухсат этилди 04.07.78.
Формати 70X90^{1/32}. Босма л. 8,0. Шартли босма л. 9,36. Нашр л.
9,15. Тиражи 25000. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат
нашриёти, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 158—77.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва
китоб савдоси ишлари бўйича Давлат комитетининг Тошкент «Мат-
буот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасида 1-қоғозга ва
мелованый қоғозга босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1978 йил.
Заказ № 1113. Баҳоси 1-қоғозда 1 с., мелованый қоғозда 1 с. 90 т.